Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти

# UZLUKSIZ TA'LIM

ILMIY-USLUBIY JURNAL

2020, № 1

***ДЖУРАЕВ Рисбой***
Бош муҳаррир

Журнал 2001 йилдан нашр қилина бошлаган.
Ўз МААдан 2007 йил 3 январда № 0101-тартиб рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.

Журналда эълон қилинган мақолалардан иқтибос олинганда «Узлуксиз таълим» журналидан олинганлиги кўрсатилиши лозим.

**Таҳрир ҳайъати:**

*Шерзод ШЕРМАТОВ*
*Баходир СОБИРОВ*
*Рахманкулова НАРГИЗА*
*Бахтиёр ДОНИЁРОВ*
*Собитхон ТУРҒУНОВ*
*Холбой ИБРАГИМОВ*
*Шавкат ҚУРБОНОВ*
*Роҳатой САФАРОВА*
*Ислом ЗОКИРОВ*
*Абдусалом УМАРОВ*
*Одил КУЙСИНОВ*
*Лобар КАРАХАНОВА*

**Таҳририят манзили:**
100027, Тошкент ш.,
Фуркат кўчаси,
174-уй.

ЎзПФИТИ

Тел.: 0371-245-92-34

e-mail: uzluksiztalim_jurnal@mail.ru
liya_2305@mail.ru

## ТАЪЛИМ МАЗМУНИ УЗЛУКСИЗЛИГИ

3 ***Ғ.И.Мухамедов, Д.М.Махмудова***
Математика дарсларида муаммоли таълим технологияларини қўллаш
9 ***А.Сулаймонов***
Архитектура таълимида график материалларни узлуксизлик принципи асосида тақдим этишнинг дидактик талаблари
13 ***А.Х.Махмудов, А.Т.Ахунжонов***
Узлуксиз таълим тизимида шахматни жорий этишнинг халқаро тажрибаси
18 ***Д.Ш.Темиров***
Узлуксиз таълим тизими муассасаларини давлат-жамият шаклида бошқаришнинг асосий кўрсаткичлари
23 ***М.Ибодова***
Компетенциявий ёндашув асосида ўқувчиларнинг мустақил ишларини узлуксиз ташкил этиш
27 ***А.У.Ортиқов***
Янги авлод дарсликларини яратишда узвийликни таъминлаш масалалари
32 ***Г.Х.Дўсмуродова***
Математикадан иқтидорли ўқувчилар билан ишлашни узвий ташкил этиш самарадорлиги
37 ***И.Б.Матякубов***
Бўлажак мусиқа ўқитувчиларини амалий компетенцияларини ривожлантиришда мусиқа ўқув методларининг ўрни
41 ***З.У.Исмоилов***
Узлуксиз таълим жараёнини такомиллаштириш ва бошқаришда ҳамкорлик масалалари
45 ***М.А.Иргашова***
Узлуксиз таълимда муаммоли таълим технологиясининг аҳамияти
49 ***Н.Ж.Тошева***
Таълим тизимида ўқувчи-ёшлар тарбиясида ҳуқуқий билим ва маданиятни узлуксиз ривожлантириш масалалари
53 ***Ш.А.Бабаев, Э.Б.Шобдаров***
Узлкусиз таълим тизимида физиканинг «Тўлқин ҳодисалари» бўлимини ўрганишда инновацион методлардан фойдаланиш
58 ***М.У.Жураева, Д.У.Джураев***
Непрерывность образования как условие успешной инвестиции в будущее

## УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА МЕДИАТАЪЛИМ: МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР

62 ***Н.Абдуллаева***
Основные направления совершенствования учебного процесса на занятиях по английскому языку в неязыковых вузах

## МАЪНАВИЙ ТАРБИЯ

66 ***А.И.Саидов***
Оилада миллий қадриятлар асосида соғлом авлодни тарбиялашнинг ижтимоий-психологик масалалари
71 ***З.А.Артикбаева***
Ёшлар дунёқарашини шакллантиришда экологик-гигиеник тарбиянинг роли
75 ***Р.Д.Бақоева***
Тарих дарслари воситасида ёшларда ватанпарварлик туйғуларини узлуксиз тарбиялаш
79 ***A.I.Sultonov***
Uzluksiz ta’lim tizimida tarbiyasi og‘ir o‘quvchilar bilan ishlashda o‘qituvchi faoliyati

## КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШ ВА ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТ

83 ***Ш.П.Пўлатов, З.Ш.Асқарова***
Узлуксиз таълим тизимида педагогнинг касбий ва педагогик маҳоратларини ривожлаништириш
88 ***С.Б.Қораев***
Профессионал таълимда ўқувчиларни касб-ҳунарга тайёрлаш жараёнини такомиллаштириш йўллари
93 ***Р.Джураев***
Исследовательское умение школьников при выполнении лабораторных работах

## ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЎҚИТИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ – ДАВР ТАЛАБИ

98 ***N.T.Jalilova***
O‘quvchi va talabalarga ingliz tilini o‘qitishning samarali usullari
101 ***З.Х.Масадикова, Ш.С.Хатамкулова***
Чет тилини ўрганишда ахборот технологияларидан фойдаланиш самарадорлиги
105 ***М.Х.Расулова, И.И.Расулов***
Инновационные методы и технологии в преподавании русского языка
109 ***Ш.Х.Ташметова***
Непрерывный процесс трансформации коммуникативной культуры у студентов ВУЗов

# МАТЕМАТИКА ДАРСЛАРИДА МУАММОЛИ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ

***Ғ.И.МУХАМЕДОВ,***
*Чирчиқ ДПИ профессори, к.ф.д.,*
***Д.М.МАХМУДОВА,***
*ЎзМУ доцент в.б., п.ф.ф.д.(PhD)*

*Маълумки, математика, механика, физика каби аниқ фанларни ўрганишда амалий масалалар ечиш муҳим аҳамиятга эга. Ёшларни масалалар ечиш ёрдамида ўқитиш билан уларда ижодий, илмий фикрлашни тарбиялаш ва юзага чиқариш мумкин. Ушбу мақола олий математика курсида талабаларнинг илмий фаолият олиб бориш учун зарур малакаларини ривожлантиришда муаммоли таълимнинг ўрни ва имкониятларига бағишланган.*

***Таянч сўзлар:*** *муаммоли таълим, муаммоли вазият, узлуксиз функция, кесмада узлуксиз функция, мустақил ижодий фаолият*

*Известно, что решение практических задач имеет важную рол в изучение таких предметовкак математика, механика,физика.Решение практических задач дает нам возможность раскрывать и развивать творческое и научное мышление молодых людей.Эта статья посвящена проблемам и возможностям проблемного обучения в курсе высшей математики,направленное на развитии навыков, необходимых для научной деятельности студентов.*

***Ключевые слова:*** *проблемное образование,проблемная ситуация,непрерывная функция, непрерывная функция резки, самостоятельная творческая деятельность.*

*It is known that the solution of practical problems has an important role in the study of such subjects as mathematics, mechanics and physics. Solving practical problems give us possibility to reveal and develop the creative and scientific thinking of young people. This article is devoted to the problems and opportunities of problem-based learning of higher mathematics, aimed at developing the skills necessary for further research activities of students.*

***Key words:*** *problem education, problem situation, continuous function, ccontinuous cutting function, independent creative activity.*

Муаммоли таълимнинг муҳим компоненти талабада билишга бўлган эҳтиёж – асосий манба инсоннинг психик ривожланишига шарт-шароит яратилиши ҳисобланади. Бундай шароитни яратиш манбаи “талабаларда билиш мотиви ривожланиши шарти ўтказилган тажрибадаги психологик тўсиғни енгиб ўтишни ва янги билишга бўлган эҳтиёжларнинг туғилишини қўллаб-қувватловчи муаммоли вазиятлардир” [1]

Муаммоли вазият маълумга яқинлашишга ноқулайлик чегараси каби ҳис қилинади. Ушбу чегарани силжитиш ва маълумга яқинлашиш-

га шароит яратишга эҳтиёж туғилади. Маълум билан номаълум орасидаги чегара қатъийроқ бўлганда уни силжитишга бўлган эҳтиёж фаолроқ бўлади [2]. Л.Д.Кудрявцевнинг фикрича, биринчи курс талабаларининг олий математикани керакли даражада ўргана олмасликлари ва кейинчалик математик усулларни амалий масалаларни ечишга қўллай олмасликларига асосий сабаб қуйидагилардир:

1) тушунадиганидан тушунмайдиганини ажрата олмаслик; 2) суҳбат олиб боришни эплай олмаслик: ўқитувчининг саволини тушуниб, унга жавоб бериш ва ўзининг саволини формулировка қилиш; 3) маълумотларни бир қолипда идрок қилиш, бузилган ва ҳатто, нотўғри қолипда идрок қилиш. Шунинг учун муаммоли таълимнинг муҳим масалаларидан бири имкон қадар ўқувчилар биладиган ва уларга маълумга ўхшаганларни бир-биридан ажратиб олишдир. Ўқитувчи талабалардаги шундоқ ҳам равшан-ку, кўриниб турибди-ку каби ақлий ҳамоҳангликни тартибли бузиб туриши ва ушбу ишни мустақил амалга оширишни талабаларга ўргатиши зарур бўлади [2].

Биз қуйида олий математика курсида талабаларга “Кесмада узлуксиз бўлган функциялар хоссалари” мавзусини ўқитишда муаммоли таълим мақсадини қандай амалга оширилиши хусусида сўз юритамиз. Одатда маъруза ёки дарсликда бу мавзуни ёритиш функцияларнинг $[a,b]$ кесмада узлуксизлиги таърифини беришдан бошланади. Кейин бундай функциларни хоссаларини баён қилувчи теоремалар ва уларнинг исботлари берилади. Таърифнинг исботланган хоссалар билан қандай боғлиқлиги очилмай қолиб кетади. Айрим ҳолларда дарсликларда хоссаларни формал исботидан сўнг график тушунтириш берилади. Ундан ташқари, олий таьлим, хусусан, техника университетлар дастурларида бу хоссаларнинг тўла исботини бериш инобатга олинмаган. Шунинг учун кўп ҳолларда исботлар тўла ёки қисман тушириб қолдирилади.

Маьлумки, янги маълумот-мавзуни бундай ёритиш билишга бўлган иштёқини рағбатлантирмайди, чунки олдиндан бу янги муаммоли вазиятлиги ва уни билишга бўлган эҳтиёж шакллантирилмайди. Муаммоли таълим шароитида бу мавзуни ёритиш масалан қуйидагича бўлиши мумкин.

Дастлабки тайёргарлик босқичида талабаларда мавжуд бўлган билимлар аниқлаб олинади. Бунинг учун талабаларга функцияларнинг қандай хоссалари маълумлигини муҳокама қилиниши фойдали. Одатда улар даврийлик хоссаси, тоғ-жуфтлилик хоссаси кабиларни эслашади. Кейин “Айтилган хоссалардан қайси бирлари барча узлуксиз функцияларга тегишли?” деган савол берилади. Мана шу саволни муаммо-

ли деб аташ мумкин, чунки у “функция хоссалари” тушунчасини умумлаштириш имконини беради. Ҳақиқатан ҳам, жавоблар таҳлилидан сўнг, талабалар мустақил равишда қайсидир синфга тегишли функциялар хоссалари ҳақида гап кетганда қуйидаги икки шарт бажарилиши зарур деган жуда муҳим хулосага келадилар:

1) кўрсатилган синфга тегишли барча функциялар учун бу хосса ўринли бўлади;

2) кўрсатилган синфга тегишли бўлмаган функциялар ичида шундайлари борки, у бу хоссага эга эмас.

Дастлабки тайёргарлик босқичида навбатдаги савол “кесмада узлуксиз функция таърифини беринг” кўринишида берилиб, муҳокама қилинади. Буни талабаларнинг ўзлари мустақил равишда амалга оширишлари мақсадга мувофиқ. Шундан сўнг Эйлерга тегишли “графигини қаламни қоғоз варағидан узмасдан чизиш мумкин бўлган функция берилган кесмада узлуксиз функция дейилади” деган таъриф ва талабалар томонидан берилган турли бошқа таърифларни таҳлил қилинади.

Тажриба шуни кўрсатадики, талабалар ўзлари мустақил равишда тегишли мисоллар ва контрмисоллар келтиришади ва уларга маълум бўлган хоссалардан фақат биттасигина яъни, чегараланганлик узлуксиз функцияларга хос эканлигига ишонч ҳосил қиладилар. Ана энди “узлуксиз функциялар яна қандай хоссаларга эга” деган савол билан талабаларда янги, номаълум маълумотга бўлган эҳтиёж шакллантирилиб муаммоли ҳолат юзага келтирилади. Кейин теорема формулировкасига олиб келувчи аниқ муаммоли топшириқлар берилади. Муаммоли таълимда талабаларга теореманинг фақат маълум қисминигина бериш мақсадга мувофиқ. Масалан, унинг шарти берилади, хулоса қисми талаба томонидан мустақил аниқланади ёки, аксинча, теореманинг хулоса қисми берилади, хулоса ўринли бўлган шартлар мустақил аниқланиши зарур. Мисол тариқасида Больцано-Коши теоремасини келтирамиз [3; 58 – 66-б.]. Уни қуйидагича киритиш мумкин:

Агар $f(x)$ функция $[a,b]$ оралиқда узлуксиз бўлиб, унинг четларида ноль бўлмаган турли ишорали қийматларни қабул қилса, ихтиёрий бундай функция қандай хоссага эга?

Бу саволга жавоб беришда талабаларга узлуксиз функцияга Эйлернинг юқорида келтирилган таърифидан аниқлилик тамойилидан фойдаланиб, қуйидаги тасдиқни мустақил таърифлашга имкон яратиш зарур: $(a,b)$ оралиқда шундай $\xi$ нуқта мавжудки, бу нуқтада $f(\xi)=0$ бўлади.

Бу ҳолда аниқлилик тамойилидан фойдаланиш узлуксиз функциянинг ноли борлигини исботлаш муаммосини олиб ташлайди ва у ойдин масалага

айланади, талабаларда унинг қатъий исботига ҳожат қолмагандек туюлади. Айтиш жоизки, бундай ҳол математикада кенг тарқалган. Бежиз, математиклар кўриниб турган нарсани қийин усуллар билан исботлашади дейилмаган. Бу билан боғлиқ икки ёндашув мавжуд. Биз қуйида шунга тўхталамиз.

Биринчи ёндашув аниқлилик тамойилидан фойдаланиш. Бунда исбот қисқариб кетади ва у график тушунтириш билан ойдинликка алмашинади. Иккинчи ёндашув – муаммоли. Унинг мазмунида ойдин дейилган нарсалар фақат билимнинг чегараланганлиги ва бир қолипдалигидан шундай туюлишига ишонтириш зарурлиги ётади. Ўқитувчи шубҳаланиш ҳақиқатан ҳам ўринли эканлигига талабаларни ишонтириши зарур бўлади. Тушунарлики, инсоннинг ақлан ривожланишида иккинчи ёндашув тўғри ва биринчи ёндашув илмий изланишдан йироқ.

Шундай қилиб, ойдинлик билан курашиш муаммоли таълим усулларидан биридир.

Биринчи ҳолда талабаларга $[0,2]\bigcap Q, Q-$ (бу ерда рационал сонлар тўплами)да берилган $y=x^2-2$ функцияни графигини чизинг, деган масалани таклиф қилиш ва ҳақиқий сонлар ўқида кесманинг тўлиқлиги билан боғлиқ муаммони муҳокама қилиш зарур.

Иккинчи ҳолда янги муаммоли масала таклиф қилинади: $[a,b]$ оралиқда $f(x)$ функция узлуксиз ва $f(a)\cdot f(b)<0$ шартда $(a,b)$ оралиқда $f(x)=0$ тенгламанинг илдизи қандай топилади?

Шуниси муҳимки, масала тушунарли ва уларни ечишни ўрганиш талабаларда шубҳа туғдирмайди. Шу билан бирга қўйилган масалани ечишда қўлланиладиган оралиқни тенг иккига бўлиш ёки бисекция усули Больцано-Коши теоремасининг формал исботини теорема исботида қўлланиладиган ичма-ич жойлашган кесмалар хақидаги леммани ҳам талабалар қийинчиликсиз қабул қиладилар. Эътирозли жиҳати шундаки, бугунги кунда олий ўқув юртлари, айниқса, техника университетлари олий математика ўқув дастурларида бу ҳолатлар инобатга олинмаган ва шу туфайли иккинчи йўлдан бориш мураккаброқ.

Худди шундай усул билан узлуксиз функцияларнинг экстремал қийматларга эришиши ҳақидаги хоссасини баён қилиш ва исботлаш жараёнида муаммоли вазиятларни талабалар ҳис қиладиган даражада юзага келтириш мумкин. Якунида баён қилинган ва исботланган оралиқда узлуксиз функциялар хоссалари уларнинг ички хусусиятларига хослигини муҳокама қилиш жуда фойдалидир. Масалан, кесмада чегараланганлик

хоссаси на фақат узлуксиз функцияларга, балки локал чегараланган ва бўлакли узлуксиз функцияларга ҳам хослигини аниқлаб, уларга мос мисоллар келтириш фойдадан ҳоли бўлмайди. Бундай муҳокамалар талабалар учун жуда зарур, яъни, одатда улар маълум бир функциянинг муҳим бўлмаган кўп сондаги хоссаларини ўрганиш билан ўралашиб қолиб, муҳим хоссага эга бўлган объектларни умумийликда ўрганишни унутиб қўядилар.

Талабаларнинг мустақил билим олиш фаолияти улар қандайдир интеллектуал қийинчиликка учраганларидагина фаоллашади, лекин бу қийинчиликнинг ечими уларнинг интеллектуал имкониятлари доирасида жойлашган бўлмоғи керак. Л.С.Выготский талабаларни ақлий ривожлантириш учун ўқув стратегиясини ишлаб чиқиш муҳимлигини таъкидлаб, шундай деган: "Ўқитиш агар у ривожланишдан илгари юрсагина яхши. Ана шундагина у етилиш ҳолатида турган, ривожланиш худудига яқин жойлашган қатор вазифаларни жонлантиради ва ҳаётга чорлайди" [4]. Шунинг учун ҳам муаммоли таълимда тайёргарлик босқичи ниҳоятда муҳим. Бу босқичдаги савол-жавоблар ёки берилган маълумотни ўзлаштиришда йўл қўйган хатоликлар уларнинг нафақат бу борадаги билим, кўникма ва малакалари етарли эмаслигидан, балки уларнинг имкониятлари, яъни ривожланиш худудини ҳарактерлайди ва ўқитувчига талабалар интелектуал имконияти доирасидаги қатор муаммоларни ажратиб олиш имконини беради. Қатор хорижий давлатлар педагогикасида хато-камчиликлар таҳлили ва мактаб таълими стратегиясини ишлашга бағишланган кенг адабиётлар мавжуд [5]. Кўп ҳолларда талабалар йўл қўйган хатоларнинг ўзи муаммоли ҳолатни юзага келтиради. Шунинг учун муаммоли ҳолатни келтириб чиқариш мақсадида жамоани хато қилишга йўналтирилган педагогик усуллар ҳам мавжуд. Яна математика тарихида "буюк хатолар" ҳам бор, уларни таҳлил қилиш талабаларда математикани ўқишга қизиқиш уйғотишда муҳим роль ўйнайди.

Муаммоли ҳарактердаги барча таълим усуллари тайёргарлик босқичидан ташқари қуйидаги анъанавий икки босқичга бўлинади:

1) муаммоли вазиятни келтириб чиқарадиган амалий ёки назарий топшириқ қўйиш;

2) муаммоли вазиятдаги номаълумни топиш учун мустақил ёки ўқитувчи билан биргаликда тадқиқот ўтказиш.

Бизнингча, биринчи босқичда муаммоли вазиятни тушуниш ва таҳлил қилиш жараёни амалга оширилади ва натижада унинг ечими иккинчи босқичда янги тушунчалар, муносабатлар, усуллар ёки фаолият шар-

тларини киритишга олиб келувчи бир ёки бир нечта масалалар тузилади. Айрим мутахассислар буларга яна бир босқич – “ечимни таҳлил қилиш ва олинган маълумотларни тартибга келтириш” ни ҳам қўшадилар [6].

**Адабиётлар рўйхати:**

1. Михайлова Н.В. Математическое знание и его экспликация в философии образования // Вестн. Моск.ун-та. Сер.20. Педагогическое образование.-Москва:2014.№2.-С.45-55.

2. Кудрявцев Л.Д. Современная математика и ее преподавание. - М.: “Наука”, 1980.–275с.

3. Кудрявцев Л.Д., Кириллов А.И., Бурковская М.А. , Зимина О.В. О тенденциях и перспективах математического образования//Высшее образование сегодня.-2002.-№1.-С. 58-66.

4. Выготский Л.С. Педагогическая психология/ Под ред. В.В. Давыдова. -М.: “Педагогика-Пресс”, 1996. – 536 с.

5. Зимина О.В. Печатные и электронные учебные издания в современном высшем образовании: Теория, методика, практика. -М.: Изд-во МЭИ, 2003.– С.245.

6. Митрохина С.В. Самостоятельная работа по решению математических задач как средство развития творческой активности учащихся 5-6 классов школ гуманитарного направления: Дис.канд.пед.наук. -М., 2000.–167с.

# АРХИТЕКТУРА ТАЪЛИМИДА ГРАФИК МАТЕРИАЛЛАРНИ УЗЛУКСИЗЛИК ПРИНЦИПИ АСОСИДА ТАҚДИМ ЭТИШНИНГ ДИДАКТИК ТАЛАБЛАРИ

**А.СУЛАЙМОНОВ,**
Тошкент архитектура-қурилиш институти
“Тасвирий санъат” кафедраси доценти,
педагогика фанлари номзоди

*Мақолада архитектура таълимида ўқитиладиган қаламтасвир, рангтасвир ва ҳайкалтарошликка оид материалларни узлуксизлик принципи асосида тақдим этишнинг педагогик шарт-шароитлари, шунингдек, олий таълимгача бўлган давр билан олий таълим ўртасидаги, курслараро узвийликни таъминлашнинг дидактик талаблари, улар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик қонуниятлари баён этилган.*

***Калит сўзлар**: архитектура таълими, узвийлик ва узлуксизлик, рангтасвир, қаламтасвир, ҳайкалтарошлик, ўқув материали, курслараро алоқадорлик, талаба, компетенция, шакллантириш.*

*В статье раскрываются педагогические условия преподавания учебных предметов рисунок, живопись и скульптура в архитектурном образовании по принципу преемственности, дидактические требования обеспечения преемственности довузовской и вузовской образовании и их закономерности, а также взаимосвязь учебных материалов по курсам*

***Ключевые слова**: архитектурное образование, преемственность, рисунок, живопись, скульптура, учебный материал, взаимосвязь между курсами, студент, компетенция, формирование.*

*The article reveals the pedagogical conditions for teaching subjects drawing, painting and sculpture in architectural education according to the principle of continuity, didactic requirements to ensure the continuity of pre-university and university education and their regularities, as well as the relationship of training materials in courses*

***Key words:** architectural education, continuity, drawing, painting, sculpture, educational material, the relationship between courses, student, competence, formation.*

Билимли болаларни аниқлаб, чуқурлаштирилган тарзда ўқитиш, талаб юқори бўлган соҳаларга йўналтириш мақсадида ихтисослаштирилган мактаблар очилмоқда” [3]. Архитектура соҳаси шундай йўналишлардан бири бўлиб, бутун дунёда кузатилаётганидек, Ўзбекистон меъморчилигида ҳам шаҳарсозликда янгидан-янги тенденциялар қўлланилмоқда. Зеро, инсоният тараққиётининг барча босқичларида узвийлик ва узлуксизликка асосланган эволюцион жараён ривожланишнинг асосий омиллари-

дан бири ҳисобланади. Бу омилни жамиятнинг барча соҳаларида кузатиш мумкин. Айниқса, инсониятнинг турмуш тарзини мукаммаллашуви, интеллектуал салоҳиятини ривожланиши, биринчи навбатда, унинг яшаш шароитини ҳар томонлама мукаммаллаштиришга интилишларида ўз аксини топади. Шу маънода архитектура йўналишида таълим оладиган талабаларнинг назарий билимлари, амалий-касбий компетенцияларини ривожлантиришда узлуксизлик ва узвийлик принципига асосланган таълимий муҳит, педагогик шарт-шароит муҳим аҳамият касб этади.

Архитектура таълимида узвийлик ва узлуксизликни горизонтал, яъни архитектура соҳасида ўқитиладиган ўқув фанлари – қаламтасвир, рангтасвир ва ҳайкалтарошлик фанлари мазмунининг алоқадорлиги ҳамда вертикал, яъни олий таълимгача, шунингдек, курслараро таълим мазмунини алоқадорликда ўқитиш тушунилади.

Бадиий педагогика тарихидан маълумки, бу муаммонинг назарий ҳамда амалий ечимига қаратилган илмий-педагогик ва ижодий фаолият узоқ тарихга эга. Хусусан, бадиий-архитектуравий таълим деб юритилган таълимнинг алоҳида тури сифатида Антик даврларда шаклланган, яъни милоддан аввалги 4-асрдаёқ бўлажак архитекторлар ва дизайнерлар учун таълим муассасаларига мақсадли тайёрловчи турли мақомдаги мактаблар фаолият кўрсатган. Бу мактабларда амалга оширилган бадиий таълим жараёнида қаламтасвирни, яъни график материални тақдим этиш воситасида ўқитишнинг ўзига хос методикаси шаклланган. Айнан натурадан расм чизиш орқали табиатдаги объектларнинг конструктив тузилишларини илмий жиҳатдан англашга йўналтирилган таълим орқали ўқувчиларнинг тасвирий саводхонлиги шакллантирилган ва ривожлантирилган [2, 6-бет]. Архитектура ва дизайн йўналишида таълим олувчиларнинг профессионал таълим жараёнига тайёрлаш методикаларининг тараққиёти Европа Уйғониш даврида мукаммаллашиб, “идеал гўзалликнинг мангу қонунияти” кашф этилди. Унинг асосий парметри сифатида объектлар, бу.мларнинг ўзаро нисбатларининг мутаносиблиги олинган. Бу омил архитектура таълимида муҳим аҳамият касб этади. Чунки айнан шакл, конструкция, аввало нисбатлар мутаносиблиги билан гўзал кўринишга эга бўлади. Бу омил ҳам тарихий-назарий материаллардан замонавий шароитда фойдаланиш фойдадан ҳоли эмаслигини англатади. Муҳими, замонавий таълимда  таълим – илм-фан – амалиётдан иборат ягона таълим модели амал қилиши лозим. Бу моделнинг узлуксизли-

ги олий таълимгача бўлган тайёргарликдан, то профессионал архитекторларни малакасини ошириш босқичигача бўлган даврни қамраб олади.

Архитектура таълими амалиётида график мазмундаги ўқув материалларини тақдим этишда қандай камчиликлар кузатилмоқда? Амалдаги ўқув дастурига кўра архитектура таълими тасвирий санъат турларининг узлуксизлиги қаламтасвир – рангтасври – ҳайкалтарошлик кетма-кетлигида ўқитилади. Агар барча йўналишларда ҳайкалтарошлик таълимнинг иккинчи босқичи (учинчи семестр)да ўқитилишини, кириш (касбий-ижодий) имтиҳонида ҳайкалтарошликка оид топшириқ йўқлигини назарда тутсак, асосий эътибор табиий равишда қаламтасвир ва рангтасвирга қаратилиши ойдинлашади. Аслида айнан шу фанларни ўқитишда узлуксизлик таъминланмаётган ҳолатлар кузатилади, яъни кириш имтиҳонида абитуриентлар Антик даврга оид гипсдан ишланган ҳайкалнинг бош қисмини чизса, биринчи семестрнинг дастлабки мавзуси геометрик шакллардан иборат натуранинг конструктив-чизиқли таҳлилидан бошланади. Шу ерда ҳақли савол туғилади: нима учун кириш имтиҳонида каллани чизган талаба геометрик шаклларни чизиши керак? Аслида ўқув топшириғи сифатида шундай натурани қўйилиши мантиқан тўғри. Зеро, ҳар қандай архитектуравий иншоот, аввало, геометрик шакллардан иборат бўлади. Демак, таълимий мақсад нуқтаи назаридан мавзу тўғри танланган. Бироқ талаба институтга киришга тайёргарлик жараёнида объект, натуранинг конструктив-чизиқли таҳлилига етарли эътибор қаратмаганлиги боис, бир қарашда соддадек туюлган геометрик шаклларни конструктив таҳлил қилишда қийинчиликларга дуч келади. Муаммонинг ечими сифатида икки турдаги вариантни тавсия этиш мумкин. Биринчи вариант олий архитеткра таълимининг биринчи босқичида каллани геометрик бўлакларга ажратиш воситасида натурани конструктив тузилишини таҳлил қилиш бўлса, иккинчи вариант сифатида кириш (касбий-ижодий) имтиҳонда геметрик шакллардан иборат натурани чизиш, институт таълимининг биринчи босқичида мазкур топшириқнинг мураккаблашган вариантини ишлаш мумкин. Ҳар икки вариантда ҳам асосий дидактик талаб, ўқув материалини узлуксизлик принципи асосда тақдим этиш учун қулай таълимий муҳит юзага келади.

Айни пайтда алоҳида эътироф этиш жоизки, замонавий миллий архитектурада Антик давр архитектураси элементларидан фойдаланиш урфга айланиб бормоқда. Шунинг учун ҳам архитектура таълимида архитектуравий деталар ва элементлар, асосан, қаламтасвир дарсла-

рида ўқитилади. Бундан таълимий мақсад – талабалар, бўлажак архитекторларда соҳага оид муайян компетенцияларни шакллантиришга оид ўқув материалларини ўзлаштириш билан боғлиқ. Дидактиканинг тарихийлик ва замонавийлик принципи асосига қуриладиган бу турдаги дарсларда узлуксизликка асосланган турли стиллар синтези архитектура таълими амалиётига татбиқ этилади. Зеро, замонавий шаҳарсозликда тарихий меъморий анъана ва қадриятлар, замонавий тенденцияларнинг қоришуви етакчи тенденция сифатида эътироф этилмоқда.

Хулоса тариқасида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон меъморлигида қадимий архитектуравий деталлар, элементлар қўлланилаётган бугунги кунда замонавий ёндашувлар, тенденциялар билан бир қаторда миллий анъаналардан келиб чиқувчи меъморий лойиҳаларни яратишда стиллар синтезига миллий-ҳудудий муҳит, меъморлик санъатида қадрият сифатида эътироф этиладиган конструкция, шакл, элемент ва деталларга устувор тарзда эътибор қаратиш талаб этилади. Бу муаммонинг илмий-амалий ечимларидан бири сифатида бўлажак архитекторлар тайёрлаш тизмида стиллар синтезига оид ўқув материалларидан фойдаланишнинг узлуксизликка асосланган гармоник мутаносибликдаги таълим мазмунини қўллаш талаб этилади. Архитектура таълимининг тавсия этилаётган мазмунида архитектуравий композиция, таҳлилларга асосланган ҳамда мантиқий-архитектуравий ечимга эга шакл ҳосил қилиш операциялари таълимга интегратив ёндашиш, ҳар бир ўқувчи ва талабанинг индивидуал хусусиятларини максимал даражада инобатга олиш, анъанавий таълим мазмуни билан замонавий таълимнинг прогрессив жиҳатларини трансформациялаш орқали ижодий тафаккури шаклланган ва ривожланган шахсни тарбиялаш архитектура таълимининг асосий дидактик талабларидан биридир.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Зейферт М.Г. Преемственность в образовании архитектурных стилей. Известия КТАСУ, 2011. №4. – С.32 – 37.

2. Кошеутова О.Л. Преемственность архитектурно-художественного образования в процессе довузовской и вузовской подготовки. Автореф. дис. …кандидата педагогических наук. – Омск: 12016. – 18 с.

3. Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2019 йил 28 декабр. № 53 (4555)

# УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ШАХМАТНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ ХАЛҚАРО ТАЖРИБАСИ

***А.Х.МАХМУДОВ,***
*ЎзПФИТИ, п.ф.д., лойиҳа раҳбари*
***А.Т.АХУНЖОНОВ,***
*ЎзПФИТИ мустақил тадқиқотчиси*

*Мақолада узлуксиз таълим тизимида шахматни жорий этишнинг халқаро тажрибаси баён этилган. Хорижий олимлар томонидан шахматни ижодий фикрлашни ривожлантиришга қаратилган илмий-педагогик тадқиқотларининг таҳлили ва олинган натижалар келтирилган.*

***Таянч сўзлар**: Узлуксиз таълим, мактабгача таълим, умумтаълим тизими, шахмат ўйини, ижодий фикрлаш, интеллектуал қобилият, тадқиқотлар.*

*The article considers the foreign experience of introducing chess into the continuous education system. The results of scientific and pedagogical research of foreign scientists on the influence of chess on the development of creative thinking of students are presented.*

***Key words**: Continuing education, preschool education, General education system, chess game, creative thinking, scientific research.*

*В статье рассматривается зарубежный опыт внедрения шахмат в непрерывную систему образования. Приводятся результаты научно-педагогических исследований зарубежных ученых в вопросах влияния шахмат на развитие творческое мышление обучаемых.*

***Ключевые слова**: Непрерывное образование, дошкольное образование, общеобразовательная система, шахматная игра, творческое мышление, интеллектуальные способности, научные исследования.*

Қадимги тарихдан маълумки шахмат–буюк интеллектуал ўйин бўлиб, умуминсоният маданиятининг ажралмас бир таркибий қисми ҳисобланади. Бундай ҳолат психолог ва педагог олимларни шахмат ўйинининг дидактик имкониятларини аниқлаш ва ўрганишга қаратилган тадқиқотларни олиб боришга ундади. Ушбу илмий тадқиқотларда шахматни ёш авлодни ҳар томонлама ривожланишига таъсир қилишида самарали эканлиги; шахмат инсоннинг эстетик қарашларига, курашувчанлик сифатига ва характерини шаклланишига маълум даражада таъсир қилиши; шахмат инсонни когнитив қобилиятларини, интеллектини, хотирани, тасаввурни, диққатни оширишни ривожлантиришда жуда катта роль ўйнашлари ўз тасдиқини топди[1].

Бунинг натижасида кейинги йилларда шахматни ижтимоий-педагогик роли сезиларли даражада ўсди. Мактабгача таълим,умумий ўрта ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими ва ҳаттоки олий таълим тизимларининг дастурларига шахматни киритилиши, олимлар томонидан ўтка-

зилган илмий-тадқиқот ва амалий тажрибалар натижасининг маҳсулоти деб ҳисобласак муболаға бўлмайди. Бугунги кунда шахмат кўплаб давлатларда кенг тарқалмоқда. Кўплаб кишилар ўзларининг профессионал фаолиятини шахмат ўйини билан боғлаган. Инсон учун шахмат –чексиз қизиқ ўйин. Ҳар бир партияда биз масалаларни шартларини олишимиз мумкин ва уни ҳар гал ечишимиз керак бўлади[1].

Шахматни ўқувчиларининг креатив қобилиятларини шакллантириш ва ривожлантиришида муҳим роль ўйнашини тан олган бир қатор илғор мамлакатлар шахмат дарсларини узлуксиз таълим тизимига (мактабгача таълимдан олий таълимгача) кенг қамровда киритмоқда. Жумладан 2012 йилда шахматни Европа иттифоқи давлатлари умумтаълим мактабларига киритиш имкониятларини берувчи Европарламент декларацияси қабул қилинди, Хитой, Туркия, Канада, АҚШ, Руминия, Армения, Молдавия мамлакатларида мажбурий шахмат таълимига эга мактаблар очилди.

Руминияда 15 мингта мактабларда шахмат ўқитилмоқда, Туркияда эса икки мингинчи йилларнинг бошидан бошлаб шахмат барча шаҳар мактабларини қамраб олди. У ерда жуда қисқа муддатларда “Фақат аъло баҳоларга ўқиш, педагоглар, ота-оналар ва болалар учун шахматлар” деган китоб нашр этилди. Китобнинг муаллифлари мактабда шахмат болани ўзлаштиришига ижобий таъсир қилишини ва натижада уларнинг ақлий салоҳияти даражаси 20 фоизга ошишини исботладилар.

Арманистон шахматни мажбурий фан сифатида мактаб дастурига киритган илғор давлатлардан бири ҳисобланади. 2015 йилнинг кузида Бирлашган Араб Амирликларидаги барча давлат мактаблари дастурларига шахмат киритилган. Польша давлатида Шахмат федерацияси, Миллий таълим ва Туризм ва спорт вазирликлари билан ҳамкорликда “Шахмат орқали мактаб таълимига” лойиҳаси доирасида 2015 йилдан буён иш олиб борилмоқда. Албания 2015 йилда шахматни мактаб дастурга киритган. 2016 йилдан шахмат Белоруссия мактабларига киритилган. Белоруссияда 2016-2017 ўқув йилидан бошлаб Таълим вазирлиги, Белоруссия шахмат федерацияси, шахмат ва шашка бўйича тайёрлаш Республика олимпия маркази мутахассислари ҳамкорлигидаги “Шахмат таълими ҳамма учун” дастурини мактаб амалиётига жорий этилган.

2016 йил 1 сентябрдан бошлаб Ханти-мансийский автоном округининг барча мактабларига ва Калуга областининг 40 та мактаб дастурига шахмат мажбурий фан сифатида киритилган. Москва, Қалмикия республикаси, Тува, Челябинск вилоятларида шахматга ихтисослаштирилган мактаблар фаолият кўрсатмокда. Тюмень вилоятидаги мактаб ва мактабгача таълим муассасаларининг ярмида шахматни ўқитиш қамраб олинган[2].

Нима учун узлуксиз таълим тизимига шахмат дарсларини кири-

тиш керак? деган саволга педагог ва психолог олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар натижаларини таҳлил қилиб жавоб олишимиз мумкин[3, 4, 5].

Шахмат бўйича биринчи илмий изланишни француз профессионал психолог, Париж шаҳридаги экспериментал психология институти директори Анри Бинэ бўлган. А.Бинэ ўзи кучли шахматчи бўлмаган, бироқ шахматни жуда севган ва шахмат инсон интеллектини ривожланишига ҳамда шахсий сифатларни шаклланишига таъсир этишини таъкидлаб ўтган. Профессор Анри Бинэни хотира мураккаб материалларни эсда сақлаб қолиш қонуниятларини ўрганиш мақсадида 1892 йилда 14 саволдан иборат бўлган анкета билан ўша даврни кўзга кўринган 62 шахмачиларига мурожаат қилди. Анкета саволлари асосан кўзни юмган ҳолда шахматни ўйинашгатегишли эди. Жавобларни умумлаштирилганда шахмат ўйин психологиясини тушуниш учун кўп қимматли фикрлар олинди ва А.Бинэ қуйидаги хулосаларга келди: "...шахматчиларнинг фикрлаши жуда мураккаб ва турли тумандир. Агар биз шахматчининг миясига назар ташлай олганимизда эди. Унда биз бутун ҳис туйғулар, образлар, ғоялар, ҳиссиёт ва иштиёқлар, чексиз тартибсиз ҳаракатини кўрамиз, буларни солиштирганимизда бизнинг барча пухта тавсифларимиз-қўпол ва фақат қўпол схемаларга ўхшаб қолади". Тадқиқот олдидан А.Бинэшахматчиларни фикрлаши тезкор ҳисоблигичга ўхшайди ва шахматни яхши ўйнаш учун олдиндан юришларни ким кўра ва ҳисоблай олса шу шахматчи кучли деган фикрда эди. Лекин тадқиқотлар давомида А. Бинэ ўз қарашларини ўзгартиришга тўғри келди. Унинг фикрига кўра яхши шахматчи оддий шахматчидан энг аввало ўйин давомида пайдо бўлятган позицияларни тўғри баҳолаш билан фарқланади. Ушбу хулосалар ҳозирга вақтда ҳам ўз долзарблигини йўғотган эмас.

Германиядаги Констанца университети психологлари узоқ тадқиқотлардан сўнг, гроссмейстрлар шахмат тахтасида масалани ечимини топиш учун юришларни ўйлащда миянинг олд қисмини ишлатганларини аниқладилар. Бу ўйинчилар эҳтимол тан олинган стандарт вазиятлар бўйича тегишли қарор қабул қилишга қодирдирлар. Ҳаваскор ўйинчиларда эса узоқ муддатли хотирани шакллантириш билан боғлиқ бўлган медиал пешона қисми ишлатилар экан. Шундан келиб чиқиб қўйидаги хулосалар қилинди: мунтазам ва мақсадли равишда шахматни ўрганиш -ўрганувчининг фикрлаш тезлигини ривожлантиришини, ижодий ғояларини оширишига ҳисса қўшишиниб ой мунтазам шахмат билан шуғулланганидан кейин кузатиш мумкин экан.

Венесуэла ва АҚШда ўтказилган тажрибалар шахматни таълимини фойдали эканлигини кўрсатди. Ёшлар ўртасида шахматни тарғибот ва ташвиқот қилиш максадида Венесуэлада ҳамма томондан бир хил имкониятга эга бўлган иккита мактаб танлаб олинди. Ушбу мактабларни фарқи шун-

дан иборат эдики, биринчи мактабда ўқув дастурида бошқа фанлар қаторида шахмат бор эди. Иккинчи мактаб ўқув дастурига шахмат киритилмаган эди. Ҳар бир мактаб ўқувчиларнинг билим даражалариўлчанганда иккинчи мактабнинг ўқувчилари юқори кўрсатгичларга эга бўлди.

Педагогика фанлари доктори В.В.Князова шахматни ўзига хослигини қуйидагича тавсифлайди: “Шахмат тасаввур ва таҳлил килишни ривожлантиради. Фикрлаш ва диққатни махсус шаклларини, ўзгарувчанлик қобилиятини бошқаришни, муҳимликни ажратишни, ечим вариантини танлашни (уни ишонтиришга имконият бериш орқали), ижодий мулоқот қилишга, мустақил ижод қилишга, фаол бўлишга, вақтни сезишга, ўзини ҳаракати учун жавобгарликка, катъиятли, катъият билан тура билишга, сабрли, интенсив равишда ташқи ва ички сўзлашувга таъсир килишга, математик ва бошка махсус қобилиятга, эстетик дидни тарбиялайдиган махсус шаклларни ўз ичига олади”.

Арманистон шахмат федерацияси аъзоси, Ереван шаҳридаги давлат бошқарув академиясидан профессор Рубен Агузумцян бир гуруҳ психологлар билан болаларнинг мияси иш фаолиятига шахматни таъсирини тадқиқот қилишади. Рубен Агузумцянни таъкидлашича, шахмат ижодий фикрлашни, қиёсий таҳлилни ривожлантиради, шахсни шакллантиради. Профессорнинг фикрига кўра, шахмат фан сифатида мажбурий дастурларга киритилган умумтаълим мактаблари болаларининг ривожланиши, шахмат киритилмаган гуруҳлардаги болаларга қараганда юқори бўлганлигини тасдиқлайди.

Хитойда болалар дарс бошланишида 10-15 минут шахмат доскасида машқ қиладилар, кейин математика, адабиёт ёки бошқа фанларни ўқийдилар. Бундан ташқари шахмат мактабгача таълим ҳамда олий таълим муассасаларида ўқитилади. Мамлакат ушбу мақсадлар учун миллионлаб юан ажратади.

Бразилияда Лотин америка федераль университетининг профессори Юрий Орлик шахматни ўқитилиши ўқувчиларнинг темпераменти ва хулқини яхшилашга ёрдам беришини кузатган. Масалан, Бразилияда 1980 йилда мактабларда шахматни ўқитиш бошланган, биринчи бўлиб мактабда шахмат ўқитишни гроссмейстр Суние Нето Парана штатида қўлланган. Ўқитувчилар эса мактабда ўзлаштириш 18 фоизга ортганлигини таъкидлаган.

Хиндистоннинг Гуджарат штатида бир ҳафтада икки марта шахмат ўқитилади. Саткин рағбарлигидаги бир гуруҳ тадқиқотчилари томонидан ўтказилган тадқиқотлар натижасида шахмат мактаб болаларининг ақлини ривожлантришига ижобий таъсир этадиган восита эканлиги бўйича жуда катта эмпирик материал йиғдилар. “Шахмат лойиҳаси” бўйича шахмат билан шуғулланувчи болалар ақл билан ўзини ҳаракатини режалаштиришни ривожлантириш бўйича юқори кўрсакичларини намоён

қилдилар. Бу борада шахмат билан шуғулланадиган гуруҳларда фарқ жуда кичик бўлди. Шахмат билан шуғулланмайдиган гуруҳларда фарқлар катта бўлди. Бу, шахмат болаларни ақлий функцияларини ривожлантиришга ижобий таъсир қилишидан гувоҳлик беради. Динамик тадқиқотлар шахмат лойиҳаси бўйича шуғулланадиган болаларда ақлини ривожланиш жараёни, бошқа яъни шахмат билан шуғулланмайдиган болаларга нисбатан барқарор ривожланишини кўрсатди.

Юқорида кўриб ўтилган тадқиқотлар натижалари ҳамда психолог, педагог ва бошқа соҳа олимларнинг фикрига кўра шахмат ўйин жараёни миянинг иккита ярим шарларининг ишлашга мажбурлайди, шунинг учун улар баркамол ва барқарор ривожланди. Бир вақтнинг ўзида бола мантиқий ва абстракт фикрлашдан фойдаланади. Мантиқий фикрлаш бу чап ярим шар. Ўйинчи партияни натижасини ўйлаб, онгли равишда доналарни юриш кетма-кетлигини, воқеаларнинг тўғри занжирини қуради.

Биз ҳам шахмат ўйинини ўргатишни узлуксиз таълимнинг мактабгача таълим босқичидан бошланишини таърафдоримиз. Агар бу ёшдаги болалар бу ўйинни ёқтирса, унда шахмат билан шуғулланиши болани интеллектуал ва шахсий ривожланишига ижобий таъсир этади[6]. Бола мантиқий ўйлашни ўрганади, диққатни бир жойга тўплаш, ахборотларни эслаб қолишга ўзини тайёрлайди. Бундан ташқари, шахмат ўйини уларнинг ғалабага бўлган иродасини, қатъий характерини, ҳиссий барқарорликни ривожлантиради. Партияни ютқазиши – бу тарбияни муҳим элементи. Бола ўзини хатоларини таҳлил қилишга ўрганиш орқали бебаҳо тажрибани эгаллаб боради. Шахмат ўйнаш вақтида ютқазишни ва ундан фойдани олишни билиш кўникмаси ҳам характерни муҳим белгиси бўлиб унга шахмат ўйини давомида эга бўлади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1.Большая энциклопедия. Шахматы. - Москва: Издательство АСТ, 2018. - 208 с.

2.И.Сухин Шахматы в начальной школе: задачник.- Москва: Издательство АСТ: Кладезь, 2019.- 320 с.-(Шахматная школа).

3. М. Ю. Гутенев шахматная игра в развитии интеллектуальной культуры общества. https://cyberleninka.ru/article/n/14508370

4. Кравченко В.И. Формирование профессионально значимых качеств у студентов педагогического вуза в процессе шахматной игровой деятельности :Дис. ... канд. пед. наук : 13.00.04 : Санкт-Петербург, 2004 177 с. РГБ ОД, 61:04-13/2594

5. Князева В. В. Структура и содержание учебного предмета шахматы в системе общеобразовательной школы России.-Дисс.. на соиск. д.п.н., М.: 2000.-410 с.

6. Р.Х.Джураев, А.Х. Махмудов, А.Б. Камилова Шахматы - как эффективное средство непрерывного формирования и развития творческих способностей детей.-Т.: Узлуксизтаълим, 2019.-№3.-с.58-64.

# УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ МУАССАСАЛАРИНИ ДАВЛАТ-ЖАМИЯТ ШАКЛИДА БОШҚАРИШНИНГ АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ

**_Д.Ш.ТЕМИРОВ,_**
*А.Авлоний номидаги ХТТРМХҚТМОИ доценти, п ф.б.ф.д (PhD)*

*Ушбу мақолада узлуксиз таълим тизими муассасаларини давлат ва жамоатчилик асосида бошқариш ҳақида фикр юритилиб, таълимни бошқаришнинг амалдаги тизимларида унинг ижтимоий таркиблари етарли даражада тавсифланмаганлиги таъкидланган. Шунингдек, мақолада “таълимни давлат-жамият шаклида бошқариш” тушунчасига таъриф берилган, таълимни давлат-жамият шаклида бошқаришнинг асосий кўрсаткичлари аниқлаштирилган.*

***Таянч сўз ва иборалар:*** *узлуксиз таълим, таълим муассасаси, таълим жараёни субъектлари, жамоатчилик, давлат, жамият, бошқрув, таълим муҳити имкониятлари, муносабатлар категорияси, ота-она, таълим олувчи, педагог, таълимни давлат-жамият шаклида бошқариш.*

*В этой статье основное внимание уделяется государственному и общинному управлению учреждениями непрерывного образования, и отмечается, что существующие системы социального управления не описаны должным образом. В статье также определено понятие «образование как управление государством и обществом» и определены ключевые показатели управления государственным образованием.*

***Ключевые слова:*** *непрерывное образование, образовательное учреждение, субъекты образовательного процесса, сообщество, государство, общество, менеджмент, образовательная среда, категория отношений, родитель, ученик, педагог, управление образованием*

*This article focuses on state and community-based management of continuing education institutions, and notes that existing social management systems are not adequately described. The article also defines the concept of “education as the management of the state and society” and defines the key indicators of public education management.*

***Key words:*** *continuing education, educational institution, subjects of the educational process, community, state, society, management, educational environment, category of relations, parent, student, teacher, education management.*

Бугунги кунда республикамизда узлуксиз таълими тизимини тубдан ислоҳ қилиш борасида амалга оширилаётган тизимли чора-тадбирлар натижасида таълим муассасаларининг моддий-техник базаси, ҳуқуқий-меъёрий, методик таъминоти босқичма-босқич мустаҳкамланмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида “давлат бошқаруви тизимини ислоқ қилиш, давлат хизматининг таш-

килий-ҳуқуқий асосларини ривожлантириш, жамоатчилик назорати механизмларини амалда татбиқ этиш, жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг замонавий шаклларини ривожлантириш, ижтимоий шерикликнинг самарасини ошириш"[1] каби йўналишлар белгиланган бўлиб, бу ўз навбатида таълим соҳасидаги давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда, таълимни бошқаришда, унинг самарадорлиги ва сифатини баҳолашда жамоатчилик иштирокини кенгайтиришни тақозо этмоқда.

Ҳозирда таълимни ривожлантиришнинг муҳим вазифаларидан бири ҳам давлат, ҳам фуқароларнинг қизиқиш ва эҳтиёжларига асосланган ҳолда таълим муассасасини бошқариш стратегиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Табиийки, таълим муаммоларини ҳал этиш жараёнида давлат институтлари билан жамият ўртасидаги муносабатлар вазифаларни белгилаш борасида ҳам, уларни ҳал этиш борасида ҳам ўзгариб туради.

М.Юлдашевнинг фикрича, таълим сиёсатини шакллантириш, таълим сифатини бошқариш ва назорат қилишда жамоатчиликнинг иштирокини ривожлантириш давлатнинг таълим соҳасидаги сиёсатининг яқин келажакдаги устувор йўналишларидан бири бўлиб қолади[2; 16-б.].

Давлат сиёсати принциплари ичида бошқарувнинг таълим муассасаларини бу жараёнда иштирок этиш учун педагоглар, таълим олувчилар, уларнинг ота-оналари ёки таълимни бошқаришнинг давлат органларининг қонуний вакиллари иштирокини таъминловчи ўзини ўзи бошқариш принциплари асосида қурилган демократик, давлат ва жамоатчилик характеридагилари ажралиб туради.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқарув органларининг ҳамкорликдаги фаолиятига асосланган бошқарув – бир томондан, ташкилотлар, фуқаролик жамияти вакиллари ҳамда ҳусусий иқтисодий сектор – иккинчи томондан у ёки бу ижтимоий соҳаларда, жумладан, таълим соқасида ўзида "давлат-жамият бошқаруви" феноменини намоён этади[3].

Бошқарувнинг давлат-жамият характеридаги тушунча аввал бошидан давлатнинг таълим сиёсатининг бу принципни кенгроқ миқёсда, кенгроқ ижтимоий контекстда – давлат ва фуқаролик жамияти ўртасидаги муносабатлар негизида кўришни назарда тутган[4; 18-б.].

Давлат бошқаруви таълим тизимининг барча даражаларида амалга оширилар экан, бошқарувнинг давлат-жамият кўрсаткичи тизимнинг барча бўғинларини қамраб олмоғи лозим. Шу нуқтаи назардан нафақат таълим органлари ҳамда таълим муассасаларининг раҳбарлари,

балки таълим соҳаси ходимлари ҳам давлат бошқарувининг таркибига кирадилар.

Шундай қилиб, таълимни бошқаришнинг давлат-жамият шакли давлатнинг таълим соҳасидаги сиёсати принципи сифатида таълимнинг барча жабҳаларига тааллуқли бўлиши, таълим муассасалари, таълим муносабатларининг барча иштирокчилари фаолияти учун янги шароитларни тақдим этмоғи лозим.

"Жамият" (жамоатчилик) терминининг таркиби, бир қарашда тушунарлидек туюлади. Айни пайтда бу сўзга замонавий фуқаролик жамияти нуқтаи назаридан ёндашадиган бўлсак, жамоатчилик деганда фаол, ташаббускор, масъулиятли, ўз қизиқишларини англаган (шу жумладан, таълим соҳасида) ва уларни қонуний тарзда ҳимоя қилишга тайёр фуқаролар тушунилади.

Таълим муассасасини бошқаришда нопрофессионал жамоатчилик билан педагогларнинг ўзларини педагогик жамоаси ўртасида муайян алоқадорлик, ҳамкорлик мавжуд. Агар педагогик жамоанинг раҳбари, иш берувчи билан педагогларнинг, таълим муассасасининг бошқа ходимлари ўртасида ҳамкорликни назарда тутадиган бўлсак, таълим муассасасининг жамоаси давлатнинг таълим соҳасидаги сиёсатининг ижрочилари, бошқача сўз билан айтганда, бошқарувнинг мактабдан ташқари, жумладан, ота-оналар жамоатчилиги олдида давлат вакили саналади.

Келтирилган тавсифдан таълимни давлат-жамият тарзида бошқариш муаммосини тадқиқ этишнинг объекти фақат таълимни бошқариш тизимининг институционал шаклидаги ҳақиқий ва ҳуқуқий-ижтимоий феномен эканлигини англаш мумкин.

Шундай қилиб, тажрибаларни умумлаштирган ҳолда таълимни давлат-жамият тарзида бошқаришга қуйидагича таъриф беришга ҳаракат қилдик.

*Таълимни давлат-жамият шаклида бошқариш* – бу таълимнинг ҳар бир субъектига маълум ваколат ва масъулият юклатилган, таълимни бошқаришнинг барча даража (қатлам)ларида давлат ҳамда субъектлар ўртасида ўзаро ҳамкорликка асосланган бошқарув шакли.

Таълимни давлат-жамият шаклида бошқаришнинг асосий кўрсаткичлари сифатида қуйидагиларни эътироф этиш мумкин:

– таълимнинг ҳар бир субъектига маълум ваколат ва масъулият юклатилган бошқаришнинг давлат структурасини мавжудлиги;

– таълимни бошқаришнинг барча субъектлари учун реал ваколат ва ундан келиб чиқувчи масъулият белгиланган жамоатчилик структу-

расини мавжудлиги;

– таълимни бошқаришнинг барча даража(қатлам)ларида бошқаришнинг давлат ва субъектлар ўртасида ваколатлар ва масъулликларни тақсимлашда ўзаро келишган ҳолда ҳамкорликда фаолият юритиш;

– таълимни бошқаришнинг давлат ва жамоатчилик шакллари томонидан юзага келадиган зиддият ва қарама-қаршиликларни ҳал этишнинг ҳамкорликка асосланган тизимини қабул қилиш.

Бошқарув объекти нафақат давлат таълим муассасалари, балки давлат ва жамоатчиликнинг таълим соҳасидаги ҳамкорликдаги фаолиятининг бутун тизимидан иборат бўлади.

Таълимни давлат-жамият шаклида бошқаришнинг мақсади шахслар, жамият ва давлатнинг қизиқишларининг давлат ва жамият нуқтаи назаридан оптимал тарзда мувофиқлигини таъминлашдан иборат.

Унинг асосий вазифалари қторида қуйидагиларни келтириш мумкин:

– таълим муносабатлари иштирокчиларини таълим муассасаларини бошқаришдаги қонуний белгиланган ҳуқуқларини таъминлаш;

– таълимни давлат йўли билан бошқаришни демократлаштириш;

– таълим муносабатлари иштирокчиларининг қизиқиш ва эҳтиёжларини қондириш[6].

Таълимни давлат-жамият бошқаруви турини шаклланиши ва ривожланишида унинг нафақат асосий йўналишларини, фаолият тизимлари, мақсади, вазифалари, мазмуни, ташкилий структураси, балки ҳатнашчилар ўртасида юзага келадиган муносабатларни ҳам белгилаб берувчи принциплари муҳим рол ўйнайди.

Таълимни бошқаришнинг амалдаги тизимларида унинг ижтимоий таркиблари етарли даражада тавсифланмаган. Таълимни бошқаришнинг умумхалқ даражаси асосан ота-оналар ва васийлик, кузатув кенгашлари мажлислари тарзидаги ишлари билан чекланади.

Таълимни давлат-жамият шаклида бошқариш борасида ривожланган мамлакатларнинг тажрибаларини таҳлили шуни кўрсатадики, бошқаришнинг бу йўсинига ўтиш дабдурустдан эмас, балки босқичма-босқич ўтилиши мақсадга мувофиқ.

Мазкур лойиҳани амалиётга жорий этишнинг дастлабки даврларида таълим муассасасини бошқаришнинг давлат таркибига жамоатчилик улуши босқичма-босқич қўшиб (сингдириб) борилади. Жамоатчилик улушини қўшиб боришнинг бош мақсади – жамоатчиликка давлат бошқаруви субъектларининг қабул қилаётган қарорлари ҳар доим ҳам жамоатчи-

ликка тушунарли бўлмаган ёки улар ҳақида маълумотларни етарли бўлмаганлиги сабабли уларни негатив тарзда қабул қилинадиганларини очиқ, тушунарли тарзда тақдим этилишига эришишдан иборат.

Бу вазиятда иккита вазифа ҳал этилиши талаб этилади:

– таълим муассасасини бошқаришнинг давлатга тегишли таркиби модернизация қилинади;

– таълим муассасасини бошқаришнинг жамоатчиликка асосланган тажрибалари шакллантирилади, маромига етказилади.

Умуман олганда, таълим муассасасини бошқаришни такомиллаштиришнинг бундай ёндашувини афзаллиги бошқарувнинг жамоатчилик улушини қўшиб бориш вақт нуқтаи назаридан кўп даврни талаб қилмайди. Чунки бошқарувнинг анъанавий ёндашувида жамоатчик томонидан таълим муассасаси фаолиятида иштирок этишни истамаслик кўп вақт талаб қилиши билан боғлиқ. Барча жараёнлар жиддий тарзда режалаштирилади ва тайёрланади. Шунинг учун бу йўналишдаги ишлар конструктив тарзда, вақт ресурсларидан оқилона фойдаланилади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида»ги ПФ–4947-сон Фармони. – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 5-сон, 70-модда.

2. Юлдашев М. Таълим бошқарув объекти сифатида: тавсиф ва ёндашувлар // Maktab va hayot. – Тошкент.: 2016. - № 2. - Б. 16-18.

3. Джураев Р.Х., Турғунов С.Т. Таълим менежменти: Ўқув қўлланма. – Тошкент: Ворис, 2006. – 264 б.

4. Седельников А.А. Интегральная модель систем государственно общественного управления образованием Автореф. дисс. ...канд. пед. наук – М.: 2011 -46 с.

5. Моисеев А.М. Основы стратегического управления школой: учебное пособие / А.М.Моисеев, О.М.Моисеева. – М.: Центр педагогического образования, 2008. – 256 с.

6. Кузнецов А.И. Организационно-педагогические основы демократического, государственно-общественного управления обще-образовательным учреждением. Автореф. дис.канд.пед.наук\ М.: 2004. 23 с.

# КОМПЕТЕНЦИЯВИЙ ЁНДАШУВ АСОСИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ИШЛАРИНИ УЗЛУКСИЗ ТАШКИЛ ЭТИШ

**М.ИБОДОВА,**
*НавДПИ, п.ф.ф.д (PhD)*

*Таълимни модернизациялаш ўқувчиларнинг компетентли ёндашув асосида нафақат ахборотлар билан таъминлаш приоритетини, балки турли вазиятларда юзага келадиган муаммоларни ҳал этиш кўникмаларини шакллантиришни назарда тутади. Мазкур мақола бевосита ўқувчиларнинг мустақил ишларни ташкил этишни компетенциявий ёндашувга таянган ҳолда амалга оширишни назарда тутади.*

***Таянч сўз ва иборалар**: таълим жараёни, мустақил таълим, мустақил ишлар, компетенциявий ёндашув, ўқувчилар, ўқув воситалари, узлуксиз таълим тизими.*

*Modernization of education involves not only the priority of providing students with a competency-based approach, but also the development of problem-solving skills in various situations. This article provides a direct implementation of the independent work of students with a competency-based approach.*

***Key words**: learning process, independent learning, independent work, competency-based approach, students, teaching aids, continuing education system.*

*Модернизация образования предполагает не только приоритетность предоставления ученикам компетентностного подхода, но и развитие навыков решения проблем в различных ситуациях. Эта статья обеспечивает непосредственную реализацию самостоятельной работы учеников с компетентностным подходом.*

***Ключевые слова**: процесс обучения, самостоятельное обучение, самостоятельная работа, компетентностный подход, учащиеся, средства обучения, система непрерывного образования.*

Маълумки, умумий ўрта таълим мактаблари зиммасига таълим-тарбия жараёни орқали ўҳувчиларда умумий компетенциялар, жумладан, коммуникатив, ахборот билан ишлай олиш, шахс сифатида ўз-ўзини ривожлантириш компетенцияси, ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияси, умуммаданий компетенциялар, математик саводхонлик, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш ҳамда фойдаланиш компетенцияларини таркиб топтириш вазифаси юклатилган.

Таълим-тарбия жараёнига компетенцияли ёндашув ўқитиш мақсадларига эришиш учун таълим мазмунини бойитиш ўқув жараёнини инновацион технологиялар асосида ташкил этиш ва натижаларини таҳлил этишга имкон берадиган умумий принциплар йиғиндиси саналади.

Улар жумласига қуйидагиларни:

– Ўқувчиларнинг мустақил ҳаётдаги турли фаолият ва йўналишлардаги муаммоларни ўзлаштирган билим, кўникма ва малакалар, ўзларининг ҳаётий тажрибалари, кузатишлари, шахсий хулосаларига асосланиб ҳал этиш, зарурий ҳолларда талаб этиладиган фаолиятни бекаму-кўст бажариш қобилиятларини ривожлантириш;

– Биологик таълим мазмунини танлаш ва методик таъминотини яратишда ўқувчиларнинг қизиқишларини орттириш, илмий дунёқарашини кенгайтириш, ахлоқий, ғоявий-сиёсий, экологик муаммоларни ҳал этиш, дидактик жиҳатдан қайта ишланган ўзида ўқувчиларнинг аввал ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларини янги кутилмаган вазиятларда қўллаш, ўзларининг ҳаётий тажрибалари, кузатишлари юзасидан илмий хулосалар чиқаришга имкон берадиган бўлишига эътибор қаратиш;

– Биологик таълим-тарбия жараёнини ташкил этишда асосий мақсад ўқувчиларда ДТС билан меъёрланган билим, кўникма, малакаларни шакллантириш, шунингдек, ахборот билан ишлаш, коммуникатив кўникмаларни эгаллаш, математик саводхонлик, ижтимоий фаолликка эга бўлиш, ўқув муаммоларини мустақил ҳал этишга доир тажрибаларни эгаллашларига шароит яратиш;

– Таълим-тарбия жараёнининг натижалари мазкур жараённинг муайян босқичида эришилган натижалар, яъни ўқувчилар томонидан компетенцияга асос бўладиган эгалланган билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштирганлик даражаларига қараб баҳо берилади;

– Компетенцияли ёндашувда – ўқитиш мақсадлари ўқувчилар томонидан ўз-ўзини англаш, таълим-тарбия жараёнида ўқув мақсадларига эришиш йўлларини тушуниш,ўқувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятини фаоллаштириш, ўқувчиларнинг шахс сифатида ўз-ўзини ривожлантириш орқали жамият ва мустақил ҳаётга мослашуви, ижтимоийлашуви каби устувор йўналишларни мўлжаллаш назарда тутилади;

Ўқувчилар мустақил ишларини компетенциявий ёндашув асосида ташкил этиш орқали қуйидаги функцияларни амалга ошириш имконияти мавжуд:

– мустақил фаолиятни ташкил этиш орқали давлатимизнинг келгусида жамият, фан, ишлаб чиқариш ва мустақил ҳаётдаги муаммоларни ҳал этишга қодир ёшларга бўлган ижтимоий эҳтиёжини қондириш;

– ўқувчиларнинг биология фани асосларини мустаҳкам эгаллаш, мотивациясини ривожлантириш, шахсий сифатларни таркиб топтириш;

– ўқувчилар мустақил ишларини ахборот ресурслари воситасида

ташкил этиш орқали уларнинг билим, кўникма ва малакалар, ижодий фаолият тажрибаларини замонавий ва техник тараққиёт талабларига мослаштириш ҳамда мавжуд муаммоларни ҳал этиш;

– мустақил амалий фаолиятга тайёргарлигини орттириш орқали касбларга йўналтириш, ҳодиса ва жараёнлар моҳиятини чуқур илмий таҳлил этиш, ижодий фаолият тажрибаларини ривожлантириш натижасида илмий тадқиқотчилик фаолиятига жалб этиш;

– биологиядан ўзлаштирилган илмий-назарий билимларини ахборот ресурслари ёрдамида мустақил мустаҳкамлаш, аниқ ва жараёнли муаммоли вазиятларда амалиётда қўллаш орқали ўқувчиларни мустақил ҳаётга тайёрлаш каби функцияларни киритиш мумкин.

Таълимда компетенциявий ёндашув таянч компетенцияларни шакллантиришга мақсадли йўналтирилади. Биология дарсларида муаммаоли мустақил таълим топшириқларини бериш ўқувчиларнинг ўқув-билиш компетентлигини юзага келтирувчи мотивацион компонент ва муҳим педагогик технология сифатида намоён бўлади.

Компетенция таркиб топтириш усуллари ва шахс ҳаётидаги аҳамиятига кўра даражаларга ажратилади.

Ўқувчи шахсининг умумий ривожланишига замин тайёрлайдиган компетенциялар умумий компетенция, фақат биология ўқув фани орқали таркиб топтириладиган компетенциялар хусусий компетенциялар дейилади.

Биология ўқитувчиси ўқувчиларда юқорида қайд этилган умумий компетенцияларни таркиб топтириш мақсадида мустақил иш топшириқларини ўқитишнинг барча шакллари: дарс, дарсдан ташқари ишлар, экскурсиялар ва синфдан ташқари машғулотларда ахборот ресурсларидан фойдаланиб олиб бориладиган ишларнинг методик тизими ва бир-бирига узвий равишда амалга оширишни лойиҳалаши лозим. Қуйида биологияни ўқитишда ўқувчиларда умумий компетенцияларни таркиб топтириш имкониятлари юзасидан фикр юритилади.

Биология ўқитувчиси коммуникатив компетенцияни таркиб топтиришни назарда тутган ҳолда биология дарсларида ўқувчиларнинг келгусида жамиятда мулоқотга киришиши учун зарур бўладиган оғзаки ва ёзма нутқни мукаммал ўзлаштириши, ўз фикрини аниқ ва тушунарли баён этиш, дарслик ва қўшимча адабиётлардаги матн асосида мантиқий кетма-кетликда саволлар тузиш, саволларга ёзма ва оғзаки жавоб ёзиш, ўз ўртоқлари ва устозлар билан мулоқотда муомаламаданияти меъёрларига амал қилиш, кичик гуруҳларда ишлаш жараёнида гуруҳ аъзоларининг фикри-

ни ҳурмат қилган ҳолда ўз фикрини баён эта олиш, жамоавий ҳамкорликда ишлай олиш, ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларига асосланган ҳолда ўз фикрини ҳимоя қилиш ва ишонтира олиш, дарсларда ташкил этиладиган ўқув баҳслар ва турли зиддиятли вазиятларда ўз эҳтиросларини бошқариш, муаммо ва келишмовчиликларни ҳал этишда зарур бўлган қарорларни қабул қила олиш, ўз она тили билан бир қаторда ҳорижий тилларни ўзлаштиришига замин яратиши лозим.

Биология ўқитувчисидан ўқувчиларнинг шахс сифатида ўз-ўзини ривожлантириш компетенциясини таркиб топтириш мақсадида ўқувчиларнинг мустақил ишлари ва таълимига эътибор қаратиши, ўқувчиларнинг ўз-ўзини баҳолаши учун мавзулар бўйича стандарт ва ностандарт ўқув ва тест топшириқлари базасини яратиши, уни компьютер хотирасига жойлаштириб адаптив тест топшириқларига айлантириши, шунингдек, ўқувчилар билан ўтказиладиган маънавият дақиқаларида жисмоний, маънавий, руҳий ва интеллектуал камолотга эришишга йўналтириш талаб этилади.

Биология бўйича мультимедиа ишланмаларига ўқитувчи маърузаси ва кўргазмалилик билан таъминланган тайёр дарсларни киритилиши ўқувчиларга уйга берилган топшириқларни бажариш, шунингдек материални мустақил ўзлаштиришда катта ёрдам беради.

Ўқувчилар дастурга кирувчи объектлардан ўзларига тегишли ахборот манбасини яратиш, уларни тўлдириш, ўзлаштириш, айрим мавзу ва бўлимларни чуқурроқ ўрганиш, интерфаол элементлардан фойдаланган ҳолда билимини текшириш, турли хил тажрибаларни ўтказиш имкониятига эга бўлади.

**Фойдаланилган адабиётлар**:

1. Абдукодиров А.А., Ҳайитов А.F. Информатика ва ҳисоблаш техникаси асосларидан машклар тўплами. -Т.: Шарк, 1996.

2. Абдураҳимов Д.Б. Узлуксиз таълим тизимида электрон ўқув адабиётларини тайёрлаш ҳақида // Узлуксиз таълим тизимининг ўқув- меёрий ҳужжатларини такомиллаштириш, унга замонавий информацион ва педагогик технологияларни жорий этиш: видеоконференция материаллари. - Гулистон: ГулДУ, 2006.

3. Бегимкулов У.Ш. Педагогик таълим жараёнларини ахборотлаштиришни ташкил этиш ва бошкариш назарияси ва амалиёти: Автореф. пед. фан. докт.дисс. -Т.

4. Ҳайитов А. F. Компьютерлаштирилган таълим ва ўкувчилар билимининг ташхиси // Педагогик таълим. –Бухоро.

# ЯНГИ АВЛОД ДАРСЛИКЛАРИНИ ЯРАТИШДА УЗВИЙЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ

***А.У.ОРТИҚОВ,***
*НамДУ ўқитувчиси*

*Мазкур мақолада янги авлод дарсликларини яратишда узвийлик тамойилига амал қилишнинг аҳамияти ва зарурияти ёритиб берилган. Шунингдек, муаллиф шахсга йўналтирилган узвийлашган дарсликларни яратишга эҳтиёж мавжудлигини асослаб берган.*

***Таянч сўзлар:*** *дарслик, узвийлик, узлуксизлик, таълим, ўқитиш, тамойил, тизим, методик тизим.*

*В данной статье описывается важность соблюдения принципа последовательности в создании учебников нового поколения. Автор также обосновал, что существует необходимость в разработке междисциплинарных учебников.*

***Ключевые слова:*** *учебник, последовательность, непрерывность, образование, обучение, принцип, система, методическая система.*

*This article highlights the importance and necessity of principle of continuity in creating new generation of textbooks. The author also argues that there is a need for creating person-oriented continuity of textbooks.*

***Key words:*** *textbook, continuity, incessancy, education, teaching, principle, system, methodical system.*

Мустақиллик йилларида узлуксиз таълим тизими учун янги авлод дарсликларини яратиш соҳасида қатор тадиқотлар амалга оширилганини таъкидлаган ҳолда, айтиш жоизки, мақсадлар ва уларга эришиш усул ва воситаларини аниқ белгилай олмаслик, меҳнат бозори талабларини чуқур ўрганмаслик, ундаги талаб ва таклифнинг номувофиқлиги, таълим субъектларининг хоҳиш-истакларини тўлиқ инобатга олмаслик натижасида мазкур масалада аниқ ечимга келинмади.

Таълим турлари ўртасидаги узвийликни таъминлаш ўқитишнинг янги мазмуни, дарсликдаги ўқув материалларини тизимлаштиришнинг инновацион шаклларини тадқиқ этишни талаб этади. Олимларнинг фикрича, таълимда узвийлик кўп аспектли тавсифга эга. Масалан, И.Е.Малованинг фикрича, “узвийлик ўқитишнинг қонунияти, тамойили, шарт-шароити, талаби, омили, усули, қоидаси сифатида намоён бўлади” [1].

Замонавий талқинда узвийлик таълим жараёнининг “барқарор векторли асоси” сифатида талқин қилинади. Таълимий муҳитда узвийлик феномени умумдидактик тамойил сифатида тушунилади. Компетент ёндашув нуқтаи назардан узвийлик тушунчаси “яхлитлик, координа-

ция, бутунлик, тизимлилик, ўзаро алоқадорлик” каби ўзига хосликлар ҳисобига кенгаяди.

Узвийлик тушунчаси ўзида таълимнинг ҳар бири босқичида таълим олувчиларнинг билим ва кўникмаларга қўйиладиган талабларни ўзида акс эттиради. Таълимда узвийлик – бу ўқув фанини ўрганишнинг турли босқичларида унинг қисмлари орасидаги зарурий алоқаларни амалга ошириш.

А.П.Сманцер узвийлик тушунчасининг моҳиятини аниқлаштириш асосида унинг қуйидаги йўналишларини ажратиб кўрсатади: таълимда узвийликнинг аҳамиятини очиб бериш; фан соҳасига доир узвийлик мазмунини очиб бериш; ўрта ва олий мактаб таълимининг узвийлигини тадқиқ этиш[2]. Демак, узвийлик деганда, билимларни ўзлаштириш, тушунчаларни ҳосил қилиш, кўникмаларни шакллантириш жараёнида намоён бўлувчи муайян тартиб ва кетма-кетлик тушунилади. Бошқача қилиб айтганда, таълим узвийлиги янги билимлар вужудга келишининг зарурий шарти сифатида ўқув-билув фаолияти узлуксизлигини назарда тутади.

Дарсликдаги ўқув материалларини тизимлаштириш нуқтаи назаридан В.Н.Просвиркин узлуксиз таълимни боғловчи элементлар ва унга кирувчи компонентлардан иборат бўлган фаолият субъектларини ўзаро ҳаракатдаги учта бир-бири билан боғланган блоклар таркибида кўриб чиққан: 1) блок – мазмун ва методлар (унда узвийликнинг мазмуний ва методик жиҳатлари кўрсатилган); 2) кадрлар (педагогик кадрларнинг ўз-ўзини қайта тайёрлаш ва ўз-ўзини ривожлантириш, шунингдек, ўқувчиларнинг ёш, психологик ва физиологик хусусиятларини ўрганишга қаратилган касбий маҳоратларини оширишга йўналтирилиши лозим); 3) муҳит (таълимий ривожланиш муҳитини яратиш) [3; 41-46-б.].

Фалсафий адабиётларда ҳам узвийлик тушунчасига ифодаланган таъриф кўп учрайди. Жумладан, тарихий жараёнлар ва маънавий маданиятни ривожлантиришдаги узвийлик масаласини тадқиқ қилган Ф.Ю.Исмоилов [5; 175-б.] ва А.А.Абдурахмонов [6; 158-б]лар изчиллик бутуннинг система сифатида бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтишидаги у ёки бу элементларининг ёки алоҳида томонларининг сақланиб қолишини ифодаловчи борлиқнинг, шунингдек, билишнинг турли хил тараққиёт босқичлари ўртасидаги алоқадорлик эканлигини таъкидлаган бўлсалар, тадқиқотчи Х.Тўхтаев “...изчиллик – эски ва янги ўртасидаги муҳим алоқадорлик шакли; изчиллик яратилган моддий ва маънавий бойликларни авлоддан авлодга узатишдаги узлуксизликни ифодаловчи фалсафий категория” [7; 77-б.], эканлигини асослаш йўлидан боради.

Замонавий шароитда мактаб ва олий таълим узвийлиги муаммосини ҳал этиш мазкур масалага уч жиҳатни ҳисобга олган ҳолда ёндашувни талаб этади:

1. Дидактик жиҳат. Агар мактаб ва олий таълим интеграцияси Давлат таълим стандартларини такомиллаштиришнинг асосий жиҳати сифатида қаралса, у ҳолда:

1) илғор хорижий тажрибаларга таянган ҳолда таълим тизимини халқаро стандартларга мослаштириш лозим;

2) фан ва ишлаб чиқариш, янги технологияларнинг юқори суръатларда ривожланиши, шу жумладан фанлараро билимларнинг бойиши ўқув дастурларини мунтазам такомиллаштиришни талаб этади.

2. методологик жиҳат. Агар анъанавий равишда мактаб ва олий таълим узвийлиги таълим мазмуни билан боғлиқликда кўриб чиқилган бўлса, у ҳолда фанларни ўқитиш методик тизимининг бошқа компонентлари – мақсад, шакл, метод, воситалари, шунингдек, унинг ташқи муҳит билан алоқадорлигини (фанни ўқитишнинг методик тизимини такомиллаштиришга таъсир кўрсатувчи омиллар йиғиндиси) ҳам унутмаслик керак.

“Ўқитишнинг методик тизими ўзида мураккаб динамик таълимни акс эттиради. ... Методик тизимдаги ўзгаришлар йўли ва динамикасини аниқлаш учун унинг алоҳида элементларини аниқлаш зарур. ...Мазкур ҳолат методик тизимнинг ички ўзаро алоқадорлиги ўқитиш жараёнининг сифати ва самарадорлигининг турли даражаларини юзага келтирувчи уни амалга оширишнинг хилма-хил усуллари катта имкониятга эгалигини кўрсатади. Методик тизимни маълум бир йўналишда қайта яратиш учун аниқ қоидаларни (ўқитишнинг методик тизимини такомиллаштириш тамойиллари) ишлаб чиқиш зарур” .

Айнан методик тизимни такомиллаштириш узвийлик тамойили асосида аниқлаштирилади. Таълим натижалари ва ҳаёт талабларининг ўзаро мувофиқлиги шароитида ўқитишнинг методик тизими ўзгаришсиз қолади, узвийлик муаммоси ўзини “ташқи” томондан намоён қилади. Шунинг учун узвий алоқаларни ўрганиш узлуксиз таълим турлари ўртасида фанлараро ва ички алоқадорликларни юзага келтиради.

Ўқитишнинг методик тизими мактаб дарсликлари, педагог ва ўқувчиларнинг мақсади, уларнинг фаолияти, ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларидан ташкил топган тизимга айланади [8].

Мазкур фикрларни ҳисобга олиш муҳимлигини адабий таълим билан боғлиқ тадқиқотларни амалга оширган Г.Файзуллаева ҳам тасдиқлайди: “Узвийлик адабий таълимда доимий ҳаракатда, изланишда фаоллик кўрсатиш, назарий-амалий масалаларни ечишда лаёқатли бўлиш руҳида тарбиялайди ҳамда адабиёт фанини ўқитишда мақсадга йўнал-

тирилганлик, дастурийлик, тизимлилик, босқичлилик, давомийлик, натижалилик, режалаштирилганлик ва самарадорликни вужудга келтириб, мавжуд педагогик жараённинг бутунлиги, яхлитлилигини, ўзаро боғлиқлигини таъминлай олади. Таълим жараёнида узвийликни таъминламасдан туриб бирор педагогик мақсадни амалга ошириб бўлмайди” [9].

3. Психологик жиҳат. Психологияда узвийлик мураккаб психологик ривожланиш қонуниятлари, ёш билан боғлиқ ўзгаришларни ўрганиш; билимларни босқичма-босқич ўзлаштириш; фаолиятнинг етакчи турлари ўзгариши доирасида кўриб чиқилади.

Таниқли рус олими Б.Г.Ананьев: “Таълимдаги узвийлик ўқувчилар фан асосларини эгаллаши жараёнида олган билимлар тизимининг вақт нуқтаи назаридан ривожланишидир” – деб ёзса, бошқа бир методист Ш.И.Ганелиннинг фикрича, “...узвийлик – бу ўқувчилар томонидан ўрганилаётган ўқув материали учун таянч бўлувчи мавжуд билим, кўникма ва малакаларнинг амалда шундай қўлланиши ва истиқбол ривожланишидирки, улар асосида билимлар ўртасида турли алоқалар юзага келади, курснинг асосий ғоялари очилади, эски ва янги билимларнинг ўзаро алоқадорлиги таъминланади, натижада ўқувчиларда пухта ва чуқур билимлар тизими шаклланади”.

Таниқли психолог С.Л.Рубинштейннинг фикрича, узвийликнинг моҳияти шундаки, ўқитиш жараёнининг ҳар бир босқичи аввалгисининг негизида юзага келганлиги, унинг ички шароитини ташкил этганлиги сабабли барча босқичлар ўртасида ўзаро алоқа мавжуд [10; 320-б.].

Юқоридаги фикрларни умумлаштириб айтиш мумкинки, таълим жараёнидаги узвийлик билим ва кўникмаларни ўзлаштириш сифати, яхлитликда шахсни ривожлантиришга олиб келади. Олимлар узлуксиз таълим тизимида узвийлик тамойилини амалга оширишни:

1) вариатив дарсликларни яратиш;

2) таълимнинг кўп функционалли восита ва технологияларини ишлаб чиқиш билан боғлиқликда талқин этишади.

Бизнинча, узлуксиз таълим тизимида узвийлик тамойилини амалга ошириш замонавий дарсликларни яратиш ва таълимни ахборотлаштириш шароитида ундан фойдаланиш билан бевосита боғлиқ. Замонавий дарслик узлуксиз таълимнинг барча турларида фанлардан узвийлик ва узлуксизликка асосланган шахсни мотивлаштиришнинг яхлит тузилмасини ўзида бирлаштиради:

1) бошланғич синф фанларидан яратилган дарсликлар;

2) умумий ўрта ва ўрта махсус таълим фанларидан яратилган дарсликлар;

3) олий таълим учун яратилган дарсликлар.

Ҳар шандай алоҳида хусусиятга эга дарсликлар (таянч, узвийлашган ва шахсга йўналтирилган) яхлитликда шахсга йўналтирилган узвийлашган дарслик номи остида бирлашади.

Шахсга йўналтирилган узвийлашган дарсликлар умумий ўрта ва олий таълим стандартларининг фундаментал компонентини ўзида акс эттириб, "мактаб – олий таълим" уйғунлиги асосида яратилади.

Шундай қилиб, замонавий дарсликлар яратиш муаммосини ҳал этишнинг муҳим шартидан бири узвийлик тамойилидир.

Шахсга йўналтирилган узвийлашган дарсликлар узлуксиз таълимнинг барча турларида таълимнинг дискрет тавсифи ва яхлит педагогик жараённи таъминлаш зарурияти ўртасидаги қарама-қаршиликни бартараф этиш имконини беради.

**Фойдаланилган адабиётлар:**


1. Малова И.Е. Непрерывная методическая подготовка учителя математики к осуществлению личностно ориентированного обучения обучающихся: монография / И.Е.Малова. – Брянск: Изд-во БГУ, 2003. – 225 с.
2. Сманцер А.П. Гуманизация педагогического процесса в современной средней школе. – Минск: БГУ, 2010. – 335 с.
3. Просвиркин В.Н. Преемственность в системе непрерывного образования // Педагогика. – Москва, 2005. – № 2. – С. 41-46.
4. Узлуксиз таълим тизими учун ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш концепцияси. – Т.: Шарқ, 2002. – 14 б.
5. Исмоилов Ф.Ю. Преемственность в историческом процессе. – Т.: Фан, 1999. – 175 с.
6. Абдурахмонов А.А. Проблемы преемственности в развитии духовной культуры. – Т.: Фан, 1990. – 158 с.
7. Тухтаев Х. Преемственность в културном наследии и её социальное значения // Общественные науки в Узбекистане. – Ташкент, 1997. – № 3/4. – С. 77.
8. Саранцев Г. И. Методологические основы школьного учебника математики //Педагогика. – 2003. - № 10. – С. 25 - 34.
9. Файзлуллаева Г.Ш. Адабий таълим узвийлиги асосида ўқувчиларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш: педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) ...дисс. – Самарқанд, 2019. – 144 б.
10. Рубинштейн С.Л. Проблемы общей психологии. – М.: Педагогика, 1976. – 416 с.

# МАТЕМАТИКАДАН ИҚТИДОРЛИ ЎҚУВЧИЛАР БИЛАН ИШЛАШНИ УЗВИЙ ТАШКИЛ ЭТИШ САМАРАДОРЛИГИ

***Г.Х.ДЎСМУРОДОВА,***
*ТВЧДПИ, "Математика" кафедраси катта ўқитувчиси*

*Мақолада иқтидор тушунчаси ва уни қобилият билан узвий боғлиқлиги кенг ёритилган. Ўқувчининг математикадан иқтидорини ривожлантиришда қобилият билан истеъдодни ўрни ва аҳамияти ҳамда қобилиятнинг умумий тузилмаси келтирилган.*

***Таянч сўзлар:** иқтидор, қобилият, истеъдод, математик қобилят.*

*The article describes the concept of talent and its inextricably linked abilities. The role and importance of ability and talent in developing the abilities of the student in mathematics and the general structure of the abilities are given.*

***Key words:** talent, ability, mathematic sability.*

*В статье описывается понятие таланта и его неразрывно связанные способности. Дана роль и значение способностей и таланта вразвитии способностейучащихся по математике также их общая структура*

***Ключевые слова:** талант, способность, математические способность.*

Узлуксиз таълим тизимининг дастлабки босқичлариданоқ ўқувчиларнинг имкониятлари ва қизиқишларини аниқлаш ҳамда таълим мазмунини шу асосда ташкил этиш, мақсадга йўналтирилган фаолиятнинг ривожланишини таъминловчи, интеллект ва билимларни рўёбга чиқарувчи асосий омиллардан биридир. Таълим-тарбия тизимини тубдан ўзгартириш, баркамол инсонни шакллантириш келажак тақдиримизни белгилаб берувчи долзарб масалалардан бирига айланди.

Иқтидор – бу инсон психикасининг бутун умри давомида тизимли ривожланувчи сифати бўлиб, инсоннинг бошқа одамларга нисбатан бир ёки бир неча соҳада юқори натижаларга эришиш имконига эга эканлиги билан белгиланади [1,2].

Психологик луғатларда "иқтидор" тушунчаси қуйидагича таърифланади:

1) иқтидор бу фаолиятнинг муваффақиятли амалга оширилишини таъминлайдиган қобилиятларнинг ўзига хос уйғунлашувидир;

2) иқтидор бу – инсоннинг имкониятлари доираси, фаолиятлари даражаси ва ўзига хослигини белгилайдиган умумий қобилиятлардир;

3) иқтидор бу – ақлий потенциал, таълим олиш қобилияти ва билиш имкониятларининг бир бутун индивидуал тавсифи;

4) истидор бу – табиат томонидан инъом этилган қобилиятлар, уларнинг табиий асосларини ўзига хослиги ва намоён бўлиш даражалари;

5) иқтидор бу – истеъдодлилик, фаолиятда юқори натижаларга эришиш учун ички имконият ва шароитларнинг мавжудлиги[177, 247].

Ушбу тавсифлардан келиб чиққан ҳолда, шуни таъкидлаш мумкинки, иқтидор асосида умумий интеллектуал ва инсоннинг билиш имкониятларини белгилайдиган, табиат томонидан инъом этилган қобилиятлар, бирор бир фаолиятда (масалан, таълим, ижодий, касбий, илмий) муваффақиятга эришишни таъминлайдиган махсус қобилиятлар ётади.

Ўқувчиларнинг математикадан иқтидорини ривожланишида уларнинг туғма қобилият ва истеъдодининг ўрни муҳим аҳамиятга эга. Туғма қобилиятга эга бўлган ёшларимиз катталарнинг ҳар бир таълимий, тарбиявий ва касбий таълимотларини тез илғаб оладилар ва уни фаол ўзлаштириб ҳаётга татбиқ эта оладилар. Лекин барча ёшларимизга бу қобилият ва истеъдод, туғма талант насиб этавермайди. Шундай экан, қобилиятни шакллантириб бориш, ёшларнинг истеъдодини ошириб бориш биринчи навбатда педагогларимизга ва кенг жамоатчилик зиммасига яъни оила, маҳалла, таълим муассасалари ва корхона, ташкилот, устахона бошқарувчилари зиммасига тушади [3,6-86].

“Қобилият” тушунчаси айрим шахсларда, яъни унинг билими ёки билимдонлигига қараб белгиланмайди. Кўпинча, педагог ўқувчининг фаолиятидан унча қониқмасада, лекин шунга қарамай яхши ўзлаштира олмаётган бола бошқа ўртоқларидан ортда қолмай фанларни яхши ўзлаштиришга ҳаракат қилиши билан ўқитувчини хурсанд қилади. Педагог ўзининг норозилигини ўқувчи билан етарлича шуғулланмаслигини асослаб, ўқувчининг “қобилиятига эътибор бериб”, ўқувчи билан кўпроқ шуғулланса, билимни яхши ўзлаштира олиш қобилияти бор, деган хулоса келади.

Умумий қобилият эгалари юқори интеллектуал имкониятларга эга бўлиб, муаммонинг ёки бирон-бир масаланинг ечимини тезда топиши, фаолиятига ижодий ёндашиши билан ажралиб туради. Махсус қобилият эгалари эса бирон-бир аниқ (масалан, математика, мусиқа, расм чизиш, шахмат ўйнаш, спорт) фаолият турига қобилияти бўлган ва мана шу фаолият билан шуғулланишни афзал кўрадилар.

Математикадан иқтидорли ўқувчилар бу умумий ва махсус қобилиятларни ўзида мужассам этган болалардир. Улар бошқа болалардан қуйидаги белгилари билан ажралиб турадилар:

– қизиқувчанлиги;
– доимо турли саволларга жавоб излашлари;
– нутқи, тафаккури, хотирасининг тез ривожланиши;
– эрта ёшданоқ мусиқа, расм чизиш, китоб ўқиш, математикага

қизиқиши;

– юқори даражадаги билиш фаоллиги ва ўқув фаолияти;

– масалаларнинг ечимини топишда мақсадга интилувчанлик ва оригиналлик;

– тафаккурнинг унумдорлилиги.

Педагогик-психологик нуқтаи назардан умумий ва махсус қобилият ёш даврларини инобатга олган ҳолда муҳим жиҳатларга боғлиқ. Илк ёш даврлари – мактабгача ва кичик мактаб ёшида иқтидор умумий ҳамда универсал қобилият сифатида қаралиши ва ривожланиши мумкин. Вақт ўтиши билан бу “умумий қобилият” ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб маълум бир йўналишни белгилайди. Айни вақтда бу иқтидор бола томонидан қай даражада намоён бўлаётганлигига эътибор қаратиш керак бўлади. Аниқ намоён бўлган, яъни психолог, педагог, ота-оналар томонидан эътибор берилган қобилият “долзарб”, атрофдагилар пайғамайдиган қобилият “потенциал” қобилият дейилади.

Қобилиятлар сифатида рўёбга чиқадиган психик ҳислатлар мажмуасининг тузилиши яққол ва алоҳида фаолият талаби билан белгиланганлиги туфайли ҳар қайси турдаги фаолиятлар учун ўзига хос тарзда қўйилиши турган гап. Бунинг учун айрим мисолларни таҳлил қилиб ўтамиз:

1) математик қобилият: математик материалларни умумлаштириш, мулоҳаза юритиш жараёнини қисқартириш, математик иш-амалларни камайтириш, масалани идрок қилиш билан натижаси ўртасида алоқа ўрнатиш, тўғри ва тескари фикр юритишдан ўтишлик, масала ечишда фикр юритишнинг эпчиллиги кабилар;

2) адабий қобилият: нафосат ҳисларининг юксак тараққиёт даражаси, хотирада ёрқин кўргазмали образларнинг жонлилиги, “тил-зеҳни”, беҳисоб хаёлот, руҳиятга қизиқувчанлик, ўзи ифодалашга интилувчанлик ва бошқалар. Ажратиб кўрсатилган қобилиятлар таркибидан кўриниб турибдики, математик ва адабий қобилиятлар ўзаро бирбирига ўхшамаган талаблари билан тафовутга эгадир. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, педагогик, мусиқавий, техник, конструкторлик, тиббий қобилиятлар ва шунга ўхшаш қобилиятлар тузилиши махсус хусусиятга эга бўлиб, касбий аҳамият касб этиши мумкин [4].

Қобилиятларнинг ривожланиши ва шаклланиши биринчидан, маълум бир фаолиятга мойиллик ёки интилиш борлигига ва фаолият натижаларининг шароитга қараб тегишли табиий зеҳн, нишоналарни аниқлаш йўли билан, иккинчидан мутахассис (музикант, артист, рассом ва ҳоказо) рағбарлигида тизимли фаолиятга жалб этиш орқали шахснинг табиий хусусиятларини чиниқтириш ва ривожлантириш йўли билан учинчидан, умумлашган ақлий операцияларни шакллантириш йўли билан бориши керакки, бу операциялар уму-

мий ва махсус ахборотни енгил ва самарали ўзлаштиришни, танлаган фаолият бўйича кўникма ва малакаларни ҳосил қилишни таъминласин. Тўртинчидан, ўқувчининг махсус қобилиятини камол топтиришни жадаллаштиришни таъминловчи шахсни ҳар томонлама ривожлантириш йўли билан. Бешинчидан, шахснинг фаоллик аломатларини тарбиялаш йўли билан бориш керакки, бу аломатлари даставвал меҳнатсеварлик, мустақиллик, ташаббускорлик, пухталик, қатъиятлик, синчковлик ва танқидийликдан иборат. Буларсиз индивиднинг потенциал имкониятлари ва қобилияти фаолиятда максимал равишда ривожлана олмайди. Олтинчидан, мактаб ўқувчиларига нисбатан индивидуал муносабатда бўлишни умумий талаблар билан тўғри қўшиб олиб боришдир. Қобилиятнинг муайян изчилликда намоён бўлиши ва ривожланишини ҳаёт тажрибаси кўрсатиб турибди.

Қобилият турли ривожланиш даражасига эга бўлиши мумкин. Илмий абстракциялаш қобилиятнинг икки даражасини фарқлаш имконини беради; репродуктив ва ижодий акс эттириш даражалари. Ўз қобилиятини ривожлантиришнинг биринчи даражасидаги киши билимларни жуда моҳирлик билан ўзлаштиради. Фаолиятни ўрганиб олади ва уни бирор намуна орқали амалга оширади. Иккинчи даражада турган киши эса янгилик яратишга қодирдир. Бу даражаларни текширишга метафизик муносабатда бўлиш ярамайди албатта, биринчидан ҳар қандай репродуктив акс эттириш, фаолият, ижодий фаолият элементларини ижодий акс эттириш фаолияти эса репродуктив фаолият элементларини ўз ичига қамраб олади, бусиз уларни тасаввур қилиб бўлмайди. Иккинчидан, юқорида айтилган даражалар ҳам қандайдир ўзгармас ва қотиб қолган нарсалар эмас. Киши билимларни ўзлаштириб, кўникма ҳосил қилиш жараёнида фаолият бир даражадан иккинчи даражага ўтиб туради. Қобилиятнинг табиий манбаи ҳам мавжуд бўлиб ва у табиий зеҳн деб юритилади.

“Истеъдод” ва “қобилият” ўзига хос тушунчаларга эга, улардаги инсон ҳусусиятлари ҳар қандай амалий фаолият тақдим этаётган талаблар нуқтаи назаридан кўрилади.

Психологик-педагогик маълумотларни умумлаштирилган ҳолда икки хил хусусиятли фикрни алоҳида таъкидлаб ўтиш истеъдод тузилишини енгилроқ тушуниш имкониятини яратади:

1) истеъдод – бу шахс психик хислатларининг шундай мураккаб бирикмасидирки, уни: а) алоҳида, ягона махсус қобилият билан, б)хотиранинг юксак маҳсулдорлиги орқали; в) ҳатто ноёб (камёб, нодир) сифат тариқасида ўлчаб бўлмайди;

2) шахсда у ёки бу қобилиятнинг мавжуд эмаслиги ҳамда етарли даражада тараққий этмаганлиги талантнинг мураккаб таркибига кирувчи бошқа қобилиятларнинг жадал такомиллашуви орқали уларнинг

ўрнини босиб юбориши (компенсация қилиши) мумкин.

Ўқувчиларни математикадан фан олимпиадаларига тайёрлашда уларнинг ақлий салоҳиятини ўрганиш, оилада уларнинг қобилиятларини ривожлантириш бўйича ўтказиладиган тарбиявий методларга алоҳида эътиборни қаратиш керак. Ота-оналарнинг маълумот даражалари ҳам ўқувчиларнинг фанларни ўзлаштиришларига таъсир кўрсатишини инобатга олиш лозим. Тадқиқотларимиз натижасида, оилада оталар маълумотига нисбатан оналар маълумотининг таъсири бир мунча юқорироқэканлиги маълум бўлди.

Тадқиқотлар натижасида "иқтидор" тушунчасининг қуйидаги тавсифлари аниқлаштирилди: иқтидор бу фаолиятнинг муваффақиятли амалга оширилишини таъминлайдиган қобилиятларнинг ўзига хос уйғунлашувидир; иқтидор бу – инсоннинг имкониятлари доираси, фаолиятлари даражаси ва ўзига хослигини белгилайдиган умумий қобилиятлар; иқтидор бу – ақлий потенциал, таълим олиш қобилияти ва билиш имкониятларининг бир бутун индивидуал тавсифи; иқтидор бу – табиат томонидан инъом этилган қобилиятлар, уларнинг табиий асосларини ўзига хослиги ва намоён бўлиши даражалари; иқтидор бу – истеъдодлилик, фаолиятда юқори натижаларга эришиш учун ички имконият ва шароитларнинг мавжудлиги.

Тадқиқот жараёнида математикадан иқтидорли ўқувчилар билан ташкил этиладиган ўқув-билиш фаолиятини ташкил этишнинг қуйидаги дидактик шарт-шароитлари аниқлаштирилди: ўқув жараёнини юқори даражадаги мураккаблик асосида ташкил этиш, бунда ўқув материаллари мураккаблик даражасининг аниқ ифодаланишига амал қилиш; ўқув материалларини жадал тарзда ўзлаштириш имконини берадиган усуллар ва технологияларни қўллаш; таълимнинг дастлабки босқичида назарий билимларнинг етакчи ўрин эгаллашига эътибор қаратиш; ўқувчиларнинг ўқув жараёни моҳиятини тушунишларига эришиш кабилар.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Россолимо Г.И. План исследования детской души. Пособие для родителей и педагогов. Москва: Типо-лит. т-ва И.Н. Кушнерев и К, 1906. – 90 с.

2. Экземплярский В. М. Проблема одаренности [Текст] / В. М. Экземплярский. - Москва : Рус. книжник, 1923. - 136 с.

3. Штерн В. Умственная одаренность: Психологические методы испытания умственной одаренности в их применении к детям школьного возраста / Пер. с нем. — СПб.: Союз, 1997.

4. Леонтьев Алексей Николаевич // Большая советская энциклопедия - : [в 30 т.] / гл. ред. А. М. Прохоров. — 3-е изд. — М. : Советская энциклопедия, 1969—1978.

# БЎЛАЖАК МУСИҚА ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ АМАЛИЙ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МУСИҚА ЎҚУВ МЕТОДЛАРИНИНГ ЎРНИ

**И.Б.МАТЯКУБОВ,**
ТДПУ, "Масофавий таълим" кафедраси ўқитувчиси

*Мусиқа инсон ҳиссиётига кучли таъсир эта олиш хусуссияти билан тарбиялашнинг мухим воситасидир. Мана шунинг учун ҳам мусиқа билан шуғулланган, мусиқа ҳамроҳи бўлган инсон хеч қачон ёд ғояларга эргашмайди. Ўз фикри, ўз ғоясига эга бўлади.*

***Таянч сўзлар:*** *метод, методика, методист, ашула, хор, диққат, мусиқий дид, бадиий дид, мусиқий ҳис-туйғу, мусиқа саводи, мусиқа тили, муси?ий ифодавий восита.*

*Музыка является важным средством воспитания человека, оказывающего сильное влияние на человеческие эмоции. Вот почему человек, который занимается музыкой и музыкант, никогда не помнит идеи. Их идея состоит в том, чтобы иметь свои собственные идеи.*

***Ключевые слова:*** *метод, методология, методист, пение, хор, внимание, музыкальный диктант, художественный вкус, музыкальная эмоция, музыкальное выражение.*

*Music is an important tool in educating and exerting a strong influence on a person's life. That is why a person who is engaged in music always has an opinion, ideas and views. Scientists have done a lot of research on this issue, and their research has produced results.*

***Keywords:*** *method, methodology, methodologist, song, chorus, attention, musical taste, artistic taste, musical emotions, musical language, means of expressing music.*

Мусиқа ўқитиш методлари бирданига келиб шаклланган фан эмас, балки бунга қадар мазкур фанни қаклланиши ижодий ва мураккаб тараққиёт йўлини босиб ўтган. Республикамизда мусиқа ўқитиш методикасини шакллантиришда маҳаллий олимлар, методистлар, тажрибали ўқитувчиларнинг қатор изланишлари, ўқув қўлланмаларининг аҳамияти катта бўлади. Бадиий педагогиканинг методика соҳасидаги сўнгги ютуқлари талабаларни педагогика фаолиятига тайёрлаш, уларни методик билим ва маҳоратлар билан қуроллантириш, мусиқа ўқитиш методикасини бу мақсадга эришиш учун амалий машғулотлар мобайнида узоқ ижтимоий меҳнат қилиш талаб этилади. Аввало методика, ме-

тод атамаларининг луғавий маъноларига эътиборимизни қаратсак. Метод – турмуш ҳодисаларни танлаш, ўрганиш ва тасвирлашнинг асосий воситаси ва принципи.

Маълумки, мактабда ўқувчиларнинг ёш физиологик хусуситяларини, кўникма ва малакаларига қараб, мусиқа ўқитиш методикаси қўлланилади. Бу ерда таълим усули, ўқув материалларининг (ўқув режа, дастур) таълим принциплари, ўқув-тарбиявий ишларнинг умумий мақсад ва вазифалари муҳим аҳамиятга эгадир. Демак, мусиқа ўқитиш методикаси, ўқувчиларга мусиқа санъатини ўргатишнинг мазмуни, вазифалари ва методларини ўргатувчи ва ўқув жараёнларини ташкил этувчи шакл ва йўлларини тадбиқ этувчи фандир. «Методика» сўзи грекча сўз бўлиб, «тадқиқот йўли», «билиш усули» деган маънони англатади ва таълим-тарбиянинг алоҳида қисмлари бўлиб ҳисобланади, уларнинг йиғиндиси мусиқа ўқув методлари дейилади. Мусиқанинг ўқитиш методлари деганда, мактаб ўқувчиларнинг билим, маҳорат ва малакаларини эгаллашда, уларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришда ва дунёқарашини таркиб топтиришда ўқитувчиларнинг қўллаган иш усуллари тушунилади.

Мусиқа ўқитиш усуллари вазифаларини амалга оширишда, мусиқа ўқитишнинг қатор методлари билан биргаликда, педагогиканинг амалий йўналишини ҳусусий (оптимал) методлар эгаллаб, мусиқа дарсида қўллаш муҳим аҳамият касб этади. Мусиқа ўқитиш методикаси вазифаларини амалга оширишда мусиқа дарсида ўқитишнинг (оптимал) хусусий методларидан унумли фойдаланишга боғлиқ. Етук олимларимизнинг тадқиқотларида мактаб ўқитувчисининг шахсияти ва унга бўлган профессионал талаблар ва ўқувчилар муносабатини, хусусий методлардан фойдаланиш жараёнида ҳал қилиш лозимлигини илмий асосда таърифлаб берганлар. Хусусий метод-бирор бир фаннинг амалий ва ижодий ишларини мазмунини ва мавзусини кенг ёритиб бериш ва мустаҳкамлашда, ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятида ўзаро алоқадорлигини ва ўқувчиларни билиш жараёнида изланишга ундовчи методдир.Мусиқа умумий таълим мактабларида ўқувчиларга инсонийлик тарбия сифатида, хусусан эстетик тарбия беришнинг ажралмас кисми сифатида ўқитилади. Мусиқа бевосита хис-туйғуларга қаратилганлиги туфайли Бўлажак мусиқа ўқитувчилариларни асарда ифодаланган кечинмалар ва фикрлар доирасига фоал равишда жалб қилади. Мана шунинг учун ҳам мусиқа бир вақтда минглаб кишилар билан хис-туйгулар тилида

инсонининг қалб тилида сўзлашиш имкониятига эга.Мусиқа ўз табиятига кўра, кишилар ҳаёти уларнинг ўз-ўзларига, турли воқеликка бўладиган муносабатини ва бошқа ички кечинмаларини хилма-хил товушлар буёқлари орқали, бадиий образлар орқали тасвирлайди. Мусиқа инсон ҳиссиётига кучли таъсир эта олиш хусуссияти билан тарбиялашнинг мухим воситасидир. Мана шунинг учун ҳам мусиқа билан шуғулланган, мусиқа қамроғи бўлган инсон хеч қачон ёд ғояларга эргашмайди. Ўз фикри, ўз ғоясига эга бўлади. Қалб гўзаллигила, кенг дунёқарашга эга бўлади мусиқа билан шуғулланган инсон. Бу масала бўйича олимлар сон-саноқсиз илмий тадқиқодлар ўтказганлар ва бу тадқиқодлар ўз самарасини берган.

Мусиқа маълумотига эга мутахасислар билан бир қаторда бошланғич синф ўқитувчилари ҳам мусиқа дарсларини мутахасислар олиб боришлиги кутарилган бўлсада, мусиқа ўқитувчилари етарли эмаслиги сабабли буни амалга ошириш имконияти бўлмаяпти. Шунинг учун институтларнинг бошланғич таълим методикаси бўлимларида мусиқа таълимини жиддий йулга қўйиш, мусиқа мутахасислари етарли булмаган мактабларда ишлаётган бошланғич синф ўқитувчиларини малака ошириш курсларида кайта тайёрлаш ёхуд икки мутаҳассислик бошланғич таълим ва мусиқа таълими йўналишларида ўқитилиши зарур. Шунингдек мусиқадан махсус билими булмаган бошланғич синф ўқитувчилари мусиқа мутахасислари билан ҳамкорликда бамаслаҳат иш олиб боришлари мақсадга мувофиқдир. Айрим умумтаълим мактабларида мусиқа саводи фанига умуман эътибор берилмайди, эътибор берилсада энг пастки назар қаторидаги фан сифатида қаралиб келинади.

Жамоа бўлиб куйлашни ўрганиш мусиқа дарсининг асоси сифатида бевосита ўқувчиларнинг фаол иштироки билан амалга ошириш билан ҳам ўзига хосдир. Куйлаш жараёни мураккаб психологик-физиологик холатларда кечади. Бунда ўқувчилар олий нерв фаолияти тезлашади. Миянинг остки ижобий завқ-шавқ марказлари ишга тушади. Бўлажак мусиқа ўқитувчилариларда юксак бир бадиий кўтаринкилик кайфияти пайдо булади. Шунингдек, овоз хосил килиш аъзолари: буғиз товуш пайчалари, нафас, жағлар ва лабларнинг умумий куйлаш кўникмаларни мукаммаллаштириб боради.

Қўшиклардан тарбиявий фойдаланиш хар бир синф ўқувчиларнинг ёши ва мусиқавий қобилияти ва овоз имкониятини ҳисобга олган

ҳолда мавзуси ва тавсифи жиҳатидан турлича булган асарларни танлаш тавсия килинади. Ўрганиш учун мўлжалланган қўшиклар репертуаридан Она –Ватанга, унинг табиати, жониворлари, халқимизнинг меҳнати ва ҳаёти билан боғланган турли байрамлар, фасл қўшиклар хилма-хил жанрларга, ахлоқ-одоб мавзуига кенг ўрин берилиши керак.

Танланган қўшиқлар хилма-хил жанрларда бўлиб, лирик қўшиқлар, ҳазил мутойиба тарзидаги қўшиқлар, Бўлажак мусиқа ўқитувчиларилар халқ қўшиқлари, Бўлажак мусиқа ўқитувчиларилар ўйинларини ўйнаш учун мос келадиган қўшиклар, маршлар ва вальслардан иборат бўлиши керак.

Мақомни шодлик ва мангуликни ифода этиш имкониятлари бениҳоя катта. Зеро Президентимиз Ш.Мирзиёев такидлаганларидек “Ҳақиқатан ҳам, биз учун бебаҳо бадиий қомус бўлган мақом санъати асрлар, неча юз йиллар давомида инсон руҳини, унинг дарду армонларини, эзгу интилишларини юксак пардаларда ифода этиб келмоқда.”[1].

Улуғ рус композитори В.Рахманинов, мақом мусиқанинг бош асоси, мақомнинг ўзи мусиқадир деб айтган эди. Мақом овозлар воситасида образли фикр юритишдир. Мақомнинг ўзи ритмсиз ундан ташқари булиши мумкин эмас, ритм овозларнинг вақт, замонда ташкил топишидир. Мусиқа ритмлари алоҳида ташкил топувчанлиги ва ифодалилиги билан фарқ килиб туради. Мусиқани чуқур тушунмоқ учун унинг барча ифода воситларини, назариясини, нота-ёзув системасини изчил ўрганиб бориш керак.  Шунинг учун  ўқувчиларни хақиқий, реалистик мусиқа асарларини севиш ва уни махсус тинглашга тайёрлаш керак.

**Фойдаланилган адабиётлар**:

1. Халқ сўзи. Президент Ш.Мирзиёевнинг Халқаро мақом санъати анжуманининг очилиш маросимидаги нутқидан.

2. B.Matyakubov, E. Altinkaynak. Alpamis. Destan. Ardahan. Atalay Matbaasi, 2017.

3. B.Matyakubov, Sedat Tamay. Timur ve Bayezid destani. Gece Akademi. Ardahan 2019.

# УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА БОШҚАРИШДА ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ

**З.У.ИСМОИЛОВ,**
*ТВХТХҚТМОҲМ ўқитувчиси*

*Таълим муассасаларини инновацион бошқариш шу куннинг энг долзарб масаласига айланмоқда. Мазкур мақола ҳам бевосита узлуксиз таълим тизимда ўқув жараёнини такомиллаштириш ва бошқариш масалаларига қаратилган.*

***Таянч сўз ва иборалар**: таълим тизими, инновация, инновацион ёндашув, таълим тизимини модернизациялаш, такомиллаштириш босқилари.*

*Инновационное управление образовательными учреждениями становится сегодня актуальной проблемой. Эта статья также посвящена совершенствованию и управлению учебным процессом в системе непрерывного образования.*

***Ключевые слова**: система образования, инновация, инновационный подход, модернизация системы образования, этапы совершенствования.*

*Innovative management of educational institutions is becoming an urgent problem today. This article is also devoted to the improvement and management of the educational process in the continuing education system.*

***Key words**: education system, innovation, innovative approach, modernization of the education system, stages of improvement.*

Таълим тизимининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишдаги ўрни беқиёсдир. Зеро, ушбу жараёнлар тақдири тайёрланаётган кадрлар малакасига бевосита боғлиқ. Масалан, ривожланган давлатларнинг барчаси ўз ютуқларига таълим соҳасини юксалтириш орқали эришиб келган.

Айнан таълим жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ва ҳар бир давлатнинг асоси бўлган инсон капиталини шакллантиришга муайян таъсир қилади. Таълим ва давлатнинг бундай муштараклиги ушбу соҳанинг сиёсатдаги ижтимоий муносабатлар ва давлатни бошқариш тизимида тутган ўрнини белгилайди.

Узлуксиз таълим ва тарбия тизимини яратиш учун бошланган ислоҳотлар ва модернизация жараёнлари шаффофлик ҳамда очиқлик сиёсати амалга оширилаётганлиги, уларнинг ўзаро масъуллигини кучайтиришга, бу соҳадаги барча субъектлар ролини оширишга хизмат қилмоқда. Масалан, илгари мавжуд бўлган муаммо ва камчиликлар ўз-

ўзидан барҳам топмоқда.

Инсонпарварлик, демократиялашаётган, бозор иқтисодиёти шароитида ишлай оладиган, янгиликни ҳис эта оладиган, уни ўқув - тарбия ишларига тезкорлик билан тадбиқ эта оладиган педагогик инновация, илғр педагогик технологияларни ўзлаштирган социал - ижтимоий - иқтисодий ўзгаришларга тезда кўника оладиган менежерларга катта эҳтиёж сезилмоқда. Айниқса, компьютер техникаси билан муомила қила оладиган, чет тилини ўзлаштирган, ўз тилида эркин сўзлай оладиган бошқарувчиларга эҳтиёж сезилмоқда.

Инновация тушунчаси тадқиқотларда – янгилик киритиш тушунчаси сифатида кўриб чиқилади, “инновацион жараён” тушунчаси эса янгилик яратиш ва уларни ўзлаштириш ҳамда таълим муассасаси амалиётида самарали қўллаш жараёни сифатида ифодаланади.

Демак, педагогик жараёнларни ташкил этишда инновация (янгилик киритиш) – мақсадга йўналтирилган ўзгартиришлар бўлиб, инновацион жараён – педагогик жараёнларга ёки педагогик фаолиятга ўзгартиришлар (янгилик) киритиш жараёни деб айтишимиз мумкин.

Илғор тажрибаларни аниқлаш, ўрганиш ва оммалаштиришнинг замонавий шакл ва технологиялари асосида кўзланган натижаларга эришишда, энг аввало, ўрта махсус касб-унар таълимидаги мавжуд муаммоларни ўрганиш ва таққлил қилиш, мавжуд муаммоларни бартараф этишда бажарилиши зарур бўлган вазифаларни, мақсадни аниқлаш, шунингдек, педагогик жараён иштирокчиларининг имконияти ва эҳтиёжларини инобатга олиш зарур.

Педагогик жараёнларни ташкил этишда инновацион салоҳиятига кўра янгиликлар модернизация, унификация, фаолиятни такомиллаштириш, шаклан ўзгартириш, ривожлантириш билан боғлиқ бўлган модификацион инновациялар, олдиндан маълум бўлган методларнинг элементларини янги тизимга бирикишини назарда тутувчи бириккан инновациялар, ўхшашликка ва умумийликка эга бўлмаган радикал инновациялар инновацион жараёнларнинг асоси сифатида белгиланиши мумкин.

Педагогик жараёнларни ташкил этишда инновацияларни педагогик жараённинг таркибий компонентларини ҳаракатланиши ва мақсадга йўналтирилган ижодий, сифатий ўзгаришлар жараёни сифатида белгилаш мумкин. Бошқача қилиб айтганда, инновация эскиликни янгилик билан ўзаро

ўрин алмашинишини тезкор жараёнини тасвирлайди. Бизнинг фикримизча, бу жараёнда қуйидаги қатор вазифалар таълим жараёнини такомиллаштириш, янгиликлар киритишни амалга оширишда педагогик инновацияларни самарадорлигининг асосий шартлари ҳисобланади:

– таълим муассасаси жамоаси учун янгилик киритишнинг долзарблиги муаммоларини узил-кесил ҳал қилиш ва педагогик жараён самарадорлигини таъминлашнинг асосий омиллари сифатида белгиланиши;

– танланган инновацион воситаларни мазкур таълим муассасасининг имкониятларига мос келиши;

– инновацияларнинг тўла илмий асосланганлиги;

– инновацион жараёнларнинг аҳамиятлилиги ва тизимлилиги;

– янгилик яратувчи ва ундан фойдаланувчиларнинг шахсий-профессионал хусусиятларини ҳисобга олиш ва инновацияларнинг аҳамиятини англаш ҳар бир субъектнинг юқори даражадаги масъулияти ҳамда жавобгарлигини ифодалаши;

– инновацион жараёнларда таваккалчиликни минимал даражада бўлиши учун етарли шарт-шароитлар яратиш, таваккалчиликнинг даражасини тушуниш ва уларни асосланганлигининг зарурияти;

– таълим мазмунида, педагогик лойиҳаларда ўзгартиришлар ҳамда ривожланиш тамойилларининг ўз ифодасини топиши.

Узлуксиз таълимда асосий ўзгаришлар ва инновацион жараёнларни ташкил этиш асосий мақсадга эришишга йўналтирилган бўлади ва ўз навбатида мазкур мақсадларга эришишда қатор вазифаларни бажарилиши зарур:

– жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжларига мос, билимли ва қобилиятли битирувчилар моделини амалга оширишга асосланиш (таълим мазмунини янгилаш); - ўқувчиларини касбий тайёрлаш жараёнига инновацион ёндашувларни жорий этиш (таълим дастурларини янгилаш);

– педагогик жараёнларни олдиндан лойиҳалаштириш, рақобатни вужудга келтирувчи таълмий муҳитни шакллантириш;

– таълим стандартларига мос равишда, ҳаракатдаги дастурларга янги ривожлантирувчи айрим ўзгартиришларни киритиш;

– кўпроқ самарали ҳисобланган ўқитиш воситаларини танлаш;

– ўқув режасининг такомиллаштириб бориш ва бу ишларни узлуксиз таълимнинг барча турлари (боғча, мактаб, ОТМ, малака ошириш)

професcор-ўқитувчилари билан ҳамкорликда олиб бориш мақсадга мувофиқ бўлади деб ҳисоблаймиз.

Инновацион жараёнларни ташкил этиш замонавий педагогик технологияларни излаш ва татбиқ этиш муаммоларини вужудга келтиради ва булар ўқувчи ва ўқитувчи муносабатларига асосланади, бу муносабатлар шахснинг қизиқишлари, қобилиятлари ва сифатларини англашга йўналтирилган умумий ривожланиш шартларини белгиловчи асослар ҳисобланади.

Инновацияларни татбиқ этишни натижавийлигини текшириш уларнинг самарадорлигини баҳолаш масалаларини ҳал этишни талаб этади ва бунга қуйидагилар мисол бўлади:

– педагогик жамоанинг касбий маҳоратини ўсиши;

– жамоада ижтимоий-психологик муҳитнинг мустаҳкам ва ижобий хусусиятлари;

– таълим ва тарбия жараёнини янгилашга жамоанинг тайёргарлиги;

– жамоанинг илмий ва илмий-методик салоҳиятини оширишга мойиллиги;

– педагоглар ўртасида ахборотлар алмашинуви сифатини ўсиши;

– ўқувчиларни таълим тизимининг турли босқичларида ўқишни давом эттиришлари учун тайёрлаш сифати.

Мустаҳил шахсни шакллантириш жараёни узоқ ва мураккаб бўлиб, бир томондан, барча давлат тузилмалари ҳамда ижтимоий ташкилотларнинг ва айниқса, таълим тизими мазмунининг такомиллашишини, иккинчи томондан эса, бевосита ушбу масалани амалга оширишни таъминловчи ягона тарбия тизимини яратиш лозимлигини тақозо этади.

Хулоса килиб айтганда, ёш авлоднинг жисмонан соғлом, ақлан етук ва маънан баркамол авлод бўлиб вояга етиши учун барча давлат органлари ва жамоат ташкилотлари, она-юрт келажагига бефарқ бўлмаган ҳар бир соғлом фикрли фуқаро масъулдир.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ишмухаммедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: Истеъдод, 2008. -180 б.

2. Каримова В. Психология. Ўқув қўлланма. – Т.: Халқ мероси, «ЎАЖБИТ маркази», 2002. – 205 б.

# УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМДА МУАММОЛИ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ АҲАМИЯТИ

***М.А.ИРГАШОВА,***
*ТДПУ катта ўқитувчиси*

*Мазкур мақолада узлуксиз таълим жараёнида муаммоли технологиянинг аҳамияти кўрсатилган. Ушбу технология асосида таълим сифатини ошириш йўллари ёритилган.*

***Таянч сўзлар:*** *талаба, ўқитувчи, олий таълим муассасаси, муаммоли таълим технологияси.*

*The article reveals issues related to the use of problematic technologies in the process of continuing education. The ways of improving the quality of education based on the use of this technology are shown.*

***Key words:*** *student, teacher, university, technology of problem education.*

*В статье раскрываются вопросы, связанные с использованием проблемных технологий в процессе непрерывного образования. Показаны пути повышения качества образования на основе использования данной технологии.*

***Ключевые слова:*** *студент, преподаватель, ВУЗ, технология проблемного образования.*

Узлуксиз таълим тизимида муаммоли таълим тушунчаси остида ўқув жараёнида ўқитувчи томонидан вужудга келтирилувчи муаммоли масалаларнинг ечимини топиш ва талабанинг фаол ижодий меҳнати тушунилади. Муаммоли вазиятларни ечимини топиш талабаларда мустақил фикр юритиш, иш жараёнида вужудга келувчи турли муаммоларни ечимини тез топиш қобилиятини ривожлантиради. Шунинг учун ҳам фан-техника тез ривожланаётган ва билимларимиз тез ўзгараётган бир даврда муаммоли таълим масаласи долзарб бўлиб бормоқда.

Асосан, ақлнинг уч тури ажратилади:

1. *Концептуал ақл*– ходисаларнинг мантиқий, математик, лингвистик масалаларини яхши ҳал қилиш имконини туғдиради.

2. *Эстетик ақл* – ходисаларнинг шаклини билишга интилиш, лекин ҳар доим ҳам уларнинг сабаблари билан қизиқмаслик.

3. *Ижтимоий ақл (социал)* – асосий диққат шахслараро муносабатларда жамланган бўлади, шунингдек, инсон тақдири, мақсадлар ва қадриятлар билан боғлиқ қарорларни қабул қилишда алоҳида ўрин эгаллайди.

Муаммоли таълим ҳам ана шу ақлнинг қай бирини ривожлантиришга қаратилганлиги билан бир-биридан фарқ қилиши мумкин. Лекин таълим жараёнида биз кўпинча концептуал ақлни ривожлантиришга интиламиз. Бу борада кўплаб педагогик технологиялар ишлаб чиқилган, аммо ижтимоий ақлни ривожлантиришга жуда кам эътибор қаратилади. Агар ижтимоий ақл жамиятни ривожида жуда катта аҳамият касб этишини эсласак, бу кечириб бўлмас камчилик эканини англаб етамиз.

Узлуксиз таълим тизимида ҳозирги олий ўқув юртларида самарадор ўқитиш технологияси – *бу муаммоли ўқитишдир. Унинг вазифаси фаол билиш жараёнига ундаш ва тафаккурда илмий-тадқиқот услубини шакллантиришдир. Муаммоли ўқитиш ижодий, фаол шахс тарбияси мақсадларига мос келади. Муаммоли ўқитиш жараёнида талабанинг мустақиллиги ўқитишнинг репродуктив шаклларига нисбатан тобора ўсиб боради.*

Муаммоли ўқитишнинг моҳиятини ўҳитувчи томонидан талабаларнинг ўқув ишларида муаммоли вазиятни вужудга келтириш ва ўқув вазифаларини, муаммоларини ва саволларини ҳал қилиш орқали янги билимларни ўзлаштириш бўйича уларнинг билиш фаолиятини бошқариш ташкил этади. Бу эса билимларни ўзлаштиришнинг илмий-тадқиқот усулини юзага келтиради.Маълумки, ўқитишнинг ҳар қандай асосида инсон фаолиятининг муайян қонуниятлари, шахс ривожи ва улар негизида шаклланган педагогик фаннинг тамойиллари ва қоидалари ётади. Инсоннинг билиш фаолияти жараёни мантиқий билиш зиддиятларини ҳал қилищда объектив қонуниятлари дидактик тамойил – муаммолиликка таянади.

Ўқитишнинг ҳозирги жараёни таҳлили психолог ва педагогларнинг фикрлаш бу муаммоли вазият, кутилмаган хайрат ва маҳлиё бўлишдан бошланади, деган хулосалари ҳақиқатга яқин эканлигини кўрсатади. Ўқитиш шароитида инсоннинг ўша психик, эмоционал ва ҳиссий ҳолати унга фикрлаш ва ақлий изланиш учун ўзига хос туртки вазифасини бажаради. Узлуксиз таълим тизимида муаммоли вазият муайян педагогик воситаларда мақсадга мувофиқ ташкил этиладиган ўзига хос ўқитиш шароитида юзага келади.

Узлуксиз таълим тизимида муаммоли вазият ҳар қандай фикрлаш машаққатларидан фарқ қилиб, унда талаба машаққат талаб қилган объект (тушунча, факт)нинг унга аввал ва айни вақтда маълум бўлган вазифа,

масала буйича ички, яширин алоқаларини англаб етади. Шундай қилиб, муаммоли вазиятнингмоҳияти шуки, у талаба таниш бўлган маълумотлар ва янги фактлар, ҳодисалар, қайсики, уларни тушуниш ва тушунтириш учун аввалги билимлар камлик қилади, ўртасидаги зиддият вужудга келади. Бу зиддият билимларни ижодий ўзлаштириш учун ҳаракатлантирувчи кучдир.

Узлуксиз таълим тизимида муаммоли вазиятдан чиқа олиш ҳамма вақт муаммони, яъни нима номаълум эканлигини, унинг нутқий ифодаси ва ечимини англаш билан боғланган. Муаммоли вазиятнинг фикрий таҳлил қиладиган булсак, у авваломбор, талабаларнинг мустақил ақлий фаолиятидир. У талабани интеллектуал машаққат келтириб чиқарган сабабларни тушунишга, унга кириши, муаммони сўз билан ифодалаш, яъни фаол фикр юритишни белгилашга олиб келади. Бу ўринда изчиллик ёрқин кўринади: муаммоли вазият юзага келади, сўнг ўқув муаммоси шаклланади.

Муаммо уч таркибий қисмдан иборат:

* маълум ёки берилган вазифа асосида;

* номаълум ёки уларни топиш янги билимларни шакллантиришга олиб келади;

* аввалги билимлар ёки талабалар тажрибаси.

Улар номаълумни топишга йўналган қидирув ишларини амалга ошириш учун зарурдир. Аввало, талабага номаълум бўлган ўқув муаммоси вазифаси белгиланади ва бунда унинг бажарилиш усуллари ҳамда натижаси ҳам номаълум бўлади, лекин талабалар ўзларидаги аввал эгалланган билим ва кўникмаларга асосланиб туриб кутилган натижа ёки ечилиш йўлини излашга тушади. Шундай қилиб, талабалар биладиган вазифа ва уни мустақил ҳал қилиниш усули ўқув муаммоси бўла олмайди, иккинчидан, бирор вазифанинг ечилиш усулларини ва уни излаш воситаларини билишмаса ҳам ўқув муаммоси бўла олмайди.

Ўқув муаммосини ечиш жараёнида талабалар ақлий фаолиятининг муҳим босқичи унинг ечилиш усулини ўйлаб топиш ёки фараз қўйиш ҳамда фаразни асослашдир. Ўқув муаммоси муаммоли саволлар билан изчил ривожлантириб бориладива бунда ҳар бир савол унинг ҳал қилинишида бир босқич бўлиб хизмат қилади. Муаммонинг таркибий қисмлари, маълум ва номаълумнинг ўзаро муносабати характери билимга бўлган эҳтиёжни келтириб чиқаради ва фаол билишга бўлган изланишга ундайди.

Узлуксиз таълим тизимида муаммоли ўқитиш машғулотларини ташкил этиш ва ўтказишнинг муҳим томони шундаки, бунда ўқитувчи унинг ҳам таълимий, ҳам тарбиявий функциясини яхши англаб олган бўлиши талаб қилинади. Ўқитувчи ҳеч қачон талабаларга тайёр ҳақиқатни ёки ечимни бериши керак эмас, балки уларга билимларни олишга туртки бериши, машғулотларда ва ҳаёт фаолиятларида зарур бўлган ахборот, воқеа, вақт ва ҳодисаларни онгида кайта ишлашларига ёрдам бериши лозим бўлади.

Муаммоли ўқитиш билимларни онгли ва мустаҳкам ўзлаштириш, атроф-муҳитга ўзининг фаол муносабатини белгилаб олишда талабалар билиш фаолиятини жонлантиришда катта имкониятларга эга. Муаммоли ўқитишда ўқитувчи талабаларнинг билиш фаолиятини ташкил этади, шундагина талабалар фанларни таҳлил қилиш асосида мустақил равишда интеллектуал машаққатларни ҳал қилиш, хулоса чиқариш ва умумлаштириш, қонуниятларни шакллантириш, қўлга киритилган билимларни янги вазиятга татбиқ этишга интилади.

Шундай қилиб, муаммоли ўқитишнинг вазифаси талабалар томонидан билимлар тизими ва ақлий ҳамда амалий фаолиятлари усулларини самарали ўзлаштиришга ҳамкорлик қилиш, уларда янги вазиятда олинган билимларни ижодий қўллаш малакасини ҳосил қилиш, билиш мустақиллиги ўқув ва тарбия муаммоларини ҳал қилишдир.

**Фойдаланилган адабиётлар:**


1. Омонов Х., Хўжаев Н., Мадьярова С., Эшчанов Е. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. – Т.: Иқтисод-молия, 2009.

2. Педагогика назарияси / Тузувчилар: Ж.Ю.Хасанбоев, М.Усмонбоева. – Т.: ИДПУ, 2002.

3. Тохтаходжаева М.Х. Педагогика назарияси: Дарслик. – Т.: Ўзбекистон файласуфлар миллий жамияти, 2010.

4. Азизходжаева Н.Н. Ўқув жараёнининг самарадорлигини оширишда педагогик технологиялар. –Т., 2007.

5. Кудрявцев П.О. Проблемное обучение: истоки и сущность. – М.: Знание, 1991.

6. Юдин В.В. Педагогическая технология. – Ярославль, 1997.

# ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ЎҚУВЧИ-ЁШЛАР ТАРБИЯСИДА ҲУҚУҚИЙ БИЛИМ ВА МАДАНИЯТНИ УЗЛУКСИЗ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

***Н.Ж.ТОШЕВА,***
*НавДПИ ўқитувчиси*

*Мақолада таълим жараёнида ёшларнинг ҳуқуқий тарбияси ва ҳуқуқий маданиятини шакллантириш ва уни ривожлантиришнинг асосий вазифа ва омилларга тўхталиб ўтилган. Ҳуқуқий маданиятни ривожлантиришда қўлланиши зарур бўлган воситалар келтирилган*

***Таянч сўзлар**: ҳуқуқий тарбия, ҳуқуқий тарбия шакллари, ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий тарғибот ва ташвиқот.*

*Статья посвящена проблеме формирования правовой культуры высокодуховной молодежи в системе нерерывного образования.*

***Ключевые слова** и понятия: правовая культура, молодёжь, система народного образования, духовность.*

*The article discusses about development of legal culture in education system of high spiritual youth.*

***Key words**: legal culture, the youth, national education system, spirituality.*

Республикамиз мустақилликка эришган кундан бошлаб, ҳуқуқий билим, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга муҳим аҳамият қаратила бошлади.

Ёшларга ҳуқуқий таълим беришдан асосий мақсад ҳар бир шахснинг ҳуқуқий маданиятини ўзлаштиришига эришишдан иборат. Ҳуқуқий маданиятга эга бўлиш шахс, жамият ва давлат ривожланишининг ўзига хос хусусиятидир. Шахснинг жамиятда ўрнатилган тартиб-қоидага бўйсиниши, қонунларга риоя қилиши унинг ҳуқуқий маданиятини билдиради.

Ҳуқуқий таълим-тарбияга эътибор кучайган сари ушбу билимларни чуқурлаштириш йўлидаги изланишлар мунтазам равишда амалга оширилиб бориши ҳам давр талабидир.

Бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисининг 60 фоизидан ортиқини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этмоқда. Бу миқдор бошқа мамлакатлар кўрсаткичларидан икки ярим баробар кўпдир. Ўзбекистон аҳолисининг 40 фоизи эса 18 ёшгача бўлган ёшлардир 3. Мамлакатимизда ёшларга, уларнинг тараққиёт фаолиятларига эътиборнинг ор-

тиб бораётганлиги сабабли, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан 2000 йил «Соғлом авлод йили», 2008 йил «Ёшлар йили», 2010 йил «Баркамол авлод йили», 2014 йил «Соғлом бола йили», 2016 йил »Соғлом она ва бола йили» деб эълон қилинди. Бугунги кунда барпо этилаётган фуқаролик жамиятининг бунёдкорлари ҳуқуқий маданиятли бўлишлари лозим, бунинг учун ҳуқуқий билимли бўлиш керак, албатта. Чунки, ҳуқуқий билимга эга бўлган ва уларни хулқ-атворида намоён қиладиган шахсгина ҳуқуқий маданиятли ҳисобланади.

Ҳуқуқий тарбиянинг асосий мақсад ва вазифалари Конституцияни, давлат ҳақидаги таълимотни, чунончи, фуқаролик, оила, меҳнат, хўжалик, маъмурий, нафақа, суд ишларини юритиш ва бошқариш ҳуқуқларининг маъносини тушунтиришдан, болаларни давлат қонунларини юксак даражада ҳурмат қилиш, уларга сўзсиз риоя этиш, адлиявий билимларни эгаллашга эҳтиёж сезиш, тартиб ва интизомни бузувчиларга нисбатан муросасизлик руҳида тарбиялашдан иборатдир. *Ҳуқуқий тарбия* бу - инсоннинг жамиятдаги ўрни, ҳатти - ҳаракати, фаолиятини танлашда йўл - йўриқ кўрсатади. Барча миллатлар сингари ўзбеклар ҳам азалдан ҳуқуқий маданиятга эга.

Ҳуқуқий маданиятлилик нафақат ўз ҳақ-ҳуқуқларини билиш, уни англаб етиш, балки эл-юртга фидойилик, ҳалоллик, ўзгалар ҳуқуқини ҳурмат қилиш, Ватанга садоқат ва эзгу ишларни ҳаётий тамойилга айлантириб олинганлигини ҳам билдиради. Ҳуқуқий маданиятга эга бўлишда ҳуқуқий онгнинг ўрни муҳимдир. Ҳуқуқий онг – ижтимоий онг шаклларидан биридир, яъни бу кишиларнинг ҳуқуқ, қонунга бўлган муносабатларини ифодалайдиган қарашлари, ғоялари йиғиндисидир. Демак, инсон адолатни ҳис этиши, жиноят ва ғайриқонуний қилмишларга нафрат билан қараши лозим.

Ҳуқуқий маданият нималардан ташкил топган? Ҳар қандай уй каби ҳуқуқий маданият биноси ҳам пойдеворга таянади. Ҳуқуқий маданиятнинг пойдеворига қуйидагилар киради:

– ахлоқий-маънавий қарашлар;

– эътиқод-ишончлар.

Ёшларда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш учун қуйидаги манбалардан фойдаланиш жуда катта самара беради. Булар:

– буюк алломаларнинг ўгитлари, ғоялари ва асарлари;

– Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари;

– Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари, нутқлари ва

маърузалари;

– Ўзбекистон Республикаси ратификация қилган халқаро конвенциялар;

– фанларга оид дарсликлар, адабиётлар.

Бугунги кунда тарбиянинг барча шакл ва усулларидан фойдаланиш муҳим. Зеро, ҳуқуқий онгнинг мувофиқлаштирувчилик вазифасини амалга ошириш механизмида ҳуқуқий мулоқотнинг иштирокчиси ҳисобланган субъектнинг онглилиги муҳим аҳамиятга эга. Бинобарин, ҳуқуқий тарбия доирасига тортилган ҳар бир шахснинг умумий маданияти, яъни унинг сиёсий, ахлоқий, диний, илмий, фалсафий ва ҳ.к. салоҳияти инобатга олинган ҳолда олиб борилганда, мазкур фаолият анча самарали бўлади.

Ҳуқуқий тарғибот ва ташвиқотдан фарқли ўлароқ ҳуқуқий таълим ўқувчилар ва ўқитувчиларнинг биргаликдаги фаолиятини ташкил этиб, унда таълим олувчиларнинг ҳуқуқий билимларини ўзлаштириш, ҳосил қилиш улардан фойдаланиш малакаларини ўқитувчи томонидан режалаштирилган тарзда олиб борилади. Ҳуқуқий тарбия шаклларига маъруза ўқиш, семинарлар, суҳбатлар ўтказиш ва шунга ўхшаш тадбирлар, усуллар тааллуқлидир.

Ҳуқуқий таълим муайян принциплар, қоидалар, дастурлар, яъни муайян босқичдаги жамият ривожланиши объектив қонуниятларини тўла акс эттирадиган муҳим ғояларга, назарий ҳулосаларга асосланади. Мазкур принциплар зарурий назарий замин сифатида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг ҳуқуқий маданиятини ошириш ва тарбиялаш, улар маданиятининг долзарб муаммоларини тадқиқ этишнинг муҳим жиҳатларидан биридир.

Бизнинг фикримизча, ёшларимизда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш учун қуйидагиларга алоҳида эътибор ҳаратилиши лозимдир:

– қонун устуворлигини англаш, мамлакатимизда қабул қилинаётган қатор қонунлар, фармонлар ва қарорларни мунтазам ўрганиб бориш;

– Конституция ва мавжуд қонунлар билан яқиндан танишиб бориш;

– ҳуқуқий газета ва журналларни мунтазам ўқиб бориш;

– маҳаллаларда ўтказиладиган тадбирларда иштирок этиш;

– телевидение ва радио орқали ҳуқуққа оид кўрсатув ва эшиттиришларни кузатиб бориш.

Ҳуқуқий маданиятсизлик ҳуқуқбузарликка олиб келади, бу ҳаётий

амалиётларда ўз исботига эга. Ўқувчи ва талабалар онгида ҳуқуқий таълим-тарбия узлуксиз амалга оширишни ташкил этишда ўқитувчи қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиши лозим: қуйидаги вазифалар ҳал этилади:

– ўқувчиларга ҳуқуқий меъёрлар, қонунлар ва ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар моҳияти ҳамда уларнинг ижтимоий ҳаётдаги аҳамияти тўғрисида маълумотлар бериш;

– ўқувчиларда ҳуқуқий билимларни эгаллашга бўлган эҳтиёжни юзага келтириш, ҳуқуқий онгни қарор топтиришга эришиш;

– ўқувчиларда ҳуқуқий фаолиятни ташкил этиш борасидаги кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш;

– уларда ижобий мазмундаги ҳуқуқий сифатлар (ҳуқуқий тасаввур, ҳуқуқий идрок, ҳуқуқий тафаккур, ҳуқуқий саводхонлик, ҳуқуқий масъуллик, ҳуқуқий фаоллик, ҳуқуқий эътиқод ва ҳуқуқий салоҳият)-нинг қарор топишини таъминлаш.

Ҳуқуқий маданиятни мунтазам бойитиб бориш, изчил ҳуқуқий ишларни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади. Юртимизни ҳуқуқий жиҳатдан янада такомиллаштириш ва унинг тараққий топган мамлакатлар сафидан ўрин олишини мақсад қилар эканмиз, бунинг учун ҳуқуқий маданиятни мунтазам бойитиб боришга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишда ҳар биримиз фаол иштирок этишимиз лозим. Мамлакатимиз келажаги ёшлар қўлида. Ёшлар ҳар томонлама ривожланаётган ҳуқуқий демократик давлатимизнинг конституциявий ҳуқуқий асосларини шакллантиришда ўз ҳиссаларини қўшадилар, деб ишонамиз.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2014.

2. С.Тўраева, З.Шоимкулова. Таълим тизимида ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш усуллари // Таълим технологиялари. Т.: 2016, № 4. 3-9 бетлар.

3. Зуннунов А., Жўраев Р. Ўқувчиларни инсонпарварлик руҳида тарбиялашнинг педагогик асослари. – Т.: »Шарқ», 2008.

# УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ФИЗИКАНИНГ «ТЎЛҚИН ҲОДИСАЛАРИ» БЎЛИМИНИ ЎРГАНИШДА ИННОВАЦИОН МЕТОДЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

**Ш.А. БАБАЕВ,**
ТДПУ мустақил тадқиқотчиси
**Э.Б.ШОБДАРОВ,**
ЎзМУ талабаси

*Ушбу мақолада Crocodile Physics муҳитида физик жараёнларни моделлаштиришнинг имкониятлари келтирилган бўлиб, анъанавий ўқитишдан фарқ қиладиган, янги таклиф ҳилинган услуб келтирилади. Шунингдек, физика машғулотларидан янги турдаги топшириқларни яъни, «Физик модель билан танишув топшириғи», «Компьютерда виртуал тажриба ўтказиш топшириғи», «Экспериментал масалалар ечиш топшириғи», «Тадқиқот олиб бориш топшириғи» ва «Ижодий топшириқ» имкониятлари мавжуд*

***Таянч сўзлар:*** *Редукцион тадқиқот,маделлаштириш, компьютерли эксперимент, алгоритм, виртуал тажриба, ижодий фаолият, назарий материал, лаборатория ишлари, назарий ва экспериментал масала.*

*In the article reduction the method of modeling physics process in sphere Crocodile Physics that is «Assignment on contacting with physical modeling», «Assignment on reduction computer experiments», «Assignment on solution experimental sum», «Assignment on reduction research» and «Assignment on scientific work».*

***Key words:*** *Reductional research, modeling, computer experiment, algorithm, virtual experiment, creative activity, theoretical material, laboratory works, theoretical and experimental problem.*

*В статье изложено метод моделирования физических процессов в сфере Crocodile Physics, которая состоит из «Назначение в контакте с физическим моделирование», «Назначение в редукционных компьютерныи эксперимента», «Назначение на экспериментальной сумме решения», «Назначение в редукционное исследование» и «Назначение на научной работе».*

***Ключевые слова:*** *редукционное исследование, моделирование, компьютерныи эксперимент, алгоритм, виртуальный эксперимент, творческая деятельность, теоретический материал, лабораторные работы, теоретическая и экспериментальные задачи.*

Ечиш алгоритми мавжуд бўлган физикавий масалалар моҳиятини ўрганишда мос математик модел қўлланилиши мумкин. Агарда, аниқ ифодаланилиши қийин бўлган масалаларни ўрганишга тўғри келса, бунда қисман формаллаштириш йўли билан ва тажриба таҳлилида олин-

ган миқдорлар орқали ечим қидирилиши мумкин. Бу турдаги масалаларни ечишда Crocodile Physics дастур пакетини тадбиқ қилиш қулайлик яратади, чунки бу дастур пакетида физик жараёнларни моделлаштириш учун махсус дастурлаш тилини билиш талаб қилинмайди. Ушбу мақолада Crocodile Physics муҳитида физик жараёнларни моделлаштиришнинг имкониятлари келтирилган бўлиб, анъанавий ўқитишдан фарқ қиладиган янги услуб келтирилган. Шунингдек, физика машғулотларидан янги турдаги топшириқларни яъни, «Физик модель билан танишув топшириғи», «Компьютерда виртуал тажриба ўтказиш топшириғи», «Экспериментал масалалар ечиш топшириғи», «Тадқиқот олиб бориш топшириғи» ва «Ижодий топшириқ» имкониятлари мавжуд.

Бу эса имконияти кенг дастур бўлгани учун, физик ҳодисаларни кузатиш, тажрибалар ўтказиш ва ҳар хил мураккаблик даражасидаги жараёнларни моделаштириш имкониятини беради. Бу дастур Crocodile Clips фирмаси томонида 1994 йилдан бери такомиллаштирилиб келинмоқда. Crocodile Physics дастуридан масала ечиш, виртуал лаборатория ишларини ва намойиш тажрибаларини ташкиллаштиришда кенг фойдаланса бўлади. Бу дастур таълим тизимида тўғри маънода инқилобий ўзгаришларга олиб келди. Ҳозирда дастурдан 35 тадан ортиқ ривожланган давлат таълим муассаларида кенг фойдаланиб келинмоқда. Дастур таркибидаги пакетлар “Ҳаракат ва кучлар”, “Тўлқин ҳодисалар”, “Электр ҳодисалар” ва “Оптика” бўлимлари билан ишлаб, физик жараёнларни чуқур ўрганиш имкониятини яратади [1].

Ўқувчиларнинг физикадан олаётган билим ва кўникмаларини ривожлантиришда физик жараёнларни моделлаштириш имкониятини берувчи дастурлардан фойдаланиб, дарс машғулотларини ўтказиш муҳим аҳамиятга эгадир. Таълим технологияларни шартли равишда анъанавий ва ноанъанавий турга ажратиш мумкин. Физика фанининг анъанавий ўрганиш методи, назарий маълумот бериш, масала ечиш ва лаборатория ишларини бажариш кетма–кетлигидан иборатдир. Бу методда ўқувчи назарий материални ўрганиб чиқиб, ўрганган назарий билимдан кўникма ва малака ҳосил қилиб, уларни мустаҳкамлаш учун масала ечади ва лаборатория ишларини бажаради. Бунда ўқувчи назарий ва амалий билимга эга бўлади. Физика фанининг анъанавий ўрганиш схемаси қуйида келтирилган:

Анъанавий таълим технологияси, демонстрация, кўргазма қуроллари - муайян муддатга мўлжалланган, таълим жараёни кўпроқ ўқитувчи шахсига қаратилган бўлиб, ўқитишнинг анъанавий шакли, ме-

тод ва таълим воситаларининг мажмуидан фойдаланиб таълим-тарбия мақсадига эришишдир. Бунда ўқитувчининг имкониятлари ва берилган ўқув соатида ўтилиши мумкин бўлган маърузалар доираси чегараланган бўлиб, кисқа вақтда ўқувчиларга тушунарли ва кенг ёритиб бериш имконига эга эмас.

Ноанъанавий таълим технологияси - муайян муддатга мўлжалланган, таълим жараёни марказида турувчи "шахс" бўлиб, ўқитишнинг замонавий шакли, фаол ўқитиш методлари ва замонавий дидактик воситаларнинг мажмуини таълим-тарбия ишидан кўзланган мақсад ва кафолатланган натижага эришишга йўналтиради. Ноанъанавий таълим технологияси анъанавий таълим технологиясидан фарқ қилиб, ўқувчиларнинг билиш имкониятларини ривожланишига кенг шароит яратади. Бунда ўқувчиларнинг мустақил ишлашларига алоҳида эътибор берилиб, билиш фаолиятлари изланувчан, ижодий характерга эга бўлиб, дарс тузилмаси ўзгарувчан бўлади.

Таълим самарасини ошириш учун физикани ноанъанавий турдаги ўқитишнинг инновацион методларидан фойдаланиб, физик жараёнларни компьютерда моделлаштириб ўқитиш мақсадга мувофиқдир. Моделлаштириш жараёнида қуйидаги топшириқларга эътибор қаратиш зарурдир:

– *Физик модель билан танишув:* Бу топшириқда ўқувчи ўрганиладиган физик жараённи белгиланган муҳитда яратилган модели билан танишиб чиқади.

– *Компьютерда тажриба ўтказиш:* Бу топшириқда ўқувчи белгиланган муҳитда яратилган физик жараён моделига тегишли (олдиндан берилган) оддий тажрибаларни ўтказади ва ҳисоблашларни бажаради. Бажарилган тажрибадан келиб чиққан натижалар асосида тегишли назорат саволларига жавоб беради.

– *Экспериментал масалалар ечиш:* Компьютер моделидан фойдаланилмаган ҳолда, ўқувчига бир нечта экпериментал масала ечиш топшириқи берилади. Ўқувчи масалани аналитик равишда ечиб, жавобини белгиланган муҳитда яратилган физик жараён моделини ишга туширган ҳолда, масалани тўғри ёки нотўғри ечганини текширади ва хулоса қилади.

1) Тадқиқот олиб бориш: Ўқувчига бирор физик қонуниятни текшириш учун бир нечта компьютер экспериментларини режалаштириб, белгиланган муҳитда бу экспериментларнинг моделини яратади ва тегишли хулосалар чиқаради.

2) Ижодий топшириқ. Бу турдаги машғулотларда ўқувчи мустақил равишда масала шартини тузади, аналитик ечади ва сўнгра белгиланган муҳитда ўзи тузган масалани моделлаштиради.

Юқорида келтирилган топшириқлар ўқувчида физик жараёнларни моделлаштиришни, ўқув материалини яхши тушунган ҳолда ўзлаштиришни ва ижодий фикрлашни шакллантиради. Масалан: «Газларда тўлқин тарқалиш намойишини ўрганиш» мавзусида жараёнларни моделлаштириш топшириқлари қуйидагича бўлиши мумкин:

*Назарий қисм.* маълумки Эластик муҳитда тарқалувчи, инсон қулоғига товуш сезгисини уйғотувчи механик тўлқинлар *товуш тўлқинлар* дейилади. Тебранувчи жисм товуш тўлқинининг манбаи ҳисобланади. Газларда фақат бўйлама тўлқинлар тарқалади. Кўндаланг тўлқинда дўнглик ва чуқурликлар ҳосил бўлса, бўйлама тўлқинда зичлашиш ва сийраклашиш соҳалари пайдо бўлади. Кўндаланг тўлқин узунлиги формуласи бўйлама тўлқин учун ҳам ўринлидир. Тўлқинлар бир муҳитнинг тебранаётган зарралар энергиясини бошқа муҳитдаги зарраларга узатади. Вакуумда товуш юзага келмайди, чунки бу ҳолда тебранишни узатувчи эластик муҳит мавжуд эмас. Одам қулоғининг товушни сезишга ҳодирлиги 16÷20000 Гц оралиқини ташкил ташкил этади[2].

– *Модель билан танишув:* Бунда ўқувчи газнинг сиқилиш модули, зичлиги ва частотасининг тўлқин тарқалиш тезлигига ва тўлқин узунлигига боғлиқлигини кузатиш мумкин эканлиги билан танишади.

– *Компьютерда тажриба ўтказиш:* Бу турдаги топшириқда ўқувчи, газнинг сиқилиш модули(*B*), газнинг зичлиги($\rho$) *ва* частота($f$)ни, энг кичик(*min*) ёки энг катта(*max*) ҳолатда белгилаб, дастурни фаоллаштириш натижасида юқоридаги параметрларни тўлқин тарқалиш тезлиги($\upsilon$) ва тўлқин узунлиги($\lambda$)га боғлиқлигини аниклаш буйича тажрибаларни ўтказади ва ҳисоблашларни бажаради. Бажарилган тажрибадан келиб чиққан натижалар асосида тегишли назорат саволларига жавоб беради.

– *Экспериментал масалалар ечиш:* Компьютер моделидан фойдаланмаган ҳолда ўқувчи газнинг сиқилиш модули, газнинг зичлиги *ва* частотанинг ўрнига ихтиёрий қийматлар олиб, тўлқин тарқалиш тезлиги ва тўлқин узунлигини аниқлайди. Шунга ўхшаш бир нечта экпериментал масала ечиш топшириқни бажаради. Масала аналитик равишда ечилганидан сўнг, ўқувчи ечган масаласининг жавобини белгиланган муҳитда яратилган физик жараён моделини фаоллаштириш натижасида, юқоридаги параметрларни тўғри ёки нотўғри хисоблаганини

текширади.

– *Тадқиқот олиб бориш:* Ўқувчи бирор физик қонуниятни текшириш учун бир неча компьютер экспериментларини режалаштириб, белгиланган (масалан: *Crocodile Physics*) муҳитда бу экспериментларнинг моделини яратади ва тегишли хулосалар чиқаради. Масалан: Қаттиқ жисмда бўйлама тўлқинларнинг тарқалишини намойиш килиш.

– *Ижодий топшириқ.* Бу турдаги машғулотларда ўқувчи мустақил равишда масала шартини тузиб, уни аналитик ечади ва сўнгра белгиланган (масалан, *Crocodile Physics*) муҳитда ўзи тузган масалани моделлаштиради. Унда қаттиқ жисмнинг зичлиги, Юнг модули ва частотанинг ихтиёрий қийматлари орқали масала шартини тузиб, уни аналитик ечади ва белгиланган қийматларда дастурни фаоллаштириш натижасида, натижаларни таққослайди ва хулоса чиқаради.

Бу дастур пакетида ўқувчи ўзини гўё физик жараённинг иштирокчисидек ҳис қилади. Физик жараённи ўрганиш, албатта, маълум бир физик модель, яъни мазкур жараённинг реаллаштирилган, соддалаштирилган образи асосида олиб борилади. Реал физик жараёнинг иммитацион компьютер моделини яратишда маълум бир физик модель асос қилиб олинади. Жараённинг компьютер моделини яратишда физик моделнинг энг муҳим элементларини унда максимал акс этирилишига эришиш муҳим ҳисобланади. Компьютер технологияларидан фойдаланиб ўз устида ишлаш ўқувчида таълимни индивидуаллаштиради, турли масалаларни ҳал қилиш ва ечишда мустақил фикрлашни шакллантиради ва қуйидаги эффектив натижаларни беради:

– ўқитишнинг илмийлиги ва билим даражасини оширади;

– ўқувчиларнинг мантиқий фикрлаш ва қобилиятлари ортиради;

– ўқувчиларнинг физикани ўрганишга бўлган қизиқишларини кучайтиради.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Қосимов А. Х., Каримова Ш. А. Фан ва таълимда ахборот-коммуникация технологиялари. – Тошкент: III том. 2006 й, 332 б.

2. Абдурахмонов Қ. П., Ҳамидов В. С. Замонавий ахборот технологиялари таълим тизимида. ЎзМУ «Физика» факультетининг 50 йиллигига бағишланган илмий-амалий конференция. - Тошкент: 2009 й. 290 б.

# НЕПРЕРЫВНОСТЬ ОБРАЗОВАНИЯ КАК УСЛОВИЕ УСПЕШНОЙ ИНВЕСТИЦИИ В БУДУЩЕЕ

***М.У.ЖУРАЕВА,***
*доцент ТИИИМСХ*
***Д.У. ДЖУРАЕВ,***
*профессор УзГУМЯ, д.п.н.,*

*В статье поднимается вопрос о важности государственных инвестиций в образование. Анализируется значение непрерывности образования в обеспечении стабильности в регионе. Подчеркивается, что в образовательной политике Узбекистана особое внимание уделяется непрерывности образования, провозглашаемой основой жизненного успеха личности, благосостояния нации и конкурентоспособности. И приводятся примеры того, что целью непрерывного образования в первую очередь является развитие рефлексии личности в любой из периодов жизни и в общественно полезном функционировании.*
***Ключевые слова:*** *непрерывность, конкурентоспособность, благосостояние, развитие, стабильность, инвестиция, личность, общество.*

*Мақолада таълим тизимига сармоя киритишнинг давлат ва жамият ҳаётидаги аҳамияти, халқнинг фаровон ҳаёт кечириши йўлидаги асосий омил эканлиги масаласи кўтарилади. Бунда узлуксиз таълим тизимининг ҳар бир фуқаро ҳаётидаги аҳамияти ва унга эришиш йўллари муҳимлиги таҳлил қилинади. Ўзбекистон узлуксиз таълим тизимининг рақобатбардош кадрлар тайёрлаш билан бир қаторда комил инсон тарбиясидаги аҳамияти ва тажрибаси таҳлил қилинади.*
***Таянч сўзлар:*** *узлуксизлик, рақобатбардош, фаровонлик, тараққиёт, барқарор, сармоя, шахс, жамият, тизим, комил, халқ, тарбия, таълим.*

*The following article deals with the issues of the importance of public investment in education with the analysis of significance of systematic education in ensuring stability in the region. In addition, it highlights that the education policy of Uzbekistan pays the significant attention to systematic education as a successful development of an individual, welfare of the nation and stability to competitiveness. Moreover, the article presents the real-life examples that the prior goal of systematic education is the development of self-reflection in any period of life and the positive functioning in the society.*
***Key words:*** *continuity, competitiveness, welfare, development, stability, investment, personality, society.*

Одним из важных направлений в образовательной политике Узбекистана выступает непрерывность образования, провозглашаемая основой жизненного успеха личности, благосостояния нации и конкурентоспособности. При этом система непрерывного образования обеспечивает три глав-

ных условия, среди которых преемственность образовательных стандартов и программ различных уровней общего и профессионального образования; возможность временного прекращения и возобновления обучения, изменения его формы, выбора индивидуальной образовательной траектории, повышение квалификации, переподготовка с целью поддержания как высокого уровня общего образования, так и профессиональной конкурентоспособности, соответствия запросам рынка труда; отсутствие тупиковых образовательных программ, учебных заведений, направлений и видов образования, не дающих возможности для продолжения обучения.

В докладе Всемирного банка «Изменение уровня благосостояния наций» отмечается, что именно человеческий капитал, т. е. совокупность знаний, талантов, навыков и способностей людей, составляет основное богатство страны. Так, благосостояние развитых стран обеспечивается человеческим капиталом на 68%, а в развивающихся странах — только на 41%. Инвестиции в образование и развитие человеческого капитала могут существенно улучшить благосостояние стран Центральной Азии [1].

Дети до 5 лет, не получающие полноценного питания, отстающие в росте, лишенные достаточного родительского внимания и стимулов к развитию, скорее всего, будут хуже учиться в школе и меньше зарабатывать, когда повзрослеют. То есть, дети из бедных семей так и не получат возможности вырваться из порочного круга бедности. Поэтому ранние инвестиции в молодое поколение имеют огромное значение для развития умственных способностей и навыков человека и развития высокого человеческого капитала.

Исследования показывают, что каждый дополнительный доллар, вложенный в повышение качества питания и уровня дошкольных программ, принесет национальной экономике от 6 до 17 долларов в будущем. Именно поэтому инвестиции в первые годы жизни ребенка — это самые экономически эффективные капиталовложения со стороны государства [1].

Непрерывное образование – одна из ведущих концепций современной педагогики. Главной целью системы непрерывного образования является целостное развитие личности, а ее ведущие признаки – непрерывность, поступательность, интегративность, преемственность. По мнению некоторых педагогов сегодня неактуально положение о том, что «образование дается на всю жизнь», сегодня актуально положение «образование через всю жизнь». В этой связи на современном этапе задачу непрерывного образования мы видим в том, чтобы, с одной стороны, пробудить в каждом педагоге желание овладеть способами осознания и осмысления своего внутреннего мира, способами формирования образа «я» как личности и как професси-

онала, с другой стороны, развить способности субъекта (личности) адекватно обучаться, действовать и адекватно воспринимать действительность, прежде всего общественные, материальные, духовно-культурные отношения.

Следовательно, непрерывное образование представляет собой явление образования, всеохватывающее по полноте, индивидуализированное по времени, темпам и направленности, предоставляющее каждому возможности реализации собственных программ; целостная педагогическая система, включающая все многообразие средств, способов, форм приобретения и расширения общего образования, профессиональной компетентности, культуры, становления гражданской и нравственной зрелости человека. При этом целью непрерывного образования является развитие рефлексии личности (т. е. осознанной общественной потребности в своей причастности и постоянном самосовершенствовании относительно выбранной профессии специальности) в любой из периодов жизни и в общественно полезном функционировании.

Цель непрерывного образования не в том, чтобы человека учить всю жизнь, а в том, чтобы он научился учиться самостоятельно в течение всей жизни [2: 162].

Непрерывное образование должно функционировать за счет: демократизации общественных отношений (предполагающей доступность, многообразие, гибкость, многоступенчатость образования); открытости современного общества (дающей человеку возможность реализовать свои потребности, способности, приближать поставленные цели); гуманизации современного образования (т. е. обращенности к человеку, его духовным запросам, интересам, устремлениям, желаниям). Следовательно, основой для теоретического, а затем и практического развития концепции непрерывного образования явилось исследование Р. Даве, который определил 25 признаков, характеризующих непрерывное образование.

Содержание образования имеет особое значение, поскольку через него социальные цели трансформируются в педагогические, в целом обеспечивающие подготовку специалистов высокого уровня образованности, воспитанности, квалификации, профессиональной мобильности, обусловливающие процессы социализации и профессионализации личности. В условиях осуществления непрерывного образования каждой личности предоставляются равные возможности для реализации собственной программы получения образования (индивидуальная траектория обучения), представляющей собой результат реализации личностного потенциала студента в образовании через осуществление соответствующих видов деятельности.

В этой связи непрерывным может считаться образование, предоставляю-

щее каждой личности возможности реализации собственной программы обучения. Формирование многоуровневого профессионального образования привело к созданию учебных заведений с разной организацией профессиональной подготовки, интегрирующих образовательные программы различных систем профессионального образования: начального, среднего и высшего. Как показали исследования, в настоящее время в стране расширяется сеть образовательных учреждений, в которых создаются условия для перехода к разно уровневым, многоступенчатым, преемственным и вариативным образовательным программам. При этом каждое из приведенных понятий имеет свой смысл, поскольку задачей любого учебного заведения начального, среднего и высшего профессионального образования выступает создание условий, способствующих самореализации личности обучаемого.

Многочисленные исследования показывают, что самый важный фактор, определяющий результаты обучения, — это качество профессиональной подготовки учителей. Например, в США посчитали, что замена учителя низкой квалификации на учителя квалификации среднего уровня приведет к повышению будущих доходов учащегося на 250 тысяч долларов в течение его жизни [1].

Опыт разных стран свидетельствуют о том, что стандарты образования можно существенно улучшить, если «образование для всех» становится национальным приоритетом. Один из таких примеров — Южная Корея. Из страны, разоренной войной, с крайне низким уровнем грамотности в 1950-х годах, к 1995 году Южная Корея превратилась в государство со всеобщим доступом к высококачественному среднему образованию. Сегодня корейская молодежь демонстрирует самые высокие показатели в международных системах оценки качества образования [1].

Развитие робототехники, беспилотного транспорта, искусственного интеллекта меняют нашу жизнь и характер работы. Некоторые профессии будут постепенно исчезать, но появятся другие, включая новые и еще не существующие. Единственное, в чем нет сомнений, — это то, что залогом успеха в новых реалиях станет именно образование.

**Литература:**

1. Бурунчук Л. Доклад регионального директора Всемирного банка на тему: «Инвестиции в будущее» в «Газета.uz», 2017.

2. Бухарова Г.Д. Системы образования: уч. пособ. – Ростов н/д: Феникс, 2008. – 475 с.

3. Гершунский Б.С. Философия образования. – М.: Московский психолого-социальный институт, Флинта, 1998. – 432 с.

# ОСНОВНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ УЧЕБНОГО ПРОЦЕССА НА ЗАНЯТИЯХ ПО АНГЛИЙСКОМУ ЯЗЫКУ В НЕЯЗЫКОВЫХ ВУЗАХ

**Н.АБДУЛЛАЕВА,**
преподаватель Андижанского филиала ТГАУ

*В статье раскрывается комплекс мер, разработанных на государственном уровне в сфере международных контактов по совершенствованию преподавания английского языка в системе непрерывного образования республики. Рассматриваются возможности сочетания коммуникативного и личностно-ориентированного подхода, определения наиболее эффективных педагогических технологий в целях достиженияболее высокого уровня владения английским языком будущими специалистами.*

***Ключевые слова:*** *реформы, концепция, проект, студенты, коммуникативная компетенция, педагогические технологии.*

*The article is about complex of measures, elaborated on the national level in the international contacts sphere on the improving of English teaching in the system of continual education in our country. Possibility of communicative and personal-oriented methods compatibility, identification the most effective pedagogical technologies for achievement of more high level knowledge of English by the future specialists are considered in the article.*

***Key words:*** *reforms, conception, project, students, communicative competence, pedagogical technologies.*

*Мақолада республиканинг узлуксиз таълим тизимида инглиз тили ўқитилишини такомиллаштириш бўйича халқаро муносабатлар соҳасида давлат миқёсида ишлаб чиқилган чора-тадбирлар ёритилган. Бўлажак мутахассисларнинг инглиз тили буйича билим даражасини юқори кўтариш мақсадида коммуникатив ва шахсга йўналтирилган усулларни биргаликда қўллаш имкониятлари, энг самарадор педагогик технологиялардан фойдаланиш усуллари ўрганиб чиқилган.*

***Таянч сўзлар:*** *реформалар, концепция, проект, талабалар, коммуникативлик, компетенция, педагогик технологиялар.*

В Постановлении Кабинета Министров от 11.08.2017 г. № 610 «О мерах по дальнейшему совершенствованию качества обучения иностранным языкам в образовательных учреждениях»[2], Постановлении ПрезидентаРеспублики Узбекистан «О дополнительных мерах по повышению качества образования в высших образовательных учреждениях и обеспечению их активного участия в осуществляемых в стране широкомасштабных реформах»

[1] отмечается, что за последние годы в стране принимаются широкомасштабные меры по созданию системы высшего образования, соответствующей приоритетным направлениям социально-экономического развития и требованиям международных стандартов.

Одной из самых приоритетных национальных задач является достижение качественного преподавания английского языка, отвечающего требованиям современного рынка труда.

Реформы в преподавании английского языка проводятся по нескольким направлениям:

1.Министерство народного образования и Британский Совет в Узбекистане готовят реформу обучения английскому языку в системе народного образования. Целью реформы названо наилучшее возможное качество образования посредством четырех составляющих — учебных планов, тестирования/оценки, методологии и материалов — при создании условий.

2.Создана национальная команда, состоящая из преподавателей, тренеров и специалистов Британского Совета по реформированию преподавания английского языка в школе, состоящая из ведущих специалистов в области преподавания, разработке учебных программ и материалов, системе оценки навыков владения английским языком. Поддержку команде оказывает Венди Арнольд, ведущий британский консультант в области преподавания английского языка в школе, которая имеет 25-летний опыт подготовки преподавателей и создания учебников [3].

3. На основании изучения существующей практики изучения английского языка в средних школах Узбекистана планируется создание современной программы повышения квалификации учителей английского языка с учетом передового национального и международного опыта в средних школах с последующим ее включением в учебные планы вузов, готовящих преподавателей английского языка.

4. С 2017/2018 учебного года на всех этапах системы непрерывного образования был введен механизм, по которому оценка уровня освоения иностранного языка проводилась на основе определенных в государственных образовательных стандартах навыков аудирования (Listening), чтения (Reading), письма (Writing), и говорения (Speaking).

5. Разрабатывается Проект по реформе системы подготовки будущих преподавателей английского языка, нацеленный на достижение долгосроч-

ного совершенствования стандартов преподавания английского языка в Узбекистане путем улучшения опыта преподавания будущих учителей английского языка и разработки четких стандартов для выпускников, соответствующих международным стандартам.

6. Особое значение придается проекту «Английский для специальных целей».Общая цель проекта - разработать целостный подход к преподаванию и изучению английского языка для специальных целей (ESP - English forSpecificPurposes).

У будущих специалистов должен быть развит перечень следующих умений при профессионально ориентированном обучении иностранному языку:

– чтение литературы, относящейся к различным функциональным стилям и жанрам, различным сторонам профессиональной деятельности;

– поиск и нахождение нужной информации из научно-справочной литературы, из сети Интернет, критическое осмысление материалов рефератов, монографий, а также научных и научно-популярных статей;

– осуществление обмена информацией в устной форме в разнообразных ситуациях делового общения: при подписании соглашений, заключении контрактов;

- понимание высказываний как профессионального, так и научного характера, а также владение навыками высказывания, соответствующим условиям коммуникативного взаимодействия;

– осуществление обмена информацией в письменной форме - написание материалов тезисов, докладов, статей для внутренних и международных семинаров, конференций, симпозиумов, ведение деловой переписки, составление и оформление контрактов.

В настоящее время в качестве ведущей и перспективной рассматривается технология коммуникативного обучения, основанная на непосредственном общении участников учебного процесса [6].

Активизация деятельности всех участников педагогического процесса происходит путем активного использования в процессе обучения различных максимально приближенных к реальным, профессионально ориентированным ситуациям, творческих заданий, деловых игр, заседаний, круглых столов, дискуссий, конференций, интервью, составление деловых писем и других видов деловой корреспонденции и обмен ими, это способствует

быстрому и качественному осуществлению поставленных целей, так как в конечном итоге формирует у обучающихся активное отношение к окружающей действительности, которое выражается в желании и возможности, способности воздействовать на нее.

Следовательно, выбор технологий совершенствования обучения английскому языку студентов неязыковых вузов должен ориентироваться на критерии активизации деятельности студентов, индивидуализации, профессионализации иноязычной подготовки.

**Литература:**

1. Постановление Президента Республики Узбекистан «О дополнительных мерах по повышению качества образования в высших образовательных учреждениях и обеспечению их активного участия в осуществляемых в стране широкомасштабных реформах» № ПП-3775 от 5 июня 2018 г.

2. Постановление Кабинета Министров от 11.08.2017 г. № 610 «О мерах по дальнейшему совершенствованию качества обучения иностранным языкам в образовательных учреждениях».

3. С 3 по 12 ноября 2018 года проходит встреча новой национальной команды по поддержке реформ в преподавании английского языка в системе народного образования http://www.kultura.uz/view_2_r_12468.html

4. Реформа системы подготовки преподавателей английского языкаhttps://www.britishcouncil.uz/teach/reform-project

5. Абдуллаева Л . С., Самадова С. А., Махмурова М.. Современные методы преподавания иностранных языков. Коммуникативный метод». «Наука. Мысль: электронный периодический журнал», 2014. С.73 – 75.

6. Бойко А.К., Величко Е.В., Краснова Е.В., Мойсова О.Б. Коммуникативный метод при обучении иностранным языкам в условиях многопрофильного вуза// Международный научно-исследовательский журнал № 11 (53)//Часть 3 // Ноябрь 2016. С.18-20.

7. Субботина В. В.. Необходимость изучения английского языка и его роль в современном мире//Вестник КазНУ. № 2(136). 2012. С.128-132.

# ОИЛАДА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР АСОСИДА СОҒЛОМ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШНИНГ ИЖТИМОИЙ-ПСИХОЛОГИК МАСАЛАЛАРИ

***А.И.САИДОВ,***
*СамДЧТИ. п.ф.н.,доцент*

*Мақолада ўзбек оилаларида миллий қадриятлар асосида соғлом авлодни тарбиялашнинг ижтимоий-психологик муаммолари ҳақида фикр юритилган. Шунингдек, бугунги кунда миллий қадриятлар асосида ўзбек оилаларида фарзандларни тарбиялаш борасида йўл қўйилаётган айрим камчиликлар тўғрисида мулоҳазалар баён этилган.*

***Таянч сўзлар:*** *соғлом авлод, миллий қадриятлар, миллат, тарбия, ижтимоий муҳит, оила, урф-одатлар, низоли вазиятлар, хулқ-атвор.*

*В статье рассматриваются социально-психологические проблемы воспитания детей на основе национальных ценностей в узбекских семьях. А также, обсуждается некоторые недостатков современного воспитания детей в узбекских семьях на основе национальных ценностей.*

***Ключевые слова:*** *здоровое поколение, национальные ценности, национальность, образование, социальная среда, семья, традиции, конфликтные ситуации, поведение.*

*The article deals with the socio-psychological problems of raising children on the basis of national values in Uzbek families. Also, some shortcomings of the modern upbringing of children in Uzbek families based on national values are discussed.*

***Key words:*** *healthy generation, national values, nationality, education, social environment, family, traditions, conflict situations, behavior.*

Мамлакатимизда чуур ўзгаришлар, сиёсий ва ижтимоий-итисодий ҳаётнинг барча томонларини изчил ислоҳ этиш ва либераллаштириш, жамиятимизни демократик янгилаш ва модернизация қилиш жараёнлари жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Бунда кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида белгилаб олинган ва изчил равишда амалга оширилаётган улкан вазифалар мустаҳкам замин яратмоқда.

Инсон ҳаёти, соғлиғи – энг катга ижтимоий бойликдир. Бу оила, мактаб ва инсон тарбияси, камолоти билан шуғулланувчи бошқа масканлар олдига соғлом турмуш тарзини шакллантириш масаласини кўндаланг қўяди. Миллат соғлиғи ҳам табиий равишда, соғлом турмуш тарзи орқали ҳал этилади. Шу боисдан, ёшларни комил инсон сифатида тарбиялаш аждодларимизнинг азалий орзу нияти бўлиб келган.

Халқимизда “Ватан остонадан бошланади” деган доно ҳикмати мавжуд. Остона оиладан бошланиб, у маънавият, тарбия ўчоғи, жамиятнинг

асосий бўғини ҳисобланади. Оиланинг асрлар мобайнида сақланиб келаётган муқаддас анъаналари орқали ёшларимиз қалбида Ватанга муҳаббат, иймон-эътиқод, масъулият, инсонпарварлик каби эзгу ғоялар жой олади. Оила билан биргаликда ёш авлодни тарбиялашда маҳалланинг ўрни ҳам беқиёсдир. Маҳалла халқимизнинг азалий удумлари, урф-одатлари ва анъаналарига таянган ҳолда улкан тарбиявий вазифани амалга оширади. Маҳалла, мактаб ва жамоатчиликнинг авлоддан авлодга мерос бўлиб ўтиб келаётган миллий қадриятларга таянган ҳолда иш кўриши фарзандлар тарбиясида ижобий натижаларга олиб келиши шубҳасиздир.

Оилада фарзандларни маънавий ва миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш уларни маънан етук, ахлоқан пок, ақлан зукко ва соғлом авлод бўлиб етишишларида муҳим ўрин тутади. Аммо, бугунги кунда айрим оилаларда бу масалада қатор камчиликлар ҳам кўзга ташланмоқда. қуйида ўзбек оилаларида миллий қадриятлар асосида фарзандларни тарбиялаш борасида йўл қўйилаётган айрим камчиликлар тўғрисида фикр юритишга ҳаракат қиламиз.

1. Оилавий тарбияда миллий қадриятларимиздан, яъни эртак, мақол, ривоят ва ҳадис илмидан етарлича фойдаланилмаётганлик ҳолати. Тадқиқотларимиз натижаларидан маълум бўлишича, ота-оналарнинг атиги чорак қисми фарзандларига ёшлигида эртак, ривоят ва мақоллар айтиб беришганлигини эслашадилар холос [3]. Ахир қадриятларимиз, халқ оғзаки ижоди дурдоналари, ривоятлар ва ҳадис илми болаларда яхшилик, олижаноблик, хуш хулқлилик хислатларининг шаклланишига хизмат қилиши ҳаммага аёнку. Шундай бўлсада, нега бугун фарзандлар тарбиясида бу масалага эътиборсизлик қиламиз. Сизу бизнинг ана шу эътиборсизлигимиз, эртага катта бўлганда тарбияланиб ҳолар, деган ақидага берилишимиз болаларимизнинг баркамол, хуш хулқли инсонлар бўлиб етишишига салбий таъсир кўрсатмасдан қолмайди.

2. Оилада болалар тарбиясида қарияларнинг иштирок этмаслиги ҳолати ҳам болалар тарбиясига салбий таъсир кўрсатади. Ахир халқимизда «қариси бор уйнинг – париси бор», деб бежиз айтилмаган. Қарияларнинг биринчидан, деярли уйда бўлишлари болалар билан доимо мулоқотда бўлишга, улар фаолиятини доимо назорат қилиб туришга олиб келса, иккинчидан улардаги ҳаётий тажрибанинг кўплиги болалар тарбиясида муҳим ўрин тутади.

Назаримизда кейинги йилларда ёшларимизда ўзбек халқига хос бўлган меҳр-шафқатлилик, бағрикенглик (толерантлик), ночорлар, дардманлар ҳолидан хабар олиш, уларга ёрдам бериш хислатлари негадир бугунги кунда кўринмай ҳолаётгандай туюлмоқда. Ёшларимиз ўртасида хасислик, боқибеғамлик, лоқайдлик, бетга чопарлик, манфаатпа-

растлик, тамагирлик, кўзбўямачилик каби иллатлар кучайиб бормоқда.

3. Болалар ва ўсмирларда ғайриахлоқий хулқнинг келиб чиқишига сабаб бўлувчи оилавий тарбияга боғлиқ бўлган омиллардан яна бири оилавий тарбияда приметив (эскирган, номаъқул) усуллардан фойдаланишдир. Бундай тарбия усулида тарбия баъзан ўта қаттиққўллик, авторетар, болаларнинг фикр ва ҳарашларини инобатга олмаслик асосида олиб борилади. Бундай усулда болаларни тарбиялашнинг нотўғри эканлигини бугун ҳаётнинг ўзи ҳам кўрсатиб турибди. Чунки бугунги ёшлар мустақил фикрлашга интилувчан, ўз қарашларига эга бўлган, ақлан етук ёшлардир. Бундай ёшлар билан ҳисоблашиш, уларнинг фикр ва мулоҳазаларини эшитиш, керакли жойларда маслаҳат бериш, йўл-йўриқ кўрсатиш яхши натижалар беришини унутмаслигимиз керак.

4. Оилаларда фарзандлар учун имкон қадар моддий ва маиший шароитнинг яратиб берилмаслиги ҳолати улар хулқида оғишларнинг келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Умуминсоний ва диний таълимотларга кўра, оилада ота-оналар фарзандлар тарбияси учун ҳар томонлама зарурий шар-шароит яратиб бериш таъкидланади. Аммо, бугунги кунда айрим оилаларда бола учун зарурий моддий шароитларнинг мавжуд эмаслиги сабабли баъзан фарзанд муаммоли ҳолат билан ёлғиз кураш олиб бориш кечинмаларига дуч келади. Бундай ҳолат ўсмир дунёсида оилавий шароитга нисбатан пайдо бўлган норозилик ҳиссининг кундан-кун авж олиб, ички қўзҳолонга айланиб боришига олиб келиши мумкин.

5. Айрим оилаларда фарзандларининг ҳайриқонуний хатти-ҳаракатларини ота-она ва оиланинг бошқа аъзолари томонидан қўллаб-қувватланиши ҳолати. Бунда болалар ва ўсмирларнинг тарбиясизлик ва ғайриқонуний хатти-ҳаракатига оила аъзолари ва яқинлари томонидан ижобий ёки эътиборсизлик кўринишидаги муносабат билдирилади. “Бундай иш қилма”, “қилаётган ҳаракатинг ёки гап-сўзларинг тарбиясизлик ҳисобланади”, дейиш ўрнига ота-оналар ёки атрофдагилар уларнинг хатти-ҳаракатларини маъқуллашади ёки унга эътибор беришмайди. Натижада ўз ғайритабиий ҳаракатининг маъқулланишини ҳис этган бола яна бошқа бир тарбиясизлик ҳаракатига қўл уради. Оқибатда салбий хулқ-атвор ўсмирнинг бутун фаолиятини, онгини қамраб олиши учун имконият яратади.

6. Ота-оналарнинг фарзандлари ҳаёти ва фаолияти билан жиддий қизиқмасликлари, уларни назоратсиз қолдиришлари, кўпинча ўсмирни ғайриқонуний хулқ-атворга эга бўлган болалар ва ўсмирлар сафига қўшилиб кетишга олиб келади. Шунинг учун ота-оналар фарзандларининг айниқса, ўсмирлик ёши давридаги фаолиятларини, бўш вақтларида нималар билан шуғулланаётганликларини домий равишда назорат қилиб боришлари мақсадга мувофиқдир. Қолаверса, ўсмирлик ёши дав-

ридаги психофизиологик ўзгаришлар ва ўтиш даври хусусиятлари бу ёш ота-оналар ва катта ёшдаги кишиларнинг ўзига хос алоҳида эътиборини талаб қиладиган ёш даври ҳисобланади. Оилада ота-оналарнинг бу ёшдаги ўсмирларга нисбатан бўладиган эътиборсизликлари ёки тарбия шундай берилиши керак деган, қарашлари болалар ва ўсмирларда ғайриахлоқий хулқнинг келиб чиқишига шароит яратади [4].

7. Оилавий тарбияда қўполлик, андишасизлик, ҳақорат, дўқ-пўписа ва жисмоний жазолаш сингари усуллардан фойдаланиш ҳолати кўпинча болалар ва ўсмирларнинг уйдан қочишига, бирон иш қилиб қўйиб ота-онасидан қўрққанидан кўчаларда дайдисираб юришига, қаерлардадир тунаб қолишига олиб келади. Бундай ҳолатларда болаларнинг оила муҳитига нисбатан ижтимоий психологик мослашуви издан чиқади. Оқибатда ўзига маъқул бўлган оиладан ташқари гуруҳ ёки кўча муҳитини қабул қилади. Бу муҳит ўзининг характерига кўра, болага салбий ёки ижобий таъсир қилиши мумкин. Афсуски, носоғлом муҳит психологиясига эга бўлган кўча муҳити болаларга кўп ҳолатларда салбий таъсир кўрсатади.

8. Ота-оналарнинг рад этиш, таъқиқлаш, рухсат этмаслик асосидаги тарбиялаш усули баъзан болалар ва ўсмирларда тарбия бузилишига олиб келади. Бу хилдаги тарбия усулида болаларнинг хоҳиш-истаги, ўй-хаёллари, орзу ва интилишлари, фикр ва мулоҳазалари инобатга олинмайди. Бундан ташқари бундай тарбия усулида болаларга ўз фикр мулоҳазаларини очиқча баён этиш, мустақил қарорларга келиш ва муайян вазиятларга ўз нуқтаи назарини билдириш имконияти чекланади. Бундай тарбия усулида баъзан болаларнинг хатти-ҳаракатлари мажбурий тарзда тақиқлаш усуллари билан бошқариб борилади. Уйда бу нарсага тегиш мумкин, бу нарсага тегиш мумкин эмас, бу кийимни киясан, бунисини киймайсан қабилидаги муносабат ўрнатилади. Боланинг қизиқиши, эркинлиги, ўзига ёққан кийимни кийиши, кўнгли истаган иш билан машғул бўлиши, қизиққан китобини ўқиши ва хоҳлаган спорт тури билан шуғулланиши ота-она ихтиёри билан амалга оширилади. Оилада ота ёки онанинг айтгани-айтган, дегани-деган бўлади. Бундай усулда тарбияланган болаларда мустақил фикр юритиш қобилиятининг суст ривожланиши, тортинчоқлик, ўз фикр-мулоҳазаларини баён эта олмаслик, тобелик, қўрқоқлик ва журъатсизлик каби салбий хислатлар ёрқин намоён бўлади. Журъатсиз, тобе, тортинчоқ болада фаоллик ва ўз-ўзига ишонч ҳисси етишмайди. Шунингдек, уларда нутқнинг суст ривожланиши ҳолати ҳам кузатилади. Бундай болалар бутун умр давомида бировларга тобе бўлиб яшайдилар. Уларда раҳбарлик, бошқарувчанлик қобилиятлари суст ривожланган бўлади. Улар бировларнинг гап-сўзларига тез учадилар. Шунинг учун улар алдовлар, кўзбуямачиликлар, таъмагирликлар қурбонига айланиб қолмоқдалар.

9. Ўзбек оилаларида ота-оналарнинг фарзандларни тарбиялашдаги

камчиликларидан яна бири болаларнинг тарбиясига ёшлигидан эътибор берилмасликдир. Ахир халқимизда “тўққизида бўлмаган, тўқсонида ҳам бўлмайди”, деган ажойиб нақл борку. Болани қанчалик эрта ўргатсанг, тарбия берсанг шунчалик тез мослашади, ўрганади. Афсуски, кўпгина ота-оналар ёшлигида фарзандимнинг қорни тўқ, усти бут бўлса бўлди, деб ўйлашади. Ёши 16-17га бориб, мактабни битираётганда эса фарзанди ҳақида ўйлаб қолишади. Бу даврга келиб фарзанд тарбияси, унинг эртанги куни ҳақида ўйлашлиги кеч бўлганлигини кўпчилик ота-оналар англаб етмайдилар. Натижада тарбияда қўлдан бой берилган фурсат азобини ўзимиз тортамиз. Бу ҳам етмаганидек боланинг келажаги, эртанги куни, фаровон ва бахтли ҳаёт кечиришини барбод қиламиз.

10 .Оилаларда фарзандларни жисмонан соғлом, ақлан етук, маънан баркамол этиб тарбиялаш борасидаги эътиборсизлик.

Маълумки, соғлом авлоднинг шаклланишида оиланинг, оила муҳитининг ўрни катта. Оиладаги ўзаро соғлом муносабатлар, психологик муҳит ва соғлом турмуш тарзи ҳар томонлама баркамол авлодларни вояга етказишда бош омил ҳисобланади. Шу боисдан, энг аввало оилада соғлом турмуш тарзи муҳитини, психологиясини шакллантириш муҳимдир.

Юқорида таъкидланган фикрлардан хулоса қиладиган бўлсак, ўзбек халқининг маънавий ва миллий қадриятлари, урф-одат ва анъаналари оила ва оилавий муносабатларда, жумладан болалар тарбиясида муҳим ўрин тутади. Жисмонан бақувват, маънан баркамол, ақлан етук фарзандларни вояга етказиш тамойили Шарқ ижтимоий тафаккурининг ва менталитетининг асосий мазмунини ташкил этади. Чунки, болани тарбиялаш орқали меҳр-мурувват туйғулари шаклланган баркамол инсонни вояга етказилади. Бола қадрияти – бу ўзбек халқи турмуш тарзи, руҳияти, болажонлик одатлари, серфарзандлик ва айни пайтда соғлом, бақувват, маънавий ва жисмоний етук авлод етиштириш анъаналари, тафаккур тарзидир.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Илояев М.“Оила, ижод, тарбия ва маънавият”. Т.,“Шарқ” 2000. 114 б.

2. Оилавий муҳит ва болалар //Қалқон. – 2006, - №1.- Б.14-15.

3.Умаров Б.М. Ўзбекистонда вояга етмаганлар жиноятчилигининг ижтимоий-психологик муаммолари. (Монография) “Фан” нашриёти, Тошкент – 2008, 284 б.

4. Ядгарова Г.Т., Авлаев О.У. Тарбияси қийин, қалтис гуруҳга мансуб болалар билан ишлаш (Услубий қўлланма)Т.: 2007, 74 б.

# ЁШЛАР ДУНЁҚАРАШИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ЭКОЛОГИК-ГИГИЕНИК ТАРБИЯНИНГ РОЛИ

***З.А.АРТИКБАЕВА,***
*ТДПУ п.ф.н.доцент*

*Ушбу мақолада ёшлар дунёқарашини шакллантиришда экологик-гигеник тарбиянинг аҳамияти ва уларни ижобий ҳал қилиш билан боғлиқ долзарб масалалар кўтарилган.*
***Таянч сўзлар**: таълим ва тарбия, масала, назария, билим, тафаккур, тайёргарлик, қобилият, ҳаёт, узвийлик, даража, психология*

*В данной статье затронуты вопросы о роли эколого-гигиенического воспитания в формировании мировоззрения молодёжи и их успешного решения.*
***Ключевые слова**: образование и воспитание, задача, теория, знание, мышление, готовность, способность, жизнь, преемственность, степень, психология.*

*In this article, are touched questions about dug ecology- hygienic education in shaping the world outlook youth and their successful decision.*
***Key words**: formation and education, problem, theory, knowledge, out looking, readiness, ability, life, connect ability, level, grade, psychology.*

Мустақил Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси ўзини, ватанини, халқини севиб, улар билан ҳамкорликда эколого-гигиеник маданиятни ошириб бориш олдида турган энг долзарб муаммолар эканини тушуниб етиши, қўлдан келгунча шу муаммони ҳал қилишда фаол қатнашиши лозимдир. Бу муаммо кўп қиррали бўлиб, ҳамманинг эътиборини жалб қиладиган ҳамда бу борада таълим-тарбияни, унинг салоҳиятини ошириш ва ҳамжиҳатликни таъминлаш давр талаби бўлиб қолмоқда. Экологик жараён мураккаблашаётгани учун у янгича фикрлашни, дунёқарашни, маъданий, маънавий етукликни талаб қилади. Шунинг учун ҳам ҳар бир шахсни билимли қилиш, унда маъданиятни шакллантириш педагоглар олдига қўйилган энг мураккаб вазифадир. Инсон шахси табиат билан ўзаро чамбарчас боғланганлигини ҳамда у табиатнинг бир қисми эканини тушуниб етиши, табиий муҳитда қандай ўзгаришлар бўлмасин, инсоннинг табиатга кўрсатаётган таъсири қайтиб ўзига салбий таъсир этишини ва мураккаб вазиатни юзага келаётганини англаб етишини тақоза қилади. Табиат инсоннинг антропоген фаолиятнинг салбий таъсири оқибатида инсонга хавф туқдириши ҳамда табиий бўлаётган офатлар оқибатида жабрланишини тушуниши ва буларнинг ҳаммаси экологик қонунбузарликлар натижаси эканлигини тушуниб етиш, шу билан бирга бажарилиши керак бўлган чора-тадбирлар ишлаб чиқишида фаол қатнашадиган инсонни тарбиялаш даркор бўлади. Ҳар бир инсонннинг экологик ва гигиеник тарбияси умумий

таълим-тарбиянинг бир қисми ҳисобланади, яъни шахсда ижодий, маънавий, руҳий ва уларга ҳамоҳанг тарзда жамиятнинг ривожланиши ҳам мавжуддир, аммо бу тарбияда шахснинг олдида аниқ ва мақсадли вазифалар қўйилади. Масалан, табиатга меҳрли, оқибатли бўлиш, она-ватан табиатини севиш, табиат ресурсларни бойитишга ҳаракат қилиш, уни асраш йўл-йўриқини ўрганиш лозим. Бу борада таълим-тарбия бир қаторда туриб бир мақсадни, яъни табиатни инсон-жамият-табиат ўртасидаги ўзаро боғланишларни, ўзаро муносабатларини ва бир-бирларига нисбатан таъсир этиш меъёрларини ёшлар (ўқувчилар)га тушунтира олиш керак.

Эколого-гигиеник таълим-тарбия масалаларини ҳал этишда умумий ва айрим вазифаларни ҳал қилишга тўғри келади. Жумладан, республика фуқароларининг ҳар бир шахсига юқори жавобгарлик масъулиятини сезишни, табиий бойликларнинг янада кўпайтиришни, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва тежамкорликни асосий масала деб билиш, ишлаб чиқаришда пайдо бўладиган зарарли чиқиндиларни утилизация қилиш, зарарсиз ҳолатга келтириш муаммоларини ҳам маълум даражада ҳал этиш ва бажариш босқичларини ўрганиш, тарбиялаш, таълим беришни дастурлар ёрдамида ўтказишни тақозо қилади.

Экологик таълим-тарбиянинг энг асосий вазифаларидан бири экология ва гигиена фани соқасидаги билимларни тарқатиш ва маърифат ишларини ривожлантиришдир. Бу табиий атроф-муҳитни, табиатни асраш, табиат билан жамият ўртасидаги ўзаро таъсирларни, тирик табиий муҳит омиллари билан жонсиз табиий муҳит омиллари ўртасидаги бир бутун яхлитликни тушуниш ва ҳар бир шахсда шу жараёнлар билан боғлиқлик тушунчасини шакллантиришни тақозо этади. Инсон табиат қўйнида яшар экан, унинг беминнат саҳовати, инъоми ва марҳаматидан баҳраманд бўлади. Шундай экан, инсоннинг энг яқин “дўсти” бўлмиш табиатни ардоқлаш ва эъзозлаш ҳар бир кишининг муқаддас бурчи бўлибгина қолмасдан, балки шу кўркам табиатнинг бир олий неъмати ҳисобланадиган инсоннинг шарафли бурчи бўлиши лозим. Таъбиатни авайлаб асраш, эъзозлаш унга бўлган муҳаббат инсон қалбида ёшликдан уйғонади ва даврлар ўтиши билан шаклланади.

Ёшларнинг юрагида она ватанга, она табиатга бўлган ҳурматини оширишда кенг жамоатчилик, қолаверса ота-она ва ўқитувчиларнинг ҳиссаси салмоқли ўрин тутади. Ана шу инсониятга ҳаёт бахш этган табиатни муҳофаза қилишга кенг халқ оммасини жалб қилиш, табиий бойликлардан ўз ўрнида тадбиркорлик билан фойдаланишга диққат эътиборни қаратиш лозим бўлади.

Бунда қуйидаги чора- тадбирларни амалга ошириш катта аҳамият касб этади:

– табиат борасидаги билимларни кенгайтиришга имконият яратиш, атроф-муҳит муҳофазаси билан боғлиқ қонунчиликни ёритиб бериш;

– ёшларни ўз фуқаролик бурчларини англаб етишлари, табиат муҳофазаси борасида ўзларининг масъулиятларини ҳис эта билишларини тушунтириш;

– табиат муҳофазаси борасидаги ишларга ёшларни жалб этиш;

– табиат бойликларини ҳимоя этувчи давлат мутасадди ташкилотлари билан узвий боғланган ҳолда фаолият кўрсатиш.

Мактабларда, олий ўқув юртларида, саноат ишлаб чиқариш корхоналарида, шунингдек, жамоа хўжаликларида, маданият уйларида, табиатни ҳимоя қилиш жамиятлари, ўлка музейлари, бурчаклари ташкил этилиб, уларда ўлканинг табиати, бойликларини кўрсатадиган, ҳикоя этадиган тадбирлар катта аҳамият касб этади. Табиат муҳофазаси талқин этиладиган кечалар ташкил қилиниб, уларда ўқитувчилар, олимлар билан ёшларнинг мулоҳотини ўтказиш ҳам хайрли тадбирлардан ҳисобланади.

Ёшларни газета ва журналлар саҳифаларида табиат тўғрсида чоп этилган мақолалар билан таништириш, шунингдек, радио ҳамда телевидениеларда доимий рукнлар ташкил этилиб, уларнинг саҳифаларида, кўрсатувларида, эшиттиришларида табиатни мадҳ этувчи маълумотлар ёритилиши керак. Табиат муҳофазаси бўйича ишлаб турган муассасаларда табиатни мадҳ этадиган, уни муҳофаза этишга бағишланган ҳаваскорлик фильмлари, фотосуратлар, расмлар, шунингдек , мақола ва очерклар учун танловлар ўтказилиши ҳам атроф муҳитни покиза сақлаш борасида, ҳимоя этишда катта ёрдам берувчи воситалардан бири ҳисобланади. Даврий равишда республика, вилоят, туманларда, ёш олимлар, мутахассислар, фаолларнинг табиат муҳофазаси муаммолари бўйича семинарларни ўтказиш ёшлар дунёқарашининг кенгайиши учун зарур тадбирлардан ҳисобланади. Ёшларнинг табиат бойликларини муҳофаза қилишга, шанбаликлар ўтказишга жалб қилиниши хайрли ишлардан ҳисобланади. Фаслларга қараб ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларининг ёшлар ўртасида ўтказилиши кутилган натижалар беради.

Экологик таълим-тарбиядаги асосий вазифалар қуйидагилар:

1. “Таълим тўғрисидаги Қонун” ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури талаблари асосида экологик таълим мазмунини танлаш ва уни ўқитиш методикасини янгидан ишлаб чиқиш;

2. Ўқувчиларни умумбашарий ва умумминтақавий экологик муаммолар, ҳолатлар билан таништириш ва амалий фаолиятни такомиллаштириш;

3. Ўқув дастурлари ва дарсликлар мазмунини давлат таълим стандартлари асосида мувофиқлаштириш, ортиқча вақт талаб этмасдан экологик мазмундаги билимлар билан бойитиш;

4. Ўтмишдаги авлодларнинг табиат ва унинг бойликларидан оқилона фойдаланиш учун яратилган мерослардан, миллий анъаналардан

самарали фойдаланиш;

5. Умуминсоний экологик қадриятлардан таълим-тарбия жараёнида фойдаланиш;

6. Синф ва мактабдан ташқари таълим жараёнини, экологияга оид ишларни йўлга қўйиш;

7. Атроф муҳитда содир бўладиган хавфли ҳодисалар, уларнинг турғунлиги, табиат компонентларининг ўзаро боғлиқлиги, яхлитлиги ҳақида тўлиқ билимларни ўқувчиларда шакллантириш учун фанлараро ҳамкорликни йўлга қўйиш, экология ва гигиена фанларининг интеграциялаштириш йўлида дастур ҳамда дарсликлар яратиш;

8. Узлуксиз экологик, гигиеник таълим тизимини йўлга қўйишни ижобий ҳал қилиш.

Ўқитувчилар учун экологик таълим-тарбиянинг асосий вазифалари шулардан иборатки, ўқитувчи дарс мавзусининг экологик мақсади, мазмуни, вазифалари ва истиқболларини кўра билиши, мавзунинг мақсади таълим-тарбия жараёнининг умумий манфаатларига мос келиши ва у билан боғланганликни аниқ тасаввур қилиш зарур. Ўқитувчи дарсдан, синфдан, мактабдан ташқари вақтларида олиб бориладиган экологияга оид машғулотлар мазмунининг ҳажми, ташкилий шаклларини ишлаб чиқиши ва унинг самарадорлигини кўз олдига келтира олиши керак. Бунинг учун ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва малака оширишини тўла тўкис йўлга қўйиш ҳамда ўқитиш соатларини дарсларнинг ҳажмига мослаштириб алоҳида ажратиш зарур бўлади. Бу таклифлар ҳозирда ва келажакда экология соҳасида тайёрланадиган кадрлар учун ўта зарурдир. Чунки экологик таълим олишнинг бошланиши мактабдан, оиладан бошланади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**


1. И.А.Каримов. ”Юксак маънавият-енгилмас куч” асари. –Т.: “Маънавият “, 2008. – 76 б.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисидаги қонун” // Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.- Тошкент.: Шарқ, 1997, 20-29 бет.

3. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида” ги қонун // Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.- Тошкент.: Шарқ, 1997, 31-61 бет.

4. Ш.Отабоев, З.Ҳидоятова. Экология, гигиена ва сиҳат-саломатлик китоби. –Т.: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “ФАН”, нашриёти, 2007. 320 б.

5. Ш.Отабоев, М.Атабоев, З.Артикбаева. Агроэкология ва саломатлик муаммолари. Илмий рисола. ТошДАУ Таҳририят-нашриёт бўлимининг ризограф аппаратида чоп этилган. 2014,134-137 бет.

# ТАРИХ ДАРСЛАРИ ВОСИТАСИДА ЁШЛАРДА ВАТАНПАРВАРЛИК ТУЙҒУЛАРИНИ УЗЛУКСИЗ ТАРБИЯЛАШ

**Р.Д.БАҚОЕВА,**
НавДПИ ўқитувчиси

*Мақолада ўқувчи-ёшларнинг тарихий онгини шакллантириш жараёнида миллий тарихий манбалар, аждодлар маънавий меросидан фойдаланишнинг аҳамияти ҳақида мулоҳаза юритилади.*

***Таянч иборалар**: тарихий онг, тарихий хотира, тарихий дунёқараш, маънавий мерос, тарихий манба.*

*There is considered in the article significance of national historical souses and moral heritage of great ancestors in process of historical mentality of youth forming.*

***Keywords:** historical mentality, historical memory, historical world view, moral heritage, historical source.*

*В статье рассматривается значение применения национальных исторических источников и духовного наследия великих предков в процессе формирования исторического сознания молодежи.*

***Ключевые слова:** историческое сознание, историческая память, историческое мировоззрение, моральное наследие, исторический источник.*

Ўзбекистон тарихини чуқур ўрганиш, аждодларимизнинг бой маданий ва маънавий мероси, жаҳон илмий тафаккури ва маданиятига қўшган ҳиссалари билан таништириш, маданиятимизнинг беназир алломалари номларини ҳурмат билан тилга олиш улар билан фахрланишга, миллий ифтихор руҳини сингдиришга ёрдам беради. Шу боис, давлатимиз, миллатимизнинг ҳаққоний илмий тарихини яратиш кенг жамоатчилигимиз учун ғоят муҳим ва долзарб масалага айланди. Ушбу муҳим ва долзарб масалани самаралироқ ечимини топиш учун ёш авлоднинг тарихий онгини шакллантириш каби вазифа кун тартибидан жой олиши зарур.

Малакатимизда амалга оширилаётганислоҳотларнинг авжи нуфузи ва натижаси дунё ақлининг диққат-эътиборини тортмоқда. Кундан-кунга мамлакатимизга ҳаваси келиб, ҳасад кўзи билан эмас, ҳавас кўзи билан қарайдиганлар сони ортиб бормоқда. Бу ютуқларимизнинг барчаси мамлакатимизнинг буюк келажагига етиб боришимизни янада тезлаштиради.

“Ватанни севмоқ иймондандир”, дейилади ҳадисларда. Шундай гуллаб, гуркираб ривожланаётган Ватанни севмоқ, Ватан туйғусини қалбига чуқур жойламоқ, бу айниқса ўсиб келаётган ёш авлод қалбида, тафаккурида ўз аксини топмоғи зарур. Талаба ёшлар бугун ўз ватанига, она халқига меҳр-муҳаббат, чуқур эътиқод билан маънавий баркамол инсонлар бўлиб вояга етишлари, жамиятга қўшилишлари даркор. Албатта, бу орзуларимизни чиройли ёзиш, гўзал қилиб тасвирлаш билан амалга ошириб бўлмайди. Ягона йўл – шу орзу-истакларимиз ёнига тарбия деб аталувчи машаққатли меҳнат ҳам ҳамроҳ бўлиши керак. Бунинг учун эса олий ўқув даргоҳлари, касб-ҳунар коллежлари ва барча умумтаълим мактаблари ўқувчилари ва ёшларнинг тафаккурига ва қалбига чуқур жойлаштиришни жиддий масала деб қарашимиз зарур. Албатта, талабаларда юқорида айтилган туйғуларни шакллантириш учун, аввало, уларнинг маънавий етук инсонлар бўлиб шаклланишига алоҳида эътибор қилиш лозим. Шундагина талаба ёшларда ватанпарварлик, камтарлик, виждонлилик, фидойилик ва ўз халқининг миллий қадриятлари, урф-одатлари ва тарихини чуқур билиш туйғулари етарли шаклланади.

Демак, талаба ёшларимиз юксак маънавиятли, маънавий баркамол бўлиб етишишлари учун ўз халқининг миллий урф-одатлари, миллий қадриятлари ва тарихини чуқур билишлари керак.

Таълим жараёнининг тарих дарсларида тарихий ҳодиса-воқеа ва тарихий фактларнинг концептуал таҳлили амалга оширилади. Натижада, ўқувчида уларга нисбатан шахсий муносабат таркиб топиб, аста-секинлик билан боланинг тарихий дунёқараши ҳам шакллана бошлайди. Шундай нозик бир даврда, ёшлар агар халқимиз ўтмишига ҳурмат мавқеидан, унга фахр ҳисси билан ёндашишни ўргансалар, кейинги босқичларда Ватан ва халқ тарихига бўлган меҳр ва муҳаббат ўз-ўзидан ошиб бориши табиий ҳолга айланади. Айнан шу ниятни кўзлаб, мақсадли равишда ўқувчи-ёшларнинг тарихий онгини шакллантиришда аждодларимиз бой маънавий меросига мурожаат этиб, уларни талқин қилиш айни муддаодир[4].

Бундан кўзланган мақсад юқорида айтиб ўтилганидек, талаба ёшларнинг маънавий камолотини шакллантириш, уларни Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида ҳар томонлама маънавий етук инсон-

лар қилиб вояга етказишдир. Чунки Ўзбекистон Республикаси «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да «Миллий дастурнинг мақсади – таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлардан, сарқитлардан бутунлай халос қилиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида юксак маънавий-ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш миллий тизимини яратиш» деб кўрсатилган.

Демак, бугунги тайёрланаётган мутахассис кадрлар, талаба ёшлар нафақат касбий камолоти билан рақобатбардош, балки ўзининг ахлоқ-одоби, бой маънавияти билан ҳам юқори даражада бўлиши керак. Маънавий баркамол инсонгина ватанпарварлик, ватан туйғуси каби фазилатлар эгаси бўлади. Маънавий қашшоқ одамда эса, ватанпарварлик ҳам, ватан туйғуси ҳам етарли шаклланмаган. Бундай инсонларда нафс ва шахсий манфаат  ҳамма нарсадан устун туради.

Дарҳақиқат, Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси, ўсиб келаётган ёш авлод, жамиятга қўшилаётган ҳар бир фарзанд мамлакатимиз қўлга киритаётган ютуқлардан фахрланиб, мамлакатимизнинг ери, табиатига, бу ерда яшаётган халқларга муҳаббат, ўлканинг ўтмишига, маданиятига қизиқиш, Ватанимиз қўлга киритган ютуқлардан фахрланиш ҳислатига эга бўлиши керак. Бугунги куннинг қандай эканлиги ўтмишни янада тўлароқ билишимизга имкон яратади. Ўтмишдан фахрланиш ҳисси келажакда буюк давлат бўлишимизга умид бағишлайди, ана шу мақсадга руҳлантиради. Ўрни келганда шуни айтиш керакки, халқимизнинг ўтмиши буюк. Ҳали айрим мамлакатларда илм-фан ривожланиши у ёқда турсин, оддий дафтар-қалам ярата олмаган  мамлакатлар бўлган бир даврда, Шарқ уйғониш даврида бизнинг буюк бобокалонларимиз Имом Исмоил  ал-Бухорий, ал-Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Форобийлар дунё цивилизациясининг ривожига улкан ҳисса қўшиб, бутун дунё ақлини лол қолдирган эдилар.

Айниқса, талаба ёшларда ватанпарварлик, ватан туйғуси фазилатларини шакллантиришда Ватанимизда халқимиз томонидан яратилаётган оламшумул буюк ишларни, Ватан жамолини, Ватан равнақи, унинг фаровонлигини талаба ёшларга кўрсатиш, экранларда намойиш қилиш масаласига жиддий эътибор бериш лозим.

Хуллас,  хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, миллий  давлатчилик

ҳамда демократик жамият қуришда, умумбашарий қадриятлар билан уйғун ҳолда миллий қадриятларимизга эҳтиром туйғусини шакллантириб, ёшларимиз тарихий онгини устувор дунёқараш билан мустаҳкамлашдек муҳим вазифани амалга оширишда аждодлар меросига мурожаат қилиш давр тақозоси сифатида катта аҳамият касб этади.

Зеро, биринчи Президентимиз таъбири билан айтганда, «... биз ўз тарихимизни холисона ва ҳаққоний баҳолаб, маънавий меросимизни бойитиш ва ривожлантиришга ўз ҳиссамизни қўшишимиз, шу асосда бугунги жаҳон илму фани ва маданиятининг юксак чўққиларини эгаллашдек буюк вазифага ҳар томонлама муносиб ва қодир бўлишимиз даркор»[1].

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2008. –52-б.

2. Иброҳим Ҳаққул. Аҳмад Калла. // «Тафаккур», 2005, № 3. –78–80-б.

3. Маънавият юлдузлари (Марказий Осиёлик машҳур сиймолар, алломалар, адиблар). / Тўпловчи ва масъул муҳаррир: М.Хайруллаев. / Тўлдирилган қайта нашр. – Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2001. –339–341-б.

4. Тохириён А. Миллий-маънавий мероснинг ёшлар тарихий онгини шакллантиришдаги аҳамияти // Замонавий таълим. 2014, № 3. 24-27-бетлар.

# UZLUKSIZ TA'LIM TIZIMIDA TARBIYASI OG'IR O'QUVCHILAR BILAN ISHLASHDA O'QITUVCHI FAOLIYATI

***A.I.SULTONOV,***
*Qarshi DU katta o'qituvchisi*

*Tarbiyasi og'ir o'quvchilar bilan ish olib borish pedagogik qayta tarbiyalash jarayonini ko'zda tutadi. Mazkur jarayonda bevosita uzluksiz ta'lim tizimidagi ta'lim muassasalari va oilaning o'zaro hamkorlikdagi uzviy munosabatlari asosidagi umumiy faoliyatda mujassam ishlashni zarur ekanligini maqsadga muvofiq deb hisoblaydi. SHunday ekan, mazkur maqola tarbiyasi og'ir o'quvchilarni tarbiyalashda maktab, mahalla va oilaning o'zaro hamkorlikdagi uzviy faoliyatini tashkil etishga bag'ishlangan.*

***Tayanch so'z va iboralar**: tarbiyasi og'ir bolalar, o'quv jarayoni, ta'lim-tarbiya, maktab, oila, mahalla, o'quvchi, o'qituvchi.*

*Работа со учениками с трудным характером включает процесс педагогического перевоспитания. В этом процессе он считает целесообразным совместную работу в общей деятельности на основе образовательных учреждений системы непрерывного образования. Таким образом, данная статья посвящена организации совместной деятельности школы, общества и семьи в воспитании учеников с трудным характером.*

***Ключевые слова**: дети с трудным воспитанием, учебный процесс, воспитание, школа, семья, окружение, ученики, учитель.*

*Working with students with a difficult character involves the process of teacher education. In this process, he considers it appropriate to work together in a common activity on the basis of educational institutions of the continuing education system. Thus, this article is devoted to the organization of joint activities of the school, society and family in the education of students with a difficult character.*

***Key words:** children with difficult education, the educational process, education, school, family, environment, students, teacher.*

Bugungi kun oliy ta'lim islohotlari ilg'or rivojlangan mamlakatlar darajasida O'zbekistonnig ilmiy-texnik, iqtisodiy, ijtimoiy-siyosiy va madaniy rivojlanishini ta'minlashga kuchi etadigan, yuksak ma'naviy, madaniy va axloqiy sifatlariga ega, chuqur bilimli raqobatdosh kadrlar tayyorlashni talab etadi. Aytish mumkinki, komillik sari intilish shaxsning kasbiy shakllanishi bilan birgalikda yaxlit holda kechadigan va deyarli bir umr davom etadigan murakkab jarayondir. Keng ma'noda kasbiy shakllanish deganda insonning o'z aqliy qobiliyatlari jismoniy imkoniyatlari u yoki bu sohaga bo'lgan layoqatlari, qiziqish va intilishlari, shuningdek qadriyat va dunyoqarashlariga ko'ra biror bir kasb sohasida ta'lim olish keyinchalik shu sohaga kirishib, moslasha borishi va nihoyat yillar davomida etuk va malakali mutaxassis bo'lib etishishi

tushuniladi.

"Ko'zlagan maqsadlarimiz qanchalik yuksak va mashaqqatli bo'lmasin, ularga etish uchun barcha imkoniyatlarimiz mavjud.

Ajdodlarimiz merosi, xalqimiznin ilmiy va bunyodkorlik salohiyati hamda tadbirkorlik fazilati bizga bu yo'lda beqiyos kuch-qudrat manbai bo'lib xizmat qiladi. Bilimli avlod buyuk kelajakning, tadbirkor xalq – farovon hayotning, do'stona hamkorlik esa-taraqqiyotning kafolatidir!..."[2]

Ta'lim jarayonida samaradorlikka erishish maqsadida ko'plab chora-tadbirlar amalga oshirilmoqda. Ta'lim sifatiga ta'sir etuvchi eng muhim omillardan biri, ta'lim beruvchi o'qituvchi shaxsidir,shu sababdan pedagoglarning kasbiy tayyorgarligiga juda katta e'tibor qaratilmoqda.

SHu o'rinda, rivojlanib borayotgan O'zbekiston sharoitida ayniqsa yangicha dunyoqarash va ijtimoiy munosabatlarning shakllanishini, shaxsning o'z-o'ziga va boshqalarga ta'sir etishini o'rganish eng dolzarb masalalardan biridir.

Mustaqillik solnomasidagi har bir o'tayotgan yil mamlakatimizning ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, madaniy-ma'rifiy hayotida o'ziga xos iz qoldirmoqda. 2019 yilni "Faol investitsiyalar va ijtimoiy rivojlanish yili" deb e'lon qilinishi xalqimizning azaliy, ezgu orzu-umidlarining ro'yobga chiqishi sifatida baholanmoqda.

Mamlakatimiz Prezidenti Shavkat Mirziyoev tomonidan yoshlarga beriladigan ta'lim va tarbiyaning sifatini oshirish, turli sohalarga kadrlar tayyorlash masalasiga ham katta e'tibor qaratildi: "...Oldimizda yoshlarga tarbiya berish, pedagogika-psixologiya va boshqa turli sohalarda kadrlarni tayyorlash va qayta tayyorlash bo'yicha murakkab vazifalar turibdi. YAna bir muammoni hal etish muhim hisoblanadi: bu – pedagoglar va professor-o'qituvchilar tarkibining professional darajasi, ularning maxsus bilimlaridir. Bu borada ta'lim olish, ma'naviy-ma'rifiy kamolot masalalari va haqiqiy qadriyatlarni shakllantirish jarayonlariga faol ko'mak beradigan muhitni yaratish zarur.." ekanligi alohida ta'kidlab o'tildi[1]. Ushbu yuqoridagi fikrlardan kelib chiqib, umumiy o'rta ta'lim maktablarining V-IX sinflaridagi tarbiyasi og'ir o'quvchilarda milliy g'oyani shakllantirishda malakali pedagoglarning o'rni katta ahamiyat kasb etadi.

Mohiyatiga ko'ra tarbiyasi og'ir o'quvchilar bilan olib boriladigan pedagogik faoliyat tizimli tashkil etilganda maqsadga muvofiqligi yaqqol ko'zga tashlanadi. Unga ko'ra tajribali pedagog maktab va maktabdan tashqari jarayonlarda o'quvchilar jamoalarining o'smir va o'spirinlar xulq-atvoriga ta'sirini o'rganadi hamda tarbiyasi og'ir o'quvchilarni aniqlab oladi.

A.B.Filonov tomonidan ishlab chiqilgan pedagogik texnologiyada pedagoglarning o'smir va o'spirin bilan aloqasining turlicha formalari ko'rsatiladi[4]. Masalan, ularning ichida o'smir va o'spirinlar qarashida rozilikni aks etishi, ularning qiziqishlarini bilib olish, ularning xususiyatlari va ushbu

xususiyatlar sabablarini tushunish, shuningdek, o‘smir yoki o‘spirin shaxsining salbiy xislatlarini o‘rganish va ularning yurish-turishi va o‘zaro munosabatining umumiy me’yorini ishlab chiqish masalalari o‘z aksini topadi.

Yu.V.Vasilkovaning tarbiyasi og‘ir o‘smir va o‘spirinning tarbiyasiga texnologik yondashuvining mohiyatiga ko‘ra o‘spirin bilan yaxshi munosabatlarni o‘rnatish, shaxsiy ishi bilan tanishib chiqish, pedagogik tarbiyasi og‘irlikning sabablarini aniqlash, psixologik va pedagogik xaritalarini tuzish, o‘spirin shaxsiyatiga ijobiy ta’sir qiluvchi faoliyat turini tanlash, tarbiya va o‘z-o‘zini tarbiyalash jarayonining birlashishi bilan o‘spirin faoliyatini o‘z-o‘zini mukammallashtirishga qaratish ishlariga qaratilishi nazarda tutiladi.

Tarbiya jarayoniga kompleks yondashuv o‘spirinlar guruhlari paydo bo‘ladigan mikro muhitlarga faol ta’sir qilishni talab qiladi. Kriminologlarning ma’lumotiga ko‘ra, voyaga etmaganlar ko‘p jinoyatlarni guruh bo‘lib sodir etishadi. Biroq voyaga etmaganlar orasida huquqbuzarlikni bartaraf etish bo‘yicha ko‘pgina tafsiyalar, individual profilaktika tavsiyalari hisoblanadi. Amaliyotda isbotlanganidek ajratib olingan o‘spirinning huquqbuzarliklarini bartaraf etishga qaratilgan pedagogik faoliyat har doim ham kutilgan natijalarga olib kelmaydi. Bu holat huquqbuzar o‘spirinning yashash joyidagi guruhning a’zosi bo‘lganligi va uning xatti-harakatlari guruh kayfiyati, ularning hayot tarzi, fikrlashi, boshqa a’zolariga bog‘liq bo‘lishi bilan izohlanadi. Ko‘rsatilgan holatlar pedagogik tarbiyasi og‘ir bolalar bilan individual faoliyat olib borishning muhimligini e’tirof etgan holda o‘spirinlarni o‘rab turgan mikro muhit bilan o‘zaro aloqalarini o‘rganish zarurligini ham ta’kidlaydi.

Pedagogik ta’sirlarning kompleks tizimi, tarbiya vositalari, shakl va mazmunini bildirib, bu faoliyatning maqsadi deb pedagogik tarbiyasi og‘ir bolalarni sinf jamoasi, o‘qituvchilar, sinfdoshlar bilan munosabatlarining me’yorlashuvi natijasida o‘smir guruhlarini rejali qayta to‘g‘rilash hisoblanadi. Bu munosabatlarning me’yorlashuvi o‘smir shaxsning shakllanishiga hal qiluvchi ta’sir ko‘rsatadi.

Tarbiyasi og‘ir o‘quvchilarni aniqlab olish pedagogik kuzatish, so‘rovnoma va anketa to‘ldirish bilan amalga oshiriladi. Bu usullar pedagogik qarovsiz o‘smirlar guruhlari to‘g‘risidagi ma’lumotlarga ega bo‘lish imkonini beradi.

Pedagog va psixolog o‘smirlar guruhining ijtimoiy tarkibini bilishi ham muhim. Ijtimoiy tarkibi turli bo‘lgan o‘smirlar guruhlarida o‘zaro axborot almashuv va muomala qilish qiziqarli bo‘ladi. Biroq bu guruhlarda hayot haqida yolg‘on tasavvurlarga ega ma’lumotlar ham tarqatilishi mumkin.

Guruhdagi muomalaning mazmunini bilish, tarbiyaviy ta’sirni to‘g‘ri tashkil qilib, ma’lumotni to‘g‘ri tomonga yo‘naltirish tarbiyachilarning asosiy vazifasiga aylanadi..

Guruhlar ularning mashg‘ulotlariga ko‘ra ikki turga ajratiladi:

1) **vaqt bo‘yicha**– doimiy va nodoimiy;

2) **yo‘nalishi bo‘yicha**– ijobiy (mehnat, sport, san’at bilan shug‘ullanish) va salbiy (chekish, alkogol mahsulotlarini iste’mol qilish, qimor o‘ynash).

Pedagogik qarovsiz bolalar bilan tarbiyaviy ish olib borishning yana bir xususiyati o‘smirlarni o‘zi tanlashgan, uning bajarilishidan qoniqish sezishadigan faoliyatni tanlashdir. Asta-sekin faoliyatdagi bunday ehtiyojni qondirish va rivojlanish, keyinchalik uni o‘smirlarda bajarayotgan ishlari uchun mas’uliyat xissini oshiruvchi faoliyat turlari bilan to‘ldirib borish lozim.

Tarbiyasi og‘ir bolalar yoki o‘smirlar bilan ish olib borish pedagogik qayta tarbiyalash jarayonini ko‘zda tutadi.

O‘smir yoki o‘spirinni qayta tarbiyalash yoki o‘z-o‘zini tarbiyalashga tayyorlash jarayoni bir necha bosqichdan iborat:

1. Tarbiyalanuvchinio‘rganibchiqish.
2. O‘smirningyurish-turishinio‘zgartirishuchununingruhiytayyorqilish.
3. Ijobiyaxloqiyxislatlarnito‘plash.
4. Inqirozdanchiqish, o‘z-o‘zinitarbiyalashgao‘tish.

Shunihaminobatgaolishkerakki, bujarayongao‘qituvchidan tashqari o‘smirmansubbo‘lgano‘quvchilarjamoasihamqo‘shiladi.

Shunday qilib, shaxsning tarbiyasiga to‘g‘ri yondashish, uni samarali o‘qitish uchun ijtimoiy ob’ektning fiziologik, psixologik va aqliy rivojlanishida namoyon bo‘ladigan turli yosh davrlari xususiyatlarni bilish va uni hisobga olish muhim. Shaxsda organizmning o‘sishi, rivojlanishi hamda psixik taraqqiyot muayyan yosh davrlarida turlicha kechadi. Bolaning o‘ziga xos xususiyatini hisobga olish juda qiyin. Chunki bir xil yoshdagi bolalar ham psixik jihatdan turlicha bo‘lishi mumkin. Shaxsga to‘g‘ri yondashishda uning yosh davri hamda yosh xususiyatlaridan etarlicha xabardor bo‘lish talab etiladi.

**Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Mirziyoev Sh. Tanqidiy tahlil, qat’iy tartib-intizom va shaxsiy javobgarlik – har bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo‘lishi kerak. T. “O‘zbekiston”, 2017 y. – 45-b.

2. Sh.Mirziyoev. Bilimli avlod – buyuk kelajakning, tadbirkor xalq – farovon hayotning, do‘stona hamkorlik esa taraqqiyotning kafolatidir. 6.O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi qabul qilinganligining 26 yilligiga bag‘ishlangan tantanali marosimdagi ma’ruza. 31-bet.Toshkent. O‘zbekiston, 2018. 64 bet.

3. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti SH.M.Mirziyoevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi. Xalq so‘zi, 2018 yil 29 dekabr. №318.

4. L.P.Filonov Dezadaptiv o‘spirinlar bilan reabilitatsiya jarayonida aloqa o‘rnatish texnologiyasi // Zamonaviy sharoitlarda bolalar va o‘smirlar reabilitatsiyasi muammolari va tajribasi. – Moskva: 1994. 127-143-betlar.

# УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ПЕДАГОГНИНГ КАСБИЙ ВА ПЕДАГОГИК МАҲОРАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНИШТИРИШ

**Ш.П.ПЎЛАТОВ,**
ТШХТХҚТМОҲМ, п.ф.н.доцент.
**З.Ш.АСҚАРОВА,**
Сергели тумани 6-Давлат
ихтисослаштирилган УЎТМ ўқитувчиси

*Мазкур мақоласи педагогик техника, педагогик маҳорат, касбий маҳоратнинг мазмун-моҳияти, инновацион фаолиятга тайёрлик даражаси тажриба ва маҳорат тавсифлари, шахсий ижодий фаолиятнинг намоён бўлиши, педагогнинг ижодий фаолиятини дастурий-методик тартиби ва педагог касбий ривожланишининг энг юқори поғонаси бўлган шахсий-муаллифлик иш тизими каби тушунчаларнинг ривожланиш компонентлари ёритиб берилган.*

***Таянч сўзлар***: *касбий ўсиши, педагогик маҳорат, педагогик техника, педагогик муомала , педагогик ижод, педагогик қобилият, педагогик маданият, педагогик назокат, новатор, субъектив.*

*В данной статье освещены компоненты развития таких понятий как, педагогическая техника, характеристика опыта и мастерства степени подготови к инновационной деятельности, проявление личной творческой деятельности, программно-методического порядка творческой деятельности педагога , система личной авторской работы – самой высшей стадии профессионального развития педагога*

***Ключевые слова***: *профессиональное развитие, педагогические навыки,педагогическая техника, педагогическое отношение, педагогическая творчество, педагогическая способность, педагогическая культура, педагогическая учтивость, новатор, субъективный*

*In this article the essence of pedagogical techniques, the nature of professionalism, the level of professionalism, the level of training for innovative activities, the demonstration of personal creative activity, the methodological order and The components of development, such as the development of the individual work system, which are the top pillars of the professional development of the educator, are highlighted.*

***Key words***: *professional training, pedagogical skills, pedagogical techniques, pedagogical treatment, pedagogical creativity, pedagogical ability, pedagogical culture, pedagogical tenderness,innovator, subjective.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 14 августдаги ПҚ-3907 сонли ва 2018 йил 5 сентябрдаги ПҚ-3931-сонли Қарорларида белгилаб ўтилган таълим муассасини илмий-методик жиҳатдан самарали бошқариш ва таълим-тарбия сифатини кўтариш-

да ўқитувчиларнинг педагогик фаолиятини тўғри ташкил этиш, касбий тайёргарлигини хорижий давлатларнинг замонавий технологиялари асосида ривожлантириш, уларга педагогик шарт-шароитлар яратиш бўйича қуйидаги энг асосий устувор вазифалар белгилаб берилди:

– миллий мустақиллик тамойиллари ва халқнинг бой интеллектуал мероси ҳамда умумбашарий қадриятлар устуворлиги асосида таълимнинг барча даражалари ва бўғинларида ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий фазилатларини бойитиш;

– таълим самарадорлигини кўтаришда инновациялар, хорижий давлатларнинг бой тажрибалари ҳамда шахсни ўхитиш ва тарбиялаш жараёнининг ташкилий ва сифат даражасини ошириш;

– умумтаълим мактабларини рақобатбардош, салоҳиятли ва малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, ўқитувчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг самарали тизимини яратиш, улар меҳнатини рағбатлантириш тизимини янада такомиллаштириш;

– ўқитувчиларнинг педагогик ва касбий маҳоратларини мустақил ва ижодий изланиш асосида ошириш орқали уларнинг мустақил фаолиятини таркиб топтириш;

– ўқувчиларни шахсга йўналтирилган янги педагогик парадигма ва компетенциявий ёндашув асосида ҳар томонлама ривожлантиришга йўналтирилган таълим-тарбия тизимининг илмий-педагогик асослари, йўналишлари, мазмуни, таркиби, уни танлаш принципларининг илмий-методик асосларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.

Ушбу вазифаларни ижросини таъминлаш мақсадида Халқ таълими ва Мактабгача таълим вазирликлариташаббуси билан хорижий давлатларнинг таълим йўналишидаги илғор инновацион тажрибалари орқалимамлакатимиздаги таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган педагогларни касбий-педагогик маҳоратларини янада ошириш бўйича бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди.

Умумий ўрта таълим мактаб, мактабгача таълим муссасалари ўқитувчи ва тарбиячиларининг касбий-педагогик тайёргарлиги дейилганда, унинг илмий-назарий, психологик-педагогик, илмий-методик тайёргарлиги, ғоявий-сиёсий ва маънавий-ахлоқий етуклиги тушунилади.

Касбий-педагогик тайёргарликнинг таркибий қисмлари бир-бирини тўлдиради, ўзаро узвий равишда шаклланиб, ривожланади, ўқитувчининг мазкур таркибий қисмлари бўйича эгаллаган билим, кўникма ва малакалари педагогик фаолиятда қўлланилади.

Агар илгари педагогик маҳорат билим, кўникма ва малакадан иборат икки компонентли тузилма деб қабул қилинган бўлса, бугунги кунда у камида тўртта компонентни ўз ичига олади:

*педагогик техника* – ўқитувчи ўз имиджи орқали: ўқитиш, таъ-

сир кўрсатиш, таълим-тарбия олувчиларга ўз ҳис-туйғулари, билимлари, ахлоқий фазилатларини узатиш технологиясини ифодалайди;

*педагогик муомала* – ўқитувчикасбий фаоллигининг бир кўриниши бўлиб, таълим-тарбия жараёнида иштирокчиларининг ўзаро таъсир ва ҳамкорлигини акс эттиради;

*педагогик ижод* – ўқитувчининг маҳорат пиллапояларидан кўтарилишида яратувчанлик(креативлик)ни, ташаббускорликни, педагогик уддабуронликни ва тадбиркорликка элтувчи йўлни, бу йўлдаги қийинчиликлардан қўрқмасликни англатади;

*педагогик қобилият* – педагогик жараёнида ўқитувчининг ақлий, эмоционал – иродавий жиҳатларини, ташкилотчилигини, билимдонлигини ва уларнинг бир-бирига боғлиқлигини ҳамда яхлит бир бутунлик касб этишини ифодалайди. (3, 30- 54б.)

*Педагогик маданият* – ўқитувчи-тарбиячилик бурчи, масъулияти, қадр-қиммати, виждони, ахлоқий эътиқодини назарда тутиб, ўқитувчининг талабчанлиги, адолати, комиллиги, ростгўйлиги, тўғрилигини англатади.

Педагогик маданиятнинг таркибий қисмларидан бири педагогик назокат (такт) – ўқитувчининг педагогик мақсадга мувофиқ, фойдали, қимматли ҳаракатларининг ўлчови, меъёри ва таъсир воситасининг чегараси сифатида характерланади. Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий марказларда очилган курсларни кузатишимизча агар анъанавий ўқитувчи ёки тарбиячиларга махсус ва методик билимлар асосий деб ҳисобланган бўлса, хозирги замонавий педагог учун назарий (замонавий психологик-педагогик концепцияларни билиш), методологик (педагогик ҳолатларни ўрганишнинг умумий тамойилларини, таълим ва тарбияни ижтимоийлаштириш қонуниятларини билиш) ва технологик (нафақат анъанавий, балки инновацион таълим технологияларини билиш) билимлар устувор бўлиб қолмоқда. Педагогнинг кейинги компонентлардан бири бўлган *касбий маҳорати* педагогик техника сифатида асосан амалий фаолиятда сайқалланади. Бироқ, янги педагогик тамойиллар ва технологияларни ўзлаштиришда нафақат техник педагогик усулларни такомиллаштириш, балки педагогнинг шахсий ривожланиши, шахсининг фаоллаштирилиши ҳам зарур шарт бўлиб хизмат қилади.

Педагог олимлардан бири *А.К.Маркова* касбий маҳорат даражалари тушунчаларини қўллаган ҳолда, касбий маҳоратнинг бешта босқичини ажратиб кўрсатишни таклиф этади: *1) касбий мақоратгача бўлган давр, 2) касбий маҳорат,3) ўта маҳоратли, 4) касбий маҳоратдан кейинги босқич ҳамда ҳақиқий касбий маҳорат, 5) маҳоратсизликдан ажрата олиш.*

1. *Касбий мақоратгача бўлган давр* 3 босқичдан иборат: 1 – касб билан илк бор танишиш; 2 – касбга мослашиш; 3 – ўзини-ўзи йўнал-

тириш: ўзлигини алоҳида шахс сифатида англай олиш, ўзини-ўзи диагностика қилишга зарур бўлган хусусиятларни ривожлантириш, ўзининг имкониятларини ва ўз касбдаги ўрнини аниқлаш. Биринчи ўринда – касбий маҳоратниривожлантириш босқичида – асосий касбий масалаларни ечиш усуллари ўрганилади, шахсий хусусият, педагогик фаолият усули ишлаб чиқилади, шунингдек, касбий маҳоратга эга шахс сифатида ўзининг кучли ва заиф томонлари англанади. Бу эса касбий ривожланишнинг шахсий томонини таҳлил қилиш учун жуда муҳим ҳисобланади.

2. *Касбий маҳорат* – касбни эгаллаш даражаси, шахсий методик тизим сифатида ўз шахсий моделини фаоллаштиришга ердам берадиган маҳорат.

3. *Ўта маҳоратли шахс* педагогик фаолиятда ижодкор, ?ар томонлама моҳир, ва ниҳоят, келгусида ўзини-ўзи ифодалай олишга ва бунинг оқибатида маҳоратнинг юқори поғоналари ҳисобланган методик тизим технологияларининг муаллифлик дастурларини лойиҳалаштиришга қодир бўлган ўта маҳоратли шахс сифатида намоён бўлиши мумкин.

4. *Маҳоратдан кейинги босқич* касбий фаолиятни тугатиш босқичи бўлиб, унда ўқитувчи маслаҳатчи, эксперт, бошқаларни шахсий, муаллифли дастурларни лойиҳалаштириш технологиялари, турли педагогик технологиялар, методик ва педагогик тизимларга ўргата оладиган устоздир.

5. Бундан ташқари, иш стажидан қатъи назар ўзининг ёки ўзгаларнинг касбан нотўғри ўзгартирилган меъёрлари бўйича ишлайдиган, касбий маҳоратга эга бўлмаган ўқитувчилар алоҳида гуруҳга ажратиб олинади.

Педагогнинг ижодий фаолиятини дастурий-методик тартибга келтирувчи бундай омилларга: биринчидан, ўкитувчи, тарбиячи ёки раҳбар қаерда, нимада ва нима учун инновацияни ўтказмоқчи эканлигини билдирувчи аниқ рефлексия, муаллифлик дастури қандай талабларга жавоб бериши керак; иккинчидан, унда нафақат “билимли” омил (яъни таълим стандарти), балки таълимнинг шахсий омили (болалар ва педагогнинг шахсий тажрибаси) ҳам ифода этилиши керак. В. В. Сериковнинг фикрича, ўқув дастури - бу “ўқувчиларга нима бериш керак”лиги тўғрисидаги йўриқнома эмас, балки аҳамиятли масалаларни ечишда улар билан ижодий ҳамкорлик қилишга, мулоқот ўрнатишга, субъект-субъектли таълимга йўналтиришдир.(4, 32-35 б.)

Педагог касбий ривожланишининг энг юқори поғонаси унинг шахсий-муаллифлик иш тизимини тузишидан иборат. Бу тизим шахсий дидактик, шахсий тарбиявий ва шахсий методик тизимлардан ташкил топади. Дидактик ва тарбиявий тизимларнинг натижаси - муаллифлик дастур ва технологиялардир, шахсий методик тизимнинг натижаси эса - шахсий-муаллифлик услуб ва педагогик техникадир. Муаллифлик педагогик тизим тузилмасида – ғоя ва фикр, педагогик тизимнинг умумий тузилиши, методик таркиб, очилиш мантиқи, шахсий йўналтирилган вазиятларни вужудга келтиришнинг

махсус усуллари, технологиянинг шахсий-индивидуал педагогик салоҳият-га мослашганлик даражасини ажратиб кўрсатишади (5, 47-55 б.). Таълим тизимини ислоҳ қилиш жараёнларида педагог ходимларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш жараёнлари иштирокчиларига зарурий ва етарли даражада шарт-шароитларни яратиб берилишидан асосий мақсад ҳар томонлама ривожланган, янгиланиш ва ривожланиш жараёнларига мослашувчан, юксак маънавий ва педагогик маданиятга, ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил фикрлаш ва инновацион фаолият кўрсата олиш маҳоратига эга бўлган, жамият, давлат ва оила олдида ўз жавобгарлигини ҳис этадиган ўқитувчи шахсини тарбиялашдан иборат.

Таълим тизимини ислоҳ қилиш жараёнларида амалга оширилаётган ўзгартиришлар ва янгиликлар асосида педагог ходимларга белгиланаётган замонавий талаблар:

– таълим ва ёшлар тўғрисидаги ҳукумат томондан қабул қилинган қарорларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини тушуниб етадиган ҳамда тарғибот қиладиган;

– ўз фанини чуқур биладиган, педагогик жараёнларда ўқувчиларнинг субъективлигини ва фаоллигини оширишга алоҳида аҳамият қаратадиган;

– ўзаро дўстона муносабатларга асосланган ҳамкорликда фаолият кўрсатиш кўникмаларига эга бўлган;

– педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқариш, ўқувчилар ва педагоглар ҳамкорлигини шакллантириш ва мувофиқлаштириш, педагогик жараёнларда мотивлаштириш, рефлексиф фаолият жараёнларини ташкил этиш асосида рефлексиф таълимий муҳитни шакллантириш йўналишларида зарурий билим, кўникма ва малакаларга эга бўлган ўқитувчи шахсини шакллантиришни тақозо этади.

**Фойдаланилганадабиётлар:**


1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида" 2018 йил 14 августдаги ПҚ-3907 ва5 сентябрдаги ПҚ-3931-сонли Қарорлари.

2. Маркова А.К. Психология профессионализма. – М., 1996.

3. Сергеев И.С. Основы педагогической деятельности. Учебное пособие. – СПб; Питер. 2004.

4. Сериков В.В. Образование и личность. Теория и прак-тика проектирования педагогических систем. – М. Логос, 1999.

5. Йўлдошев Ж. Ғ. Ва бошқалар. Таълимда методик хизматни инновацион технологиялар асосида ташкил этиш. Ўқув-методик қўлланма. Тошкент-"Замонавий таълим". 2011.

# ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМДА ЎҚУВЧИЛАРНИ КАСБ-ҲУНАРГА ТАЙЁРЛАШ ЖАРАЁНИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

**С.Б.ҚОРАЕВ,**
*Чирчиқ ДПИ катта ўқитувчиси, п.ф.ф.д (PhD)*

*Мақолада бошланғич профессионал таълим тизимида ўқувчиларни касб-ҳунарга тайёрлаш жараёнини такомиллаштиришнинг замонавий йўллари, кадрлар тайёрлаш тизимини иқтисодиёт соҳалари билан интеграцияси, касб-ҳунар мактабларида ўқувчиларни касб-ҳунарга тайёрлаш борасидаги муҳим вазифалар ҳақида сўз юритилади.*

***Таянч сўз ва иборалар**: ижтимоий, иқтисодий, ислоҳот, тизим, миллий, модернизация, интеграция, технология, инвестиция, глобаллашув, ДТС, давлат талаблари, амалий, кўникма, малака, ўқув, илмий, ишлаб чиқариш, технопарк, информатизациялашув, ўқув режа, ўқув дастури, ахборот, ҳамкорлик ва бошқалар.*

*The article discusses modern ways to improve vocational training of pupils in primary vocational education system, the integration of the vocational training system with economic sectors, as well as the important tasks of vocational training in schools.*

***Key words**: social, economic, reform, system, national, modernization, integration, technology, investment, globalization, state educational standard, syllabus, training program, practical, skills, educational, scientific, production, technology park, informatization, information, cooperation, etc.*

*В статье рассматриваются современные пути совершенствования профессиональной подготовки учащихся в системе начального профобразования, интеграция системы профессиональной подготовки с отраслями экономики, а также важные задачи профессиональной подготовки в профессиональных училищах.*

***Ключевые слова**: социальный, экономический, реформа, система, национальный, модернизация, интеграция, технология, инвестиция, глобализация, ГОСТ, учебный план, учебная программа гостребование, практический, умения, навыки, учебный, научный, производство, технопарк, информатизация, информация, сотрудничество и т.д.*

Республикамизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар тизимида миллий иқтисодиётни модернизациялаш жараёнлари алоҳида ўрин тутади. “Таълим тўғрисида”ги Қонун [1] ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” [2] қабул қилингандан буён таълим жараёнлари ва бу борада олиб борилаётган ислоҳотларнинг мазмуни тубдан ўзгарди. Умумий ўрта таълим муассасаларининг таълим-тарбия жара-

ёнига узлуксиз таълимнинг Давлат таълим стандартлари ва Давлат талаблари [4] жорий этилди. Меҳнат бозори талабларига мувофиқ раҳобатбардош кадрлар тайёрлаш тизими шаклланди ва ривожланиб бормоқда. Миллий таълим тизимини ислоҳ қилиш масалаларида таълим турлари орасида интеграцияни ривожлантириш масалалари муҳим аҳамият касб этмоқда. Интеграция бу, малакали мутахассисларни тайёрлашнинг бош омилидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6-сентябраги "Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5812-сон фармони умумий ўрта, ўрта махсус ва Олий таълим тизими ўртасидаги узвийлик ва узлуксизликни янада ривожлантиришга дастурил амал бўлиб хизмат қилади. Фармонда белигиланишича "бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим муассасаларига Халқаро таснифлагич бўйича асосий таълим дастурларидан ташқари қуйи даражадаги таълим дастурлари бўйича кадрлар тайёрлаш ҳуқуқи берилади. Тизимда мос равишда бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим дастурлари жорий этилган касб-ҳунар мактаблари, коллежлар ва техникумлардан иборат профессионал таълим муассасалари тармоғи [3] ташкил этилади". Фармонда 2020-2021 ўқув йилидан ташкил этиладиган касб-ҳунар мактаблари фанларнинг интеграциялашган дастурлари асосида 9-синф битирувчилари ҳисобидан шакллантириш, уларга 2 йил давомида кундузги таълим шаклида касб-ҳунарга йўналтирилган таълим жараёни тадбиқ этилиши бегилаб қўйилган.

Касб-ҳунар мактабларида ўқувчиларга касб-ҳунарга тайёрлашни такомиллаштиришнинг замонавий йўлларидан бири бу, амалий кўникма ва малакаларни татбиқ этувчи замонавий узлуксиз жараённи ташкил этишдир. Узвий боғланган узлуксиз таълимнинг шаклланиши ва ривожланиши натижасида касб-ҳунарга тайёрланаётган ўқувчилар салоҳиятидан ишлаб чиқариш корхоналаридаги иш ўринларини замонавий мутахассислар билан тўлдириш имконияти яратилади.

Фундаментал илмий-техникавий масалаларни ечиш, илмий ишланмалар ва ғояларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, илмий-мухандис мутахассисларни тайёрлаш мақсадида ўқув-илмий марказлари ташкил этилади. Тадқиқот марказлари янги технология ва ускуналарни ишлаб чиқиш, уларни амалиётга жорий этиш, техника ва технологияларни татбиқ этиш мақсадида ташкил қилинади. Бу марказлар таркибига илмий-тадқиқот марказлари, акдемиялар, олий таълим муассасалари жалб қилинади.

Мақсадли интенсив тайёргарлик - ўқувчиларни иқтидори бўйича танлаб олиш, ўз қобилияти, иқтидори доирасида ривожлантириб бориш тизи-

ми бўлиб, бунда ўқувчилардан мақсадли фойдаланиш кўзда тутилади. Тайёргарлик давомида махсус билимларни эгаллаш лозим бўлади.

Ҳозирда Республикамизда фаолиятини бошлаган технопарклар шакли Буюк Британия, АҚШ, Германия, Австралияда кенг қўлланиб келинаётган усул ҳисобланади. Бунда таълим муассасаси лабораториялари базасида илмий-тадқиқот ишлари ташкил этилади. Унинг биринчи босқичида илмий-тадқиқот ишлари олиб борилиб, унга ўқувчилар жалб қилинади. Ўқув циклининг биринчи босқичида, улар фақат назарий билимлар олишади. Кейинчалик, ўз билимларини мустақил амалиётларда қўллашади. Олинган билимлар натижасида, техник лабораторияларда илмий натижалар – маҳсулот, технологиялар яратилади. Интеграциянинг ушбу шакли ҳам мамлакатимизга аста-секин кириб келмоқда (Турин политехника университетининг Тошкент филиали).

Мазкур интеграция шакллари ўқувчиларни касб-ҳунарга тайёрлашда қатор афзалликларни таъминлайди: касбий ва амалий кўникмаларга эга бўлган ўқувчиларни тайёрлашда, уларни иш билан таъминлашда вақт унумдорлигига эришилади; унга сарф ҳаражатлар камаяди; таълим муассасасининг ўқув-илмий ва техник-лаборатория базаси мустаҳкамланади; меҳнат бозори, ишлаб чиқариш тизими ва мутахассислар ўртасида рақобат муҳити шаклланади. Натижада ишлаб чиқариш кадрларининг сифати ошиб боради.

Кадрлар тайёрлаш тизимини иқтисодиёт соҳалари билан интеграциясини янада такомиллаштириш жараёнлари бугунги кунда бевосита кадрлар тайёрлаш тизими шаклланишига йўл очиб берди. Бу борада касб-ҳунар мактабларининг касбга тайёрлаш йўналишлари талабга мувофиқ ўзгарувчан шаклга келтирилади. Жумладан, мамлакат иқтисодиётининг реал секторлари ҳамда ижтимоий соҳалардаги таркибий ўзгаришлар, уларнинг кичик мутахассис кадрларга бўлган талабидан келиб чиқиб соҳалар ривожланишининг истиқболлари, кейинги йилларда қабул қилинган ҳудудий дастурларни ҳисобга олган ҳолда айрим касб-ҳунарлар қайта ихтисослаштирилади, айримларида касблар бўйича тайёрлаш янгидан йўлга қўйилади.

Касб-ҳунар мактабларида ўқувчиларни касб-ҳунарга тайёрлаш борасида қуйидаги вазифаларни амалга ошириш лозим деб ҳисоблаймиз:

– биринчидан, мактаб таълими мазмунини модернизациялаш талаблари асосида касб-ҳунар мактаблари мазмуни ва технологияси тузилмасида касбий фаолият элементларини белгилаб олиш;

– иккинчидан, касб-ҳунарга йўналтирилган тайёргарлик босқичлари мазмуни ва технологияси талабларига асосланган ҳолда белгилаб

олиш;

– учинчидан, ўқувчиларнинг касб-ҳунарга тайёргарлиги мазмунини ишлаб чиқишда касбий билим, кўникма ва малакалар ўрни ва таркибини аниқлаш;

– тўртинчидан, касб-ҳунарга тайёрланаётган ўқувчилар кўникма ва малакасини таъминлашга йўналтирилган мажмуалар мазмунини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш талаб этилади.

Мулкчилик шакли ўзгариши ва ишлаб чиқариш бўлинмаларининг тез алмашиниши муносабати билан кадрларга бўлган истиқбол эҳтиёжини белгилаш қийинлашиб бормоқда, бу ўз навбатида касб-ҳунар мактабларида машғулотларни ташкил этиш ва ўтказиш жараёнини мураккаблаштиришга олиб келиши мумкин. Ҳозирда касб-ҳунарни эгаллаган мактаб битирувчиларни ишга жойлаштириш масъулияти кимда деган савол туғилади, бу кимнинг зиммасига юкланади. Ҳозирча бу меъёрий ҳужжатларда аниқ ифодасини топмаган. Шу сабабли, ўқувчиларни касб-ҳунарга мақсадли тайёрлаш жараёни иштирокчиларининг мажбуриятлари аниқ белгиланган амалий механизм яратиш долзарб масаладир.

Касб-ҳунар мактабларида ўқувчиларни тайёрлаш сифатини ошириш учун уларни сифатли танлаш; касбга қизиқишни уйғотиш; педагогик фаолият сифатини ошириш; машғулотлар жараёнида педагог-мухандислар, кураторлар ролини ошириш; гуруҳларда ҳамкорлик муҳитини яратиш; ўқитиш натижаларини аниқ ва холисона баҳолашни ташкил этиш; хона ва лабораторияларни керакли жиҳозлар билан таъминлаш; машғулотлар учун коллежлар ҳамда ташкилотлар билан шартномалар тузиш; улар асосида ўқувчиларни мақсадли тайёрлаш кабиларни эътиборга олиш ҳам муҳим. Аниқланишича, ҳозирда мактаб ўқувчиларининг билим савияси бозор иқтисодиёти талабларига тўла жавоб бермайди. Бунинг учун касб-ҳунар мактаблари ишини юқори даражада йўлга қўйиш лозим. Бу мактаблар учун ўқув режа ва дастурларни яратишда масъул етук мутахассисларни жалб этиш мақсадга мувофиқ. Ушбу интеграцияни яхши йўлга қўйиш билан касб-ҳунар мактабларида ўқувчиларни касбга тайёрлашда катта ўзгаришларга эришиш мумкин.

Касб-ҳунар мактаблари ва коллежлар ўртасидаги асосий ҳамкорлик махсус касбий малакалар ўзлаштириш ва ривожлантиришга жалб этилган машғулотларга қаратилиши, шунингдек, ўқувчиларнинг иш билан таъминланиш имкониятини оширувчи асосий малакаларни кенг ўзлаштиришда кўмаклашиши, амалий билим беришга жалб этилиши керак. Кол-

лежлар билан мустахкам алоқа ўрнатиш учун касб-ҳунар мактаблари ўз вақтида мажбуриятларини тақсимлаши керак ҳамда ушбу ҳамкорликдан оладиган ўзаро манфаатларини аниқ тушунишлари керак. Ушбу алоқа тармоғининг аъзоси ёки таъминловчисини ўрнатиш ҳамкорликнинг самарали ва мустаҳкам ривожлантириш омили ҳисобланади.

Касбий тайёргарлик борасида қайси касбий йўналишлар ўзгариши мумкин, уларнинг камайиши ёки кўпайиши миқдори ўзгаришини аниқлаш, у ерда раҳбарият ходимлари ёки мутахассислар сони кўпайиши даражаси ҳисобга олиш керак. Таҳлил қилиш учун мавжуд касблар таснифлагичига асослаш, ўзгаришлар нимадан иборатлигини билиш, ҳозирги вақтда талаб қилинадиган малакаларни аниқлаш, уларни келажакда талаб қилинадиган малакалар билан солиштириш лозим.

Президентимиз томонидан қабул қилинган “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги [5] қонун эртанги кунимизнинг ишончи бўлмиш ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда юксак билимли ва малакали кадрлар этиб тарбиялаш жараёнини янада такомиллаштириш, уларнинг бандлигини таъминлаш борасидаги самарали ишларга дастуриламал бўлмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда аҳолини, авваламбор, мактаб ўқувчиларини иш билан таъминлаш масаласи бўйича янги тизим жорий этиш лозим.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури тўғрисида”ги қонуни. Ўзбекистоннинг янги қонунлари. 18-сон. Адолат. 1998.- 281 б.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги ҳонуни. Ўзбекистоннинг янги қонунлари. 6-сон. -Т.: Адолат. 1998.- 289 б.

3. Ўзбекистон республикаси президентининг 2019 йил 6-сентябраги “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5812-сон фармони.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 187-сон қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги ПФ-5106-сонли фармони.

# ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОЕ УМЕНИЯ ШКОЛЬНИКОВ ПРИ ВЫПОЛНЕНИИ ЛАБОРАТОРНЫХ РАБОТ

**Р.ДЖУРАЕВ,**
академик АнРУз, УзНИИПН, д.п.н.

*Статья посвящена актуальным вопросам формирования исследовательских умений обучающихся при выполнении физического лабораторного эксперимента в школе. В ней рассматриваются вопросы, связанные с содержанием экспериментальных учебно-исследовательских умений и этапами экспериментальной учебно-исследовательской деятельности, приводится пример организации исследовательской деятельности работы по механике.*

***Ключевые слова**: учебно-исследовательское умение, учебно-исследовательская деятельность, исследовательская лабораторная работа, экспериментальная оценка влияния силы трения.*

*The article is devoted to pressing issues of the formation of research skills of students in the performance of a physical laboratory experiment at school. It discusses issues related to the content of experimental educational and research skills and the stages of experimental educational research activities, provides an example of the organization of research activities in mechanics.*

***Key words**: teaching and research skill, teaching and research activity, research laboratory work, experimental assessment of the effect of friction*

Практическая направленность обучения предполагает обучение не только теоретическим знаниям, но и деятельности по приобретению знаний и их применению на практике. Как сказано в законе об образовании, «важнейшими качествами личности становятся инициативность, способность творчески мыслить и находить нестандартные решения». В условиях усиления практической направленности обучения большое значение имеет учебно-исследовательская деятельность, в процессе которой преобладает самостоятельное применение обучающимися приемов научных методов познания, поэтому они более активно овладевают знаниями и развивают свои исследовательские умения и способности.

Под учебно-исследовательским умением в широком смысле мы понимаем умение применять прием соответствующего наушного метода познания к решению поставленной исследовательской задачи. При обучении физике широкие возможности для формирования учебно-исследовательских умений дает учебный физический эксперимент.

В структуре научного исследования можно выделить две стороны эксперимента. С одной стороны, он является связующим звеном между теоре-

тическим и эмпирическим этапами научного исследования. Другая сторона эксперимента заключается в том, что он принадлежит и к познавательной, и к практической деятельности человека, являясь, с одной стороны, формой и методом познания, а с другой, - одной из форм практики и критерием истинности знания. Использование физического эксперимента в обучении позволяет познакомить обучающихся с методами познания, проиллюстрировать проявление физических законов и закономерностей и сделать их более понятными, показать применение физических явлений в технике, повысить наглядность обучения и интерес к предмету.

К учебно-исследовательским умениям, формируемым в процессе деятельности по выполнению учебно-исследовательского эксперимента, мы относим следующие умения:

– анализировать факты, явления, их связи и отношения;

– видоизменять цель и формулировать (ставить) промежуточные цели;

– выдвигать предположение, строить гипотезу, предвосхищать результат;

– ставить задачи и планировать свою деятельность в соответствии с выстроенной гипотезой;

– анализировать метод и условия деятельности по проверке предположения;

– «опровергать или доказывать гипотезу;

– интерпретировать полученные результаты;

– делать частные выводы и выделять общую закономерность.

В деятельности обучающихся по выполнению учебно-исследовательского эксперимента можно выделить следующие этапы и действия [1].

1. Подготовительный этап:

– выявление противоречия между наличным и требуемым уровнем знаний о предмете исследования:

– формулирование цели и задач исследования;

– выдвижение предположения (гипотезы) о результатах исследования:

– разработка метода решения задачи на основе имеющихся знаний: получение расчетной формулы; проектирование экспериментальной установки; выбор технических средств проведения и контроля эксперимента; определение состава контролируемых величин, способа и диапазона их изменения, последовательности измерений, необходимого количества опытов; прогноз точности ожидаемых результатов.

2. Этап выполнения экспериментальных действий:

– сборка и наладка экспериментальной установки;

– проведение наблюдений и измерений;

– фиксирование полученных данных.

3. Этап обработки и интерпретации результатов измерений и наблюдений:

– расшифровка, математическая обработка полученных данных;

– анализ результатов (оценка точности и достоверности, классификация, обобщение, интерпретация);

– формулировка выводов, изложение результатов работы и их практической значимости.

Формирование исследовательских умений у обучающихся происходит в той или иной степени при выполнении любого лабораторного эксперимента, но первостепенную роль играют лабораторные работы исследовательского характера. К ним, в первую очередь, относятся работы, в которых достигается наибольшая познавательная самостоятельность обучающихся: от учителя они получают только тему, сами ставят вопросы, разрабатывают пути выполнения работы и самостоятельно получают результаты. Анализируя этапы деятельности по выполнению таких работ с дидактической точки зрения важно отметить, что уровень их сложности не одинаков.

В некоторых работах, где предполагается выполнение простого экспериментального задания, этапы постановки задач и планирования эксперимента полностью или частично «заменяются» постановкой «экспериментального» вопроса. Например: «Что покажет амперметр, включенный в различные участки цепи, при последовательном соединении проводников? при их параллельном соединении?»

Если в работе сформулировано только задание и необходимо провести достаточно сложное исследование, то ее выполнение

предполагает проведение многоходовой исследовательской деятельности в полном объеме. Успешность выполнения такой работы во многом напрямую зависит от умения учителя косвенно управлять деятельностью обучающихся по выдвижению гипотезы, выстраиванию организационных и операционных действий по проведению эксперимента, проведению анализа результатов.

Отдельно необходимо остановиться на работах, в которых уже предлагается описание эксперимента, а обучающимся необходимо выдвинуть предположение о его результатах и проверить их на опыте. В ходе выполнения такой работы частично упрощен лишь этап планирования эксперимента, в остальном предполагается проведение обучающимися полноценной исследовательской деятельности. Во-первых, необходимо провести анализ предлагаемого эксперимента и выдвинуть предположение о возможных результатах. Во-вторых, необходимо провести экспериментальную проверку. Далее предполагаются проведение анализа полученных экспериментальных результатов и формулировка выводов. Перечисленные действия дополняются вычислением погрешностей эксперимента и выявлением факторов, которые могли повлиять на его результаты, а, следовательно, исследованием

метода и условий эксперимента. Такие работы в полной мере можно отнести к работам исследовательского характера.

Рассмотрим этапы исследовательской деятельности обучающихся. Обучающимся предлагается провести экспериментальную оценку влияния силы трения на результаты, получаемые при выполнении известной работы по проверке основного уравнения динамики вращательного движения.

Работа предназначена для обучающихся классов физико-математического профиля и выполняется с помощью вращающегося диска из стандартного набора оборудования школьного кабинета физики. Исследуется зависимость углового ускорения диска от момента силы упругости нити, на которую подвешен груз, приводящий диск во вращение. Используются диск с двумя шкивами разного диаметра, блок, штатив, нить, набор грузов.

Обучающимся предлагаются два задания:

1) установить зависимость углового ускорения диска от действующей силы при постоянном плече этой силы;

2) исследовать зависимость углового ускорения диска от плеча действующей силы.

По результатам выполнения двух заданий обучающиеся должны убедиться в совпадении отношений моментов сил $M_1$ и $M_2$ и угловых ускорений ь, и $e_2$, полученных для этих моментов, и сделать вывод о зависимости углового ускорения диска от момента силы.

После выполнения указанных заданий обучающиеся видят, что имеется большое расхождение экспериментальных результатов с «теорией». Поэтому они «вынуждены» провести анализ условий проведения эксперимента и высказать предположение о возможных причинах расхождения. Первая причина - пренебрегали ускорением падающего груза (считали, что оно намного меньше ускорения свободного падения). Вторая - не учитывали силы трения, возникающей при вращении диска.

